





АЛИШЕР НАВОЙНИ БУТУН МАМЛАКАТ ОЛҚИШЛАМОҚДА!

Ўзбек халқининг шоири-а'зами бўлмис Алишер Навоийнг кўпдан берли сабрсизлик блан кутилиб келган юбилейини ўтказмоқдамиз. Биргина ўзбек халқи эмас, балки Советлар Иттифоқининг барча қардош халқлари бу шарафли кунни иҳтиром ва ихлос блан қайд қилмоқдалар.

Алишер Навоийнинг адабий мероси ва унинг адабиёт ҳам маданият тарихимиздаги хизмати шу қадар улуғ ва муҳим бўлганки, бу воқиа тор бир замоннинг ва ма'lум бир ижтимоий формациянинг чегараларини парчалаб чиқиб умумбаша-рий бир моҳият касб этгандир.

Асрларнинг синоғидан, кураш ва низо'ларнинг хароб қилуучи нафасидан устиворлик блан ўтиб келиб, янги наслларнинг чақириғига жавобан: „лаббай, мен бу ерда!“ деб нидо чиқартган ўлмас шоирни совет халқигина, социализм мамлакатигина ҳаққи блан қадрлайолди.

Навоий, ўз даврининг сержафо ва ноинсоф зарбалари остида поймол бўлган инсонликни ва инсонларни чинакам севгани учун чуқур қайғирап ва лекин шу блан бирга қачон бўлмасин ишқу муҳаббатдан баҳраманд бўлиб дўстона бир жамиятда яшовчи инсонларнинг яшаяжагига ҳам қат'ий ишонар эди.

Ҳар кишиким бор эса ёри анга,
Ҳар кишиким ёр эса бори анга,
Ком била васлини айлаб ҳавас —
Топса бу комига дами дастрас —
Бўйнига қоним мени ёд этмаса,
Руҳим ўшал ёд ила шод этмаса!

Бу ажойиб орзу ва тилакда, шоир келажак наслларга қараб, лойиқ ёр топган ва жамиятдаги барча инсонлар блан ёрларча (я'ни дўстона) бирликда турувчи кишилар, мени ёд қилиб руҳимни шод этмаса бу увол бўлур дейдики, бу хитобда Башариятнинг келажагига ва қачон бўлмасин — дўстона бир

жамият пайдо бўлажагига катта ишонч ва умид бор. Албатта Навоий бундай баҳтиёр ва тансиқ бир жамиятнинг конкрет симосини ва реал йўлларини билмас эди, аммо бу гўзал орзу ва умид инсонларни бадбинликдан ва аскетизмдан қутқазишига ма’лум даражада ёрдам берар эди. Бу ёса XV асрда ўзбошимчилик, феодал истибоди ва умидсиз пессимизм ҳукм еурган бир давр учун катта тараққийпарвар ва гуманистик аҳамиятга эга эди. Ма’лумки В. И. Ленин, Толстойчиликинг реал тарихий мазмуни ҳақида гапирганида „аскетизм ҳам, ёмонликка қаршилик кўрсатмаслик ҳам, пессимизмнинг чуқур куйлари ҳам“ аслида „шарқ тузумининг, Азия тузумининг мафкураси“ эканлигини тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтган эди. (Ленин, асарлар, 2 нашр, XV т. 101 бет).

Демакки, шундай бир ижтимоий ҳолатда умид ва кураш маш‘алини сўнишга қўймай асрларнинг корвонига баланд тутиб яхшилика чақириш, инсонпарварликни талқин қилиш, ҳаётни ва севгини куйлаш буюк шоир Навоийнинг катта тарихий, тарбиявий ва адабий хизмати эди.

Мана ўзининг шу олижаноб ролини тушингани ва сезгани учундирки, шоир келгуси баҳтиёр наслларнинг хотирасида ўзига ҳам бир ўрин сақланишига умидвордир. „Хайратул-Аброр“ достонини тамомлаётганида Навоий, бу асарни ҳар ким ўқиганида ёки ёзиб кўчирганида, мени эсласа руҳим шод бўлади дейди:

... Ким ўқуса ё қилур ўлса савод,
Руҳим агар қилса дуо бирла шод!...

Бу улуғвор орзулар, бу олижаноб умидлар ва бу ҳақли таълаблар нуроний бир шу’ладай бўронли асрларнинг совуқ нафасида музламай-қотмай бизнинг замонимизгача келиб етди, чунки, ўлмас шоирнинг ўлмас садоси тарихнинг буйруғи блан, бизнинг замонамизга, бизнинг жамиятнинг адресига қаратилган эди.

Буюк Навоийнинг ўлмас руҳини миннатдорчилик блан эслаетган давр ва даврон, ҳалқ ва инсон, бизнинг давр, бизнинг совет ҳалқи ва бизнинг социалистик инсондир.

Навоийнинг буюк инсонпарварлик идеаллари реакцияга, фатализмга, таассуб ва хурофотга қарши қаратилган, чинакам виждоннинг мардона садолари эди. Аммо булар у даврда, ва Навоий ўйлаганидай фисункор сўзининг ҳамда ташвиқотнинг та’сирি блан амалга ошиши мумкин эмас эди. Холис ва соғ севги, дўстлик асосида қурилган жамият, меҳнатга иззат, илм ва олимга иҳтиром, умумхалқ фаровонлиги, адолат шиорини ўз сиёсатига асос қилиб олган давлат, ҳалқлар ўртасида адоват эмас, ҳамкорликни талаб қилаётган принцип, оддий ҳур инсон ҳақида қайғириш ва ҳоказолар Навоий хаёлида гўзал истаклар бўлиб қолгани ҳолда бизнинг замонамизда амалга ошган ва Батанимиздаги ижтимоий тузумнинг „алиф-бе“си даражасида аён ва аниқ бўлган ҳақиқатлардир.

Навоий доҳиёна бир қудрат блан инсониятнинг яхши, гўзал, олижаноб, ёруғ айёмини орзу ва ҳаёл қилди. Лекин у, ўз даврининг фарзанди эди. У, атрофдаги баҳтсизлик, зулму ҳақорат, инсофсизлик, қонунсизлик, қўполлик, қонсирашлик, шаддодлик, мунофиқлик, ёлғончилик кайфиятларини кўриб гоҳо, буларнинг қаро кучлари олдида чуқур ма'юс бўлиб аламли кўзёшлари тўкар эди. Бу шаффоф кўзёшларида халқнинг оҳ ва фар'еди акс этганидай, ҳали актив революцион кураш даражасига кўтарилаолмаган меҳнаткаш гуруҳларнинг зеҳнидаги заифлик ҳам ифода қилинар эди.

Лекин бу аламли марсиялар устида бинокор Фарҳод, шоир Мажнун, енгилмас Искандар, вафокор Лайли, ватанпарвар Ширинларнинг сўнмас образлари тог чўққиларида баланд ёксалиб энг узоқ замон уфуқларидан яққол кўринадиган ҳайкаллар эди.

Бу ҳашаматли ҳайкаллар қотиб қолган мужассамалар эмас, балки инсон шуурининг жонли ҳаётига киришиб кетган актив омиллар эдилар. Бу жозибалик образлар китобхонларда (ва кўпинча, Навоийхонларни тинглаб турган әшитучиларда) ҳаётга умид, яхшилик ва адолатнинг ғалабасига ишонч, гўзаллик ва нафосатга завқ туйгуларини парвариш қилиб келди.

Ниҳоят, буюк устознинг ижоди ўзи асрлар давомида катта бир адабий мактаб ташкил этдики, ўзбек адабиётининг энг пешқадам арбоблари бу йўлдан бориб, Навоийнинг олижаноб ғояларидан баҳраманд бўлдилар, унинг бадиий ҳазиналаридан инжулар олдилар. Айтиш мумкинки, классик адабиётимизнинг сўнгги беш асрлик умри Навоий даҳосининг ҳаёт бахш нафасларидан куч ва мадор олиб келди. Шоир ўзи ҳам ўзбек адабиётининг инкишофида ўзининг ролини аниқ сезар ва у томондан чизилган бадиий-ше'рий нормаларнинг шоирларга қўлланма ва дастурал-амал бўлганини кўрар эди.

Э Навоий, қилғали таб' аҳли жинс ше'р назм,
Назминг ўлди барчасига қофия балким радиф.

Бу байтдаги мағрур этироф қуруқ ва енгил бир фахрия (маҳтаниш) эмас. Навоий ўзи тиригида юзлаб шоирлар Ҳурросонда, Мовароуннаҳрда ва Озарбайжонда уни улуғ устоз деб қабул қилган ва унинг эстетик-поэтик ҳам ғоявий — ахлоқий нормаларига риоя этган эдилар. Навоийнинг вафотидан кейин бўлса, бу ихлос ва эргашув чинакам бир поэтик мактаб шаклини олган эди.

Совет даврида ўзбек адабиётининг янги тарихий ва ижтимоий поғонасида Навоийдан ўрганиш принципиал бир моҳият олиб буюк классик шоирнинг энг яхши традициялари унинг улуғ ғоялари, мукаммал сан'аткорлик усуслари ёш шоирларимизнинг ижодий аслаҳасини бойитди. Аммо шу даврда Навоийдан ўрганиш тақлид ва назира белгиси остида эмас, балки унинг адабий меросини ижодий эгаллаш шиори остида ўтди.

Навоий ақл, урфон ва илмнинг құдратияга ишонар әди. Таажжуб әмаски, шоирнинг барча ижодий қаҳрамонлари (бемустасно) ўқимишли ва ориф кишилардир. Унинг Улугбекка ёзған жүшқун мадҳияси бу ҳукмдорнинг салтанатига әмас, фазилатига қаратиб айтилған самимий та'рифнома әди.

Навоийнинг илму ма'рифатга бўлган бу этиқоди совет гражданининг идроки блан ҳамоҳангдир. Илмий ижод мисилсиз даражада гуллаётган Сталин даврида Навоийнинг билимга, ма'рифатга, иктиро'га қўйилған наш'али тароналари албатта катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Муттасил, ғайрат ва сабот блан ўқиш, ўрганиш, илм қасб қилиш совет кишиларининг одати бўлиб қолган экан, Навоийнинг шу ҳикматли иборалари зарбулмасал шаклига айланиб қолганлиги ажаб әмас:

Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

ва яна:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дар'ё бўлур!

Навоийнинг инсонга, инсоннинг баҳт ва ша'нига бўлган муҳаббати ҳам совет даврининг чуқур гуманистик идеялари блан ҳамоҳангдир. Албатта, социалистик гуманизм блан Навоийнинг идеялистик гуманизми ўртасида принципиал фарқ бор. Аммо бу фарқ Навоийдаги инсонпарварлик кайфиятларини рад қилишни әмас, балки аксинча, бу қимматбаҳо куйларни социалистик гуманизм принципларига риоя қилдиришни, улардан фойдаланишни талаб қиласи. Чунки, умумбашарий куйларни куйлаган сан'аткорлар доимо инсоният оламининг олға қараб юришига хизмат қилиб келгандар. Навоийда, фуқорага иҳтиром, адолат ва инсофни талаб қилиш, меҳнатни кўтариш, аёллар ҳақидаги ғамхўрлик мана шу олижаноб инсонпарварлик кайфиятларидан келиб чиқади. Булар эса, ўзларининг мажмуйи этибори блан ҳалқпарварлик дегани бўлади, чунки юртдаги кишиларнинг асосий ўзагини, аксариятини меҳнат аҳли, я'ни ҳалқ ташкил этар әди. Шунинг учун Навоийнинг қуйидаги байти совет кишиларининг оғзида зарбулмасалга айланиши таажжуб әмас:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ ҳалқ ғамидан ғами.

Инсонга ва ҳалққа бўлган севги ватан ва юрт тушунчасидан ажралмас севги әди. Зотан шоирнинг бутун ҳаёти, унинг зўр давлат арбоби сифатидаги фаолияти, унинг она тилини, бу тилдаги адабиётни кўтариш бобидаги ғайрат ва ҳиммати бу ватаннинг қувват ва обрўсини юксалтириш мақсадига қаратилған әди. Ватанпарварлик туйғуси совет кишисининг му-

қаддас түйгуси әкан, Навоийнинг ватани севиш ҳақидаги шиорлари халқда масал шаклига айланганлиги таажжуб әмас:

Аёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Бу машхур шиорнинг ажойиб ма'носи шундан иборатдирики, Навоий ватан йўлида сўнгги томчи қонигача жанг қилишни абстракт бир тупроқ учун әмас, ҳар кишининг ўз аёли (оиласи) турган юрт, я'ни конкрет бир диёр учун кураш ма'носидаги англайди.

Навоий асарларидағи энг яхши образлар, унинг лирикасида куйланган нозик тароналар, унинг илмий ва фалсафий муддаолари асрлар мобайнида ажойиб тараққиётпарвар рол ўйнаб келиб, бизнинг совет социалистик маданиятилизга қўшилмоқдадир. Албатта Навоийнинг бутун ижодиёти бир кулл (бутун) бўлгани ҳолда ҳамма элементлари айни бир қимматга әга әмаслар. Бу улуғ мероснинг ичидаги ўзининг, тарихан лобид бўлган қарама-қаршиликлари бор.

Аммо унинг ижодини асосан белгилайдиган нарса — инсон, ҳалқ, ватан, баҳт, садоқат, севғи, меҳнат, билим ғоялари бизнинг тарбия ҳазинамизга олтин қурол бўлиб киритилмоқда.

Ўзбек классик адабиётининг марказији ва бош симоси бўлган Алишер Навоийнинг туғилганига бешюз йил тўлиши муносабати блан ўзбек ҳалқи ўтказаётган тантанали тўй барча қардош совет ҳалқларининг ҳам маданий тўйидир. Бу воқиа Ленин—Сталин миллий сиёсатининг Совет Шарқидаги тарихий тантанасига яна бир далил, яна бир янги нағмадир.



АЛИШЕР НАВОИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Хаёт боғида то сарву лола бўлғусидур,
Меянинг мумидди¹ ҳаётим пиёла бўлғусидур.
Суроҳи² ўлғусидур манга сийми тан маҳбуб,
Бошида қил анга мушкин кулола бўлғусидур.
Ҳаёт гулшани муғ кулбасию муғбачанинг,
Юзни қадди манга сарву лола бўлғусидур.
Не айб базмим ичинда ҳазин фифонки, суруд
Анга ки қон ютар албатта нола бўлғусидур.
Қадаҳ ки ҳолима қон йиғлар эмди оҳимдин,
Сиришк³ қатраси гул ранг жола бўлғусидур.
Қачон май ичра юзинг акси тушса, вай соқий,
Пиёла даври ўшул ойға ҳола бўлғусидур.
Дидинг: фано не дурур, муҳтасар дейин: ўлмак,
Ки шарҳини тиласанг юз рисола бўлғусидур.
Навоий, истама кавсар майини зуҳд⁴ била,
Ки бода ичкучи элга ҳавола бўлғусидур.



Дайр ичра яна кирдиму бир жур'a⁵ учун ваҳ,
Ул бут манга миннат қўяр, алминнату лилаҳ.
Масжидқа яна кирмасу юз саждаға қўймас,
Ҳаркимки бўлур дайр ила бут сирридин оғаҳ.
Бут шоҳид әрур дайр дағи дайри фанодур,
Куфр аҳли әрур, сиррини чун билмади, гумраҳ⁶.

¹ Мумидди — бирга боручи, ёрдамлашучи (Мумидди ҳаётим — ёрдамлашучи, ҳамкорлик қилиучи ҳаётим).

² Суроҳ — май идиши.

³ Сиришк — ёш, кўз ёни.

⁴ Зуҳд — зоҳидлик, тақвадорлик.

⁵ Жур'a — култум, ютим.

⁶ Гумроҳ (гумраҳ) — хабарсиз, бехабар.



Дермен кечаким тонгла чиқай дайрдин, аммо
Лоя'қил әтар мұғбача май бирла саҳар гаҳ.
Соқығаю ё аксига май ичра боқармен,
Андин мунга, мундин анга чун топмадим ашбаҳ¹.
Дайр ичра буқун кавсару ҳур бўлди насибим,
Тонглаға манга ва'да берур воизи аblaҳ.
Хақ сиррини ҳаркимга баён әтма, Навоий,
Та'н айламагай билмас улус англаса ногаҳ.

*

Базм аро гар йўқ май била даф
Ҳам ёмон әрмас ун² била каф³.
Соқий гулруҳ, бода кетур,
Ким манга ҳаддин ошти шааф⁴.
Давр ила дайр аро чеккали май,
Чекмак неча масжид аро саф.
Бодаға берсам жон нақдими,
Бўлмоқ учундур нақди талаф⁵.
Кел бери ким йўқ санга вубол⁶,
Лекин әрур кўп бизга шараф.
Шайх риёйи фони эмас,
Ул тараф ўлсун, ё бу тараф.
Ўқинг учун хаста Навоий
Кўзи қаросин қилди ҳадаф⁷.

*

Қаро кўзим келу мардумлиг эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингға⁸ боғир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан⁹ қилғил.
Фироқ боғида топилса туфроғим, эй чарх,
Ҳамер этиб яна ул тоғда кўҳикан қилғил.
Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни бошдин-оёқ чин ила шикан¹⁰ қилғил.
Хазон сипоҳига, эй бөгбон, эмас мони'
Бу бое томида гар игнадин тикан қилғил.

¹ Ашбаҳ — ўхшаш.

² Ун — товуш, овоз.

³ Каф — чапак.

⁴ Шааф — мұхаббатда жуда берилиб кетиш.

⁵ Талаф — йўқотиш, таланиш (нақди талаф — нақд, бор нарсани йўқотиш, таланиш).

⁶ Вубол — увол, гуноҳ.

⁷ Ҳадаф — нишона.

⁸ Таковар — тез-тез югуручи от.

⁹ Расан — чивик, арқон, ип.

¹⁰ Шикан — тугилиш, синиш, эгилиш.

Юзида терни күрүб, ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қылғил.
Навоий, анжумана¹ шавқ жон аро тузсанг,
Аннинг бошоқлиғ үқин шам'и анжуман қылғил².

*

Үн секиз минг олам ошуби³ агар бошиндадур,
Не ажаб чун сарви нозим ўн секиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким яна ҳам ўн секиз йил ҳусни бор,
Ўн секиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.
Ўн секиз йил дема, юз саксон йил ўлса ул дурур
Ҳусн шоҳи, ул балолар ким кўзу қошиндадур.
Ҳайрат этман ҳусни нақшида ки ҳар ҳайраг ки бор,
Барчаси изил таоло сун'и наққошиндадур.
Тан анга сийму ичинда тош музмар⁴ кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.
Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш масих,
Бул ажаблар ким бу эски дайр ҳаффошиндадур⁵.
То Навоий тўқти ул ой фурқатидин баҳри ашк⁶,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси онинг ёшиндадур.

*

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдим санга,
Не балолиғ кун әдиким ошино бўлдум санга.
Ҳар неча дедим ки кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.
Мен қачон дедим вафо қылғил, менга зулм айладинг,
Сен қачон дединг фидо бўлғил менга, бўлдум санга.
Қай пари пайкарға дерсен: телба бўлдинг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил менга, бўлдум санга.
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим овора бўл,
Юз бало етмаски мен ҳам бир бало бўлдум санга.
Жоми Жам бирла Хизр суйи насибамдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.
Ғўсса чангидин Навоий топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

*

Кўнглум ўртансун агар гайрига парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамқим сенинг ишқингни пайдо айласа.
Ҳар киши васлин таманно айласам новмид ўлай,

¹ Анжуман — йигини, тўпланиш, ўлтириш (анжумани шавқ — завқ-шавқ йигини, ўлтириши).

² Байтнинг маъмуни — эй Навоий, агарда кўнвлиинг учун завқ-шавқ ўлтиришибни тузмакчи бўлсанг, учинг (ёрингнинг) тизилиб турган ўқларини (кирпикларини) бу ўлтиришинг учун шам қылғил.

³ Ошуб — ташвиш, безавталик.

⁴ Музмар — бекитилган, яширилган.

⁵ Ҳаффош — кўршапалак.

⁶ Баҳри ашк — ёш денгизи.

Ҳар киши ҳамки сенинг васлинг таманно айласа.
Үзгалар ҳуснин тамоша айласам чиқсун күзаум,
Үзга бир күэ ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.
Файри зикрин ошкоро қылса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг¹ ошкоро айласа.
Рашкидин жонимға ҳар нарғис² күзи бир шу'ладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви ра'но айласа.
Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир масиҳо айласа.
Оқибат жонимга етти, эй хушо, муғ ким мени
Бир қадаҳ бирла ҳаробот ичра расво айласа.
Келтурунг даф'и жунунимға парихон, йўқ табиб,
Ким ул ансадбур пари ҳаркимни шайдо айласа.
Субҳидек ҳардамда гардум қўймағай осорини
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа³.
Даҳри шўхига, Навоий, сайд бўлма неча ким,
Кун узори⁴ узра туън зулғин мутарро айласа.

*

Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди,
Кўнглум куядур, дард ила дармон керак эрди.
Фам шомида парвона сифатким куядурмен,
Бошим уза ул шам'и шабистон керак эрди.
Кўз боғида юз гул очадур ишқ ва лекин,
Юзу ҳатидин лолаю рапхон керак эрди.
Хуш келди ҳазин кўнглум аро ғамзаларингким,
Оҳ ўқлариға бир неча пайкон керак эрди.
Қабримға хиром эттингу, йўқ тухфайи⁵ ваҳ ким,
Бу ҳас киби тан ичра букун жон керак эрди.
Хуш зийнати кўп нома дурур умр ва лекин,
Тавқии вафодин анга унвон керак эрди.
Билмай сени ул гул қовар⁶, эй зори Навоий,
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди.

Сургандада жафо тифин қўл асраладинг бори,
Қонимни тўкар чоғда раҳм айламадинг бори.
Юз доғи вафо урдинг, минг тифи жафо сурдинг,
Ҳар нечаки ёлбордим, ҳеч эсламадинг бори.
Аҳробни хос этдинг жон берган лутфингдин,
Қатл эткали ҳам бизни бир истамадинг бори.
Қатлимни бурун ва'да қилдинг чу ғазаб сурдинг,

¹ Зикринг — номинг, исминг.

² Нарғис — кўз шаклидаги бир гул (поэзиямизда кўпинча чиройли кўзниж шу гулга ўхшатилади).

³ Ифшо айламак — ошкор қильмоқ.

⁴ Узор — башаға, бет, чеҳра.

⁵ Тухфа — ҳад'я, совға.

⁶ Қовмоқ — қувламоқ, ҳайдамоқ.

Ба'зини бурун-сүнгра деб толғомадинг¹ бори.
Дардингга қулоқ солғум, деб масти чиқиб келдинг,
Холим неча шарх этсам сүз тингламадинг бори.
Эй воҳиди дин ойин, дайр ичра тутиб таскин,
Зуннор² ипини тортиб хирқанг³ ямадинг бори.
Давронга вафо чун йўқ, шукур айлаки кўнглунгни,
Ул сори Навоийдек кўп боғламадинг бори.

*

Юзунгдек қамар⁴ йўқтур, қадингдек шажар⁵ йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.
Кўзум ашканинг руди оқар тезу тунд андоғ,
Ки гар уйқу кўз сори келур ҳам гузар йўқтур.
Отин тутсалар ногақ кетар уйла ҳушум ким,
Бадан ичра руҳимдин дегайсен асар йўқтур.
Кўнгул сўргали келдинг табибо муни билким,
Ул оворадин сендек менга ким ҳабар йўқтур.
Йўлингга нисор⁶ ашким агар оз эрур, гар кўп,
Итингга физо кўнглум агар бор, агар йўқтур.
Бу гулшанда, эй деқон, неча озмун әттим,
Вафо нахли экканга бажуз гусса бар йўқтур.
Навоий фироқингдин анингдек заиф ўлди.
Ки ўрида эл боқса дегайлар, магар йўқтур.

*

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонға қаро бало бўлубтур.
Мажму'и даво не дард қилди,
Дардинг ки менга даво бўлубтур.
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жон ки санга фидо бўлубтур.
Бегона бўлубтур ошнадин,
Бегонага ошно бўлубтур.
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлубтур.
Боқи топар ул ки бўлди фони,
Раҳравға фано бақо бўлубтур.
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

*

Ёрдин айру кўнгул мулки дурур султони йўқ,
Мулким султони йўқ, жисми дурур ким жони йўқ.
Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонлар, ким ул,
Бир қаро туфроқдекдур ким гулурайхони йўқ.
Бир қаро туфроқ ким, йўқтур гулурайхон анга,

¹ Толғамоқ — яғмо қилмоқ, битирмоқ, тугатмоқ.

² Зуннор — бут, савам.

³ Хирқа — жанда, қуроқ тўн.

⁴ Қамар — ой.

⁵ Шажар — дараҳт.

⁶ Нисор — чочик, ҳад'я.

Ул қаронғу кечадектур ким маҳи тобони йүқ.
Ул қаронғу кеча қим, йүқтүр маҳи тобон анга,
Зулматидур ким анинг сарчашмай ҳайвони йүқ.
Зулмати ким чашмай ҳайвони онинг бўлмағай,
Дўзахидур ким ёнида равзай рузвони йүқ.
Дўзахи ким равзай рузвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморидур ким анда мастиғ имкони йўқ.
Эй Навоий, бор анга мундоғ уқубатларки бор,
Ҳажрдин дарди ва лекин васлдин дармони йўқ.

ҚИТАЛАР

*

Тож кўп дардисар берур бизга,
Зулмидур ақлу ҳуш торожи¹.
Бошимиздин бу тожни гум қил²,
Борча гар бўлса салтанат тожи.

Дин аҳлидин агар топти тамаввул³ бириси,
Ўзгалар ҳасрат ила моли ҳадисин дерлар.
Бири худ ботти нажосат ичига бўғзигача,
Ўзгалар ушбу нажосатқа ҳасад ҳам ерлар.

*

Ҳар кимки кўнгул маҳзанида⁴ ёшура олмай,
Сочқай тилига келтурубон маҳзани розин⁵,
Топшурғай эшиккангаки фош айламагайсен,
Ҳам нуктаи таҳқиқину⁶, ҳам сирри мижозин.
Чун ганж әгаси нақдими ҳар'ён ўзи сочқай,
Бемузд ажаб йўқтүр агар сойфаса⁷ хозин⁸.
Бийик мақомда ул ким тилар сабот, керак
Ки, эгриликни қўюб тузлик⁹ айлагай қонун.
Туз ўлса соясида эл тиниб минор киби,
Спеҳр уйида турар қарнлар¹⁰ нечук ки сутун.
Гар әгридуру, ёгинибон ўқу боғланиб бўйни
Бўлур қабоқ яғочидек беш — ўнча кунда нигун.

*

Уйда равнақ дурур агар кишига,
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону.

¹ Торож — толон-торож.

² Йум қилмоқ — йўқотмоқ, кўтармоқ.

³ Тамаввул — мўллик, бойлик, кенглик, фаровонлик.

⁴ Маҳзан — ҳазина (кўнгил маҳзани — кўнгил ҳазинаси).

⁵ Роз — сир.

⁶ Таҳқиқ — аниқлаш, ҳақиқат қилиш (нуктаи таҳқиқ — аниқланган фикр, ҳақиқат қилинган ма’но).

⁷ Сойфамоқ — санамоқ, сарф қилмоқ, ҳаражат қилмоқ.

⁸ Хозин — ҳазина әгаси.

⁹ Тузлик — тўғрилик.

¹⁰ Қарн — авлод, насл, бўғин (ўттиз йил — бир қарн).

Зеб ила турфа¹ ҳаргез ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону².

*
Масти муғ дайри³ риёйи хилватимдли яхшироқ,
Ёшурун ис'ёни зоҳир тоатимдин яхшироқ.

РУБОИЙЛАР

Эй боди сабо, агар ҳаво айлагасен⁴,
Гулшанға етарни муддао айлагасен,
Сарв олида ер ўпиду дуо айлагасен,
Гул қошида қуллуғум адo айлагасен.

*

То даҳр туур, даҳр уза султон бўлғил,
То олам әрур, олам уза хон бўлғил.
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.

*

Ким кўрди экин жаҳонда оёхун хушлуғ,
То бир киши айлагай таманно хушлуғ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуғ,
Омода⁵ дурур, ёнида юз нохушлуғ.

*

Иўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўс ҳолига саргаштаю ҳайрон мендек.
Ғам кўйида хону-мони вайрон мендек,
Я'ни ки алохону-аломон⁶ мендек.

*

Ҳар лаҳза кўнгул ғамингда маҳзун бўладур,
Маҳзунлуғи лаҳза-лаҳза афзун бўладур.
Савдо анга юз онча ки Мажнун бўладур,
Юз мунча десам, ҳам не ажаб чун бўладур.

*

Андин бери ким қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолай зорим йўқтур,
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

¹ Турфа — ажи⁷, қизиқ яхши.

² Кадбону — хоним, хотин киши (турфа кадрону — яхши хоним, яхши хотин киши).

³ Дайр — бу сўз аслда бутхона, мажусилар бутхонаси деган сўз бўлиб, Навоий лирикасида кўчма, мажози ма'нода ишлатилиши ва жуда кўп учрайди. Навоий „дайр“, „муғ дайри“ ни риёкор линдорларнинг хилватхонасиага қарши қўяди ва бу сўзлар орқали турмушни, турмуш завқини англатмоқчи бўлади. Бу китобда худди шу фикр, яни риёкорлик хилватхонасидан турмушлаги маст-аласлик яхшироқ деган фикр инфода қилинган.

⁴ Ҳаво айламоқ — кўтарилимоқ, учмоқ.

⁵ Омода — тайёр, ҳозир.

⁶ Алохону-оломон — ғаланган, хонавайрон бўлган.

Юз меңнату ғам күнглума еткурди фироқ,
Жонимға балоу дард ўқия урди фироқ.
Жиссімні фано ўтиға күйдурди фироқ,
Чун күйди, кулинни күкка совурди фироқ.

*

Ла'лингни қилиб нұктасаро, әй қара күз,
Ишқ әхли ҳәетиға яро, әй қара күз.
Чекма яна сурма күз аро, әй қара күз.
Әл қонига құлма күз қаро, әй қара күз.

*

Күз бирла қошиңг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сүзинг яхши, дудоғинг яхши.
Әнг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейин боштын ағғинг яхши.

СОҚИЙНОМАЛАР

Соқиә жомға қуй майдин сайл,
Майи хуршеду аниңг жоми суҳайл.
Йүқ суҳайли ки бүяр хорони
Улки гулранг қилур сиймона.
Ким Суҳайли соридур зор күнгүл,
Күп тилар суҳбатин ағфор күнгүл.
Топмасам ўзни висоли бирла
Нұш әтай оны хаёли бирла.
Очмасам шам'и жамоли била күз,
Хам хаёли била айтай неча сүз.
Кой жақон халқи аро зоти нағис¹,
Зотингга фазлу адаб икки анис².
Дүррү нағзинг сүйи ул нағ'и равон,
Ки оқиб сүфтидин³ оби ҳайвон.
Сен сен ул ким яна йүқ сен каби зот,
Нақди ма'ни била фархунда сифот.
Сени қылди фалак гарданда⁴,
Лаҳр аро бир гурд арзанда.
Сен әдинг ким манға дамсоз эрдинг,
Хар ниҳон нұктада ҳамроз эрдинг.
Зулмлар ким манға бу чархи дани,
Қылди қайдин топай айтурға сани.
Ким бири бу әди ким солди йироқ,
Сени бағримға қүюб доғи фироқ.
Менга гар дарду ғам андуҳ ўлди,
Қисматим ғұссаю андуҳ ўлди.

¹ Анис — улфат,

² Сүфтидан — ичидал, орасидал.

³ Гарданда — айланучи, кезучи.

Сен фалак меҳнатидин шод ўлғил,
Даҳр бедодидин озод ўлғил.
Олами ҳузн аро бўлма ғамда,
Ўзни хуш тут неча кун оламда.
Ким ки назм ичра гуҳар рез ўлди,
Нуктаси му'жизангез ўлди.
Лабзи жон бахши, нафис анфоси¹,
Хосият анда ўлук их'ёси².
Са'дию, Хусраву, Салмону, Камол
Ким эди ҳарбири бир шибҳу мисол.
Гарчи чарх этти барин мутавори³,
Сен алар ўрнидадурсен бори.
Қайсанинг ма'разида⁴ ким кирдинг,
Жонин олдинг демайин жон бердинг.
Ҳар не ким айладинг ўтруда савод,
Айладинг ҳар бирининг руҳини шод.
Шодлиғ таркини тутма охир,
Ҳам бу ғамгинни унутма охир.
Ким ки келса бу тараф ёд айла,
Тараб ойин⁵ сўз ила шод айла.

*

Соқиёс, айла тўла паймона,
Менга тутғил қадаҳи шукрона,
Бода ким шиквани қилғай зойил,
Тилни ҳақ шукриға эткай қойил.
Нутқининг гарчи шикоят дери бор,
Шукрдин доғи ҳикоят дери бор.
Ким агар бордилар андоқ асҳоб,
Яна ҳам жам'и эрурлар аҳбоб.
Бириси Мира Атоий янглиғ,
Бири Дарвеши Фаноий янглиғ.
Ул бири илм спехри уза меҳр⁶,
Бу бири фазли қуёшиға спехр.
Ихтиёр ул ки эрур нозик таб',
Лутф майдони аро чобук таб',
Осафий ул ки не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам.
Яна бир келди Биноий ки фунун,
Касбидаги айламади ман'и жунун⁷,
Яна бир дарду ғамим Огоҳий,
Ҳамдамим ёри зиёратгоҳи.
Яна бир Машҳадий ул даҳрда тоқ.

¹ Анфос — нафаслар, дамлар.

² Их'ё — тирилтириш.

³ Мутавори — яшириш.

⁴ Ма'раз — кўриниш ўрни, нишона жойӣ

⁵ Тараб ойин — хурсандлик йўлида

⁶ Меҳр — қуёш.

⁷ Жунун — жиннилиқ.

Пок таҳриру каримул ахлоқ.
Бири Шафий дурур ул поки сифот,
Ким муаммода чиқармиш от.
Бириси шориби жоми таҳқиқ,
Муниси, раҳбару, ғамхору, рафиқ.
Яна девонайи Котиб ки хаёл,
Тушса ҳар ғамға қилур даф'и малол.
Яна ҳам бир нечадурлар ки илоҳ,
Лутф ила барчадин ўлсун огоҳ,
Ўзгасин қилмадим андин мазкур
Ким мажолисда¹ эзурлар мастур².
Гар алар тутти эса дашти адам³
Шукр бу хайл эзурлар ҳамдам.
Шукр ни'матқа чу ҳамдаст бўлай,
Жоми шукронга ичиб маст бўлай,
Дарди ҳижрон эса ё соғ висол,
Ҳар сабаб бирла бўлайин беҳол.



¹ Бу ёрда Навоий ўзининг „Мажолисун-нафоис“ асарини кўзда тутади.

² Мастур — сатрланган, ёзилган, битилган.

³ Дашти адам — йўқлиқ дашти, нарги дун'ё.

Ж. ШАРИФИЙ

У ТИРИК

Асрлар ўтди, асрлар! Тирик Навоий!
Эл бөғининг сўлмас гули безаги.
Булбули гўёси, юлдози, ойи,
Уни мангу сақлар халқнинг юраги.

Алам, ғамда ўтди шоир ҳаёти.
Ҳар ше'рида «кулфат», «жафо» сўзлари.
Халқнинг баҳти учун зарлар яратди,
Кўпни кўраолди ўткур кўзлари.

Ма'рифатни севиб, куйлаб адолат;
«Муҳаббат ҳур бўлжин, кулфат йўқолсин»
Мардлик, жасоратни қилиб далолат,
Деди: «Фисқу-фужур адамда қолсин!»

Ишонган саройи қувгин қилсада,
Ешлиқдан дўст бўлган сulton Бойқаро
Аҳдини бузсаю, ситам қилса-да,
Дил тасалли берар: «Олдинга қара!»

Шапалак олдида шам ёқиб шоир
Алданди, замони бермади нажот,
Лекин хаёлида адолат зоҳир,
Ҳақсизлик, хиёнат унга мангу ёт.

Дурдона яратди ҳаёт нақдоши,
Оlam, одамзод ундан баҳраманд.
Ше'рият осмонин ёруғ қуёши
Асрлар мөвасин қилганди пайванд.

Үтмишда шоирнинг ёниқ овози,
Гўзал ше'ри элга кўп ёйилмаган,
Субҳи дамда майин навоси, сози,
Таралмаган, шоҳлар кўзга илмаган.

Зарнинг қадрин, заргар биларкан, бу ҳақ!
Сталин замони уни қадрлар.
Навоиймиз бизга бўлди дўст-ўртоқ,
Шоирлар уни «Устозим!» дерлар.

Тайга, тундриада, тик Эльбурсда
Донбассда, Таллинда янграб овози.
Ўқир уни латиш, оғамиз рус-да,
Келди Навоийнинг гуллаган ёзи.

Мана беш аср ўтди, Навоий тирик!
Асло ўлмаяжак булбули гўё.
Эй ванжирланган шер, сен олдинг чин эрк,
Авлюдлар дер: кеча тукқанди ёнун'ё!



КАМОЛИЙ

НАВОИЙ

Фаросат соҳиби эл дўсти бўлган,
Бўлиб назм аҳлига раҳбар Навоий.
Муруват, марҳамат шафқатли бўлган,
Сўзи ширин тили шаккар Навоий.】

Сухан доноси ўзбекдан Алишер,
Бўлиб мумтози ўзбекдан Алишер,
Элим шахбози ўзбекдан Алишер,
Қаламкаш аҳлига сарвар Навоий.

Бўлиб машҳур Мавлоно Низомий.
Садаф олам эса, дурдона Жомий.
Жаҳон халқига ма’лум бўлди номи
Деган ҳар нутқи чун гавҳар Навоий.

Дили дар‘ёйи илму, сўзга моҳир,
Анинг ҳар лафзи чун дуррӯжавоҳир.
Сўзидан манфаатлар өлга зоҳир,
Элига ҳайриятпарвар Навоий.

Яратган халқ аро зебо ғазаллар,
Фавоид¹ ма‘дани яхши масаллар.
Ёқимлик сўзлари, кўрган маҳаллар,
Машоми фикр аро анбар Навоий.

Ўқинг достон Низомий „Хамса“ сидан
Баҳористон Жомий „Хамса“ сидан.
Кўринг ҳар он Навоий „Хамса“ сидан,
Берур бир лаззати дигар Навоий.

¹Фойдалар.

М. БОБОЕВ

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

(Баллада)

Мен ҳастаки бу рақамни чекдим,
Таҳрири учун қаламни чекдим.

Езмоқта бу ишқи жовудона,

Мақсудим эмас эди фасона.

(Навоий. „Лайли ва Мажнун“).

I

„Тарноб“ қишлоғида ярим хароба
Бир ҳовли. Ич таши лиқ тұла одам.
Фақат „Ох-воҳ“ блан нурған күлба—
Бемор күлгисидай ажиб ва хуррам...

Керилиб танбуриң чертар супада,
Бароқ қош, қисиқ күз—жиротли машшоқ.
Уч-тұрт супоҳи ҳам ўтирап тұрда,
Сохта савлат,

күэларида тама¹ ва нифоқ...

Мұхаммад Чинорбек уйланар. Никоҳ.
Беклар, муллаларнинг чүнг амомаси.
Пойрақда буларга ғазобли иногоҳ
Ташлар фақирларнинг букик сояси.

II

Ичкарида қий-чув — хотин-холочлар.
Гұдаклар йигиси, қарғиш ва ханда.
Хонимларда барғак ва чилвир соchlар,
Дехқон аёллари ясанған содда.

Кичик уй — тұла қиз...
Кора чироқ, шам'
Деңқон қызларининг татув йигини.
Тасодиғ буларни айлаган хуррам,
Аммо келин қўймас ҳамон йигини...

Бу — гўзал ва тоза дала лоласи
Меҳнат қирларида топганди чирой
Оқила ва доно;
хусн ойинаси—
Қанча хаёлларни ёритган бир ой...

Аммо хаёлидан кетмас бир нафас,
Севгани баҳодир деңқон йигити.
Дун'ё кўринади унга бир қафас:
—Шуми ҳаёт ва ишқ?
Ва'да субути?..."

Икки қиз жўр бўлиб куйлар эди шан,
Сездирмай дарчадан қулоқ солар ой:

„Кўнглим ўртансин агар ғайрига парво айласа,
Ҳар кўнгил ҳам ким сенинг ишқингни пайдо айласа.
Ҳар қиши васлин таманно айласам, навмид ўлай,
Ҳар қиши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа“.

Ошиқлик тариқи бас шундай экан,
Ғайрилар ўртадан нега олар жой?!

III

Катта йўл Жимжит тун. Кўкда баркаш ой,
Ёйиқ — дала, қирда — ҳарир оқ тўри.
Ҳирот қал'асининг манорасидан
Посбон чирогининг йилтирас нури.

Келарди сувори — хаёлчан шоир.
Ше'р оҳангиди одимлар бўз от.
Оқшам саёҳатни севар...

бирма-бир—
Мисра'лар, тасвирлар қуйилар бот-бот.

Фақир ҳалқ таланар... Қилинар та'қир,
Шоҳ ва амалдорлар кайфи-сафода.
Адолатпарварлар маҳкум ва ҳақир,
Дорлар, зинданларда қийноқ, азобда.

Олим ва фозиялнинг чақа қадри йўқ.
Деңқон ўз еридай эди оч, чанқоқ.
Косиб тўқир эди умр бўйи ғам-андух...
Ҳаёт зил;
Ер қаттиқ ва осмон йироқ!

На қыз, жувонларнинг севгисида әрк,
На йигит ишқида висолнинг фасли?
Ҳамма, ҳаммасида нажот йўқ!
Йўл берк!

Ҳар ерда шоҳ, шайхнинг разолат, касри.
Шоир борар, дилгир, жимжит коинот.
Қайси бир ҳавлида титрар соғ, оҳанг.
Икки гавда чиқди,
Хуркди от,
Бири оқ чодирли қыз, турди кўндаланг.

— Азиз падаримиз, муҳтарам вазир,
Лаҳза тингласангиз арзи-додим бор?
Бир деҳқон қизиман, отамиз фақир,
Ўзингиз биласиз, хормиз, жафокор...

Шоир отдан тушиб тингларди сокин,
Қизи қаршисида тургандаи падар.
Йигит ҳам безавта,
Юракда тошқин...
Шоир пайқаганди бир ташлаб назар.

— Лайли ҳикоясин айтган ўзингиз,
Ўшанинг мушкули тушди бошимга...
Хоҳламаса әрк бор қизда“ дедингиз,
Қани шу ихтиёр?!
Борайллик кимга?!

Мен, хотин устига — у Чинорбекка —
Берилдим. Бугун тўй ва ҳозир никоҳ.
Лайлидай отилдим,
Учрадим бунга...
(Қўл блан ишора қилди йигитга),
Ҳирот борар эдик,
Учратдик ногоҳ...

— Араб афсонаси ўргатди бизга,
Севишдек, ва'дага тикиб жонимиз.
Лекин, ба'зи қилич тоққанлар кўэга —
Илмайдилар бизнинг инсонлигимиз.

Ошиқлар тақдири ўлмоқми фақат?
Шундай эса, нега келдик дун'ёга?!
Яшамоқ — шунчалик оғир, мashaқкат,
Лекин етсак деймиз васл-муддаога.

Сиздан умидимиз, муҳтарам падар,
Яшамоқ истаймиз бахтиёр ва тинч.
Сазойи қилсингилар!...

Ичмаймиз заҳар,
Азиз бошимизга қўйилсин қилич!...

Ҳаёт ва бахтимиз сиздандир, ота,
Нимани бизларга раво кўрасиз?
Араб ҳикояси бўлсинми қайта?..
Биз ҳам бўлайликми шулардай бахтсиз...

Балки тонгга қадар қолди умримиз,
Эл·юрт кўради бизни майдонда.
Панд учун жаллодлар кесар бўйнимиз,
Лекин кўз юмамиз аlam, армонда...

Бу қандай ҳодиса гуёки бир туш,
Шоир ҳаяжонда туарди аранг.
Ойдин тун. Жим. „Кў-ку“лар қайда бир бойқуш,
Қайси бир ҳавлида титрар соз, оҳанг.

Мухаммад Чинорнинг номин эшишиб,
Сесканиб, жирканиб ошди ғазаби.
Бекдан фуқарога кўп озор етиб,
Шоирга етганди халқнинг талаби.

НАВОИЙ

Фарзандларим, сизга ҳечким теголмас,
Дардингизга излаб кўрай бир чора.
Зўрлик муҳаббатни ҳеч енгаолмас,
Шундан сизга ҳам йўл топилса зора.

Лайли, Мажнунларнинг афсонасида
Мақсадим эмасди — араблар дарди.
Киприкларим каби кўз қаросида
Туарди халқимнинг сиздек фарзанди.

Шулардай бўлингиз содиқ, вафоли,
Юртга достон бўлсин — яшанг бахтиёр.
Занжирдан қутилар виждон ва севги!
Авлод — авлодларга шу бўлсин шиор!

IV

Бу қандай ҳодиса, гуёки бир туш,
Шоир ҳаяжонда туарди аранг.
Кишлоқ чети. Ойдин. Жим-жит коинот,
Қайси бир ҳавлида титрар соз-оҳанг.

Отни етаклади шу томонга у,
(Қоил әди халқын күч, бардошига).
Дер „ұқым, беклардан бу зулм-оғу
Токай ғұриладі үлус бошига“.

Шоир борар аста бергани нажот
Юрагин күтәрар башқа бир ғуур:
Хосилин бермоқда у мәхнат-ижод:
Фоялари халқда әтмоқда зуҳур...

Дер: „адолат ұқы! У ўхшар нурға,—
Юлдузлар зиёси узоқдан әниб,—
Зулуммотни әриб етгандай ерга,
Улус юрагини құзғар әритиб..“

Кенг йўл. Шоир борар отин етаклаб,
Ойнинг кумуш нури йўлда пояндоз.
Ортидан изма-из, гўдакдай қувнаб,
Нажот ва баҳт сари борар икки ғаш...

1948 йил, апрель.



М. АФЗАЛОВ

НАВОЙ ҲАҚИДА ҲАЛҚ АФСОНАЛАРИ

Буюк шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва унинг асарларига оид ҳалқ орасида бирқанча ҳикоялар, өртаклар, афсоналар тўқилгандир.

Ҳалқ ижодчилари томонидан яратилган ва бизнинг давримизгача етиб келган бу афсоналарда, меҳнаткаш ҳалқ оммаси Алишер Навоийни улуғ шоир, олим сифатида тасвирлаб унинг ўлмас образини яратганлар. Бу фольклор асарларидаги (эртаклар ва афсоналарда) ҳалқ ўзининг Навоийга бўлган муҳаббати ва ҳурматининг бадиий ифодасини беради.

Бу фольклор материаллари асосида Навоий яшаган даврдаги тарихий воқиаларнинг озми-кўпми бадиий тасвирини ҳам кўрамиз. Навоий ва унинг мақсадига қарши тўсқинлик кўрсатган душманларни турли воқиа муносабатларига боғлаб, уларнинг ҳақсиз эканликлари, сирлари фош этилади. Навоий буюк инсонпарвар сифатида ҳалқ манфаати учун курашучи адолат ва ҳақиқат тарафдори бўлган образ ҳолида гавдаланади. Шунинг учун ҳам бу афсоналар илмий ва адабий қийматга эгадир.

Ўзбекистоннинг турли область, район, қишлоқларида узоқ даврлардан берли Навоий асарлари: достонлари, ғазаллари ўқилиб келади. Навоийхонлар ҳалқ орасида унинг асарларини популярлашувига сабабчи бўлганлар. Шунинг натижасида Навоий достонларидан „Лайли ва Мажнун“, „Фарҳод ва Ширин“ каби асарлари ва бир қанча ғазаллари ҳалқ шоир, баҳшиларнинг ижодига ўтиб, фольклор варианtlари юзага келгандир.

Навоийнинг ўлмас асарларини доимо ўқиб, бадиий завқ олган, ўз шоирини фикрда, доноликда, тадбирда, билимдонликда ўз даврининг олимларидан юқори қўяди. Навоийнинг ҳар бир сўзи, ғазали, ҳалққа айтган насиҳатларини, ҳикматли сўзларини ҳалқ дур-гавҳар деб билади. Навоий ҳечким ҳал этолмаган масалаларни ўзининг ўткир ақли, қалами орқали ешиб беради ва ҳалқнинг олқишига сазовор бўлади. Бундан бошқа, Навоийнинг ҳозир жавоблилиги, билимдонлиги, донолиги бу афсоналарда усталик блан келтирилиб, мантиқий равишда бир-бирига боғланади. Бу афсоналарнинг бирида Ҳусайн Бойқаронинг ба’зи бир вазирлари Навоийга туҳмат ўюштиради-

лар. Навоийнинг сарой ва халқ орасидаги обруйини туширишга уринадилар. Броқ афсонада Навоийга қарши бўлган душманларнинг сирларини фош қилиши тасвир этилади. Навоий ўз асарларида риёкор шайхлар, эшонлар ва умуман динни қурол этиб халқни алдаб кун кўручи шахсларга қарши нафратланади. Бу типдаги афсоналарда ҳам халқ ҳақиқатан Навоийнинг шундай шахсларни ёмон кўрганини ва уларга қарши нафратланганини тасвирлайди. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари тўғрисида туркман, озарбайжон, тожик ва бошқа қўшни республика халқлари орасида ҳам бир қавча ҳикоялар, афсоналар айтилиб келади. Туркман халқи орасида яратилган бу фольклор асарлари „Марали ва султон Ҳусайн“ номида алоҳида китобча бўлиб 1944 йилда нашр этилгандир. Бундан ма’лум бўладики, Навоий ҳақидаги фольклор материаллари иттифоқимизнинг бошқа халқлари орасида ҳам кенг тарқалгандир. Биз бу ўринда Тошкент ва Хоразм областъларида халқ ижодчиларидан ўртоқ Отажонов, Шерозий, Убайдуллаев ва Азизовлар оғзидан ёзиган халқ афсоналаридан ба’зи бир намуналарни келтирамиз.

* * *

Бир ўслирин йигит мардикорчилик блан кун кечирар эди. У, юрган йўлида одамлар ўртасида бўлган жанжалларни бостириб, бироннинг араваси лойга тиқилиб қолса, „ҳа, ҳа“лашиб, чиқаришиб, халққа ёрдами тегиб юрар эди. Бу йигитдаги ҳислатни кўрган Алишер, уни ҳурматлаб, қачон кўрса ундан олдин салом бериб ўтар эди. Йигит Алишернинг бу ҳурматига ажабланиб: „Мен, эртаю-кеч одамларнинг жанжалларини бостириб, лойга ботган араваларни чиқаришиб юрсан, умримда намоз ўқимасам, рўза тутмасам ҳам, Алишер менга бунчалик ҳурмат қиласди. Бу юришимдан фойда йўқ. Бола-чақам бўлмаса, менга дун’ёнинг нима кераги бор“ деб, пирга қўл бериб, бир жиловхонада эртаю-кеч ҳечким блан иши бўлмай, тоат-ибодат қилиб ўтирадиган бўлди.

Бир кун йигит жиловхонада тасбиҳ ўгириб ўтирган эди, Алишер бир йигит блан гаплашиб, жиловхона олдидан ўтиб қолди. Йигит кўнглида: „Алишер жуда кароматли одам экан, мани номозхон бўлиб, тоат-ибодат қилишимни аввалдан билиб, мени ҳурмат қиласр экан“ деб, ўрнидан туриб, та’зим блан салом берди. Алишер саломига алик бериш уёқда турсин, аптига ҳам қарамай ўтиб кетди. Йигит: „Алишер ёнидаги йигитнинг гапига берилиб мени пайқамай қолган бўлсалар керак“ деб, ўзига тасалли берди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, Алишер яна ўша йигит блан гаплашиб келаберди. Йигит ўрнидан туриб салом берди. Алишер яна индамай ўтиб кетаберди. Йигит ҳайрон бўлиб, Алишердан: „Тақсир, бир умр пешонам саждага тегмай, бақириб-чақириб юрганимда салом бериб ўтар эдингиз, энди мен эртаю-кеч тоат-ибодат қилиб ўтириб, сизга салом берсам алик олмайсиз. Бунинг сабаби нима?“ деб сўради. Шунда Алишер: „Сен, ўша бақириб-чақириб юрганингда, халқقا

фойданг тегиб юрар эди, энди бўлса әрталабки нонуштанг блан кечқурунги овқатингни ғамида эртадан кечгача ҳалққа кўз тикиб ўтирасан. Саломингга алик бермаслигимни сабаби шу" деди. Бундан кейин Навоийнинг бу сўзлари йигитга қаттиқ та'сир этиб, у яна ўзининг аввалги ишини давом этдирадиган бўлди.

* * *

Ҳусайн Мирзонинг қирқ вазири бўлар эди. Қирқинчиси Алишер Навоий эди. Бир кун, бир кам қирқ вазир Навоийга тұхмат қилиб, иғво күтариб, уни Ҳусайн Мирзога чақиб ёмонладилар. Ҳусайн Мирзо Алишерни вазирликдан олди.

Бир кун Ҳусайн Мирзо шипга қараб ётиб вазирларига: „Олиб келинг!“ деди. Вазирлар чилим келтирдилар. Ҳусайн Мирзо:

„Олиб келинг!“ деди. Сўнг овқат келтирдилар. Бунда ҳам Ҳусайн Мирзо: „Олиб келинг!“ деди. Вазирлари билган, мўлжаллаган нарсаларининг ҳаммасини бирма-бир келтириб тутдилар. Ҳусайн Мирзо ҳаммасини ҳам „Олиб келинг“ деб буюраберди.

Вазирлар ҳайрон қолишиб, Ҳусайн Мирзога қараб: „Тақсир, бутун нарсани келтирдик, лекин сизнинг ўйлаганингизни топладик“ дедилар.

Ҳусайн Мирзо: „Эртага әрталаб, мен ҳарамдан чиққунча шуни топиб қўйинглар, бўлмаса ҳаммангизни ўлдирираман!“ деб ҳарамига кириб кетди.

Вазирлар ўз ўрталарида маслаҳат қилишдилар: „Биримиз Алишернинг олдига бориб, ундан сўраб, билиб келмасак, биз ўзимиз тополмаймиз“ дейишдилар. Буларнинг ичидагиттасининг Навоий блан алоқаси яхши эди. Шу вазирга қараб: „Сен бориб, Алишердан Ҳусайннинг истаганини билиб кел“ деб топширдилар.

Ҳалиги вазир Навоий блан кўришиб, унга воқиани айтди: „Ҳусайн Мирзо шипга қараб ётиб „Олиб кел!“ деди. Нимани олиб борсак „Олиб кел!“ дейди. Унинг айтганини ҳеч топаолмадик. Сиз шуни айтиб бермасангиз, у, әрталаб бизнинг ҳаммамизни ўлдиради“. Навоий айтди: „Сиз бир уста олиб боринг, бир қўлида арра бир қўлида тешаси бўлсин“.

Әрталаб Ҳусайн Мирзо ҳарамидан чиқиб, вазирларига қараб: „Топдингизми?“ деди. Визирлар: „Ҳа“ деб, ҳалиги уста блан арра, тешани олиб кирдилар! Ҳусайн Мирзо устага қараб: Мана бу тоқини тузат!“ деб буюрди. Вазирлар қарасалар, Ҳусайн Мирзо қараб ётган шининг битта тоқиси бузилган экан.

* * *

Яна бир кун, Ҳусайн Мирзо бир кам қирқ вазирига қараб: „Дун'ёда нима лаззатли?“ деб сўради. Вазирлари билган ва бошлигига келган ҳамма нарсани айтдилар, Ҳусайн Мирзо: „Йўқ,

тополмадингиз! Эрталабгача топиб бермасангиз, ҳаммангиз жонингиздан умидингизни узинг!“ деди.

Вазирлар яна маслаҳат қилишиб, ҳалиги вазирни яна Навоийга юбордилар.

Вазир Навоийнинг олдиға келиб: „Ҳусайн Мирзо биздан „Дун‘ёда нима лаззатли, шуни топинглар!“ деб буюрди, биз топаолмадик. Айтиб бермасангиз бўлмайди“ деди. Навоий: „Қайси суватни оч қолиб есангиз, ўша лаззатли денг“ деди.

Вазирлардан Ҳусайн Мирзо сўраганда, улар шундай дедилар. Ҳусайн Мирзо айтди: „Бу нарсаларни сиз топмагансиз, тўғрисини айтинг, ким айтиб берди?“. Вазирлар: „Тақсир ўзимиз тоғдик“ дедилар. Ҳусайн Мирзо ҳаммаларини бир уйга қамаб: „Кимки тўғрисини айтмаса, шу уйдан бирма бир чиқариб, бошини олобераман!“ деди. Шунда вазирлар туриб: „Биз Алишердан сўрадик“ дедилар. Ҳусайн Мирзо айтди: „Ўзингиз уни, менга ёмонлаб, ҳайдатиб юбориб, яна нега ундан маслаҳат сўрайсизлар? Демак, усиз сизларнинг миянгиз ишламайди!“ деб, Навоийни чақиритиб яна вазирликка тайинлади.

* * *

Навоийнинг ёшлигида отаси ўлиб кетган эди. Отаси ўлгандан сўнг ўз шаҳрида туролмай, Навоий Самарқандга бориб, мадрасада ўқиёди.

Қўп қийинчиликлар блан ўқишни битириб яна ўз шаҳрига қайтади. От-уловсиз пиёда юриб, бир неча кун деганда, бир тоққа келади. Бу жойда бир мўйсафид чўпон блан учрашади.

Навоий у чўпонни дарров таниди. Чўпон, ўзини кўтариб катта қилган, отасининг қўйбоқари экан. Чол ҳам Навоийни таниб: „Тушимми, ўнгимми?“ деб кўришади. Дарров белбогидан иккита нон чиқариб, Навоийни сут блан меҳмон қиласди.

Навоий чўпондан: „Бу қўйлар кимники?“ деб сўрайди. Чол: „Болам, бу қўйларнинг ҳаммаси сизники, сиз уёқдалигингиизда отангиздан қолган моллар ҳар кимнинг қўлида қолиб кетди. Отангиз ҳаёт вақтида 200 қўйни сизга атаб, менга топширган эди. Ўғлим катта бўлгач, кунига яратар — деб айтган эди. Бу қўйлар болалаб ҳозир 700 дан ошди“.

Худога шукр отангизни васиятини ўз ўрнига қўйдим ва бу қўйларни энди сизга топшираман“ — дейди. Навоий бир кечада чўпоннинг уйида меҳмон бўлади. Эртаси қўйлардан икки юзини ажратиб чолга беради. — Ота, сиз ҳам бола-чақалик одамсиз. Мана бу қўйларни хизмат ҳақингиз учун олинг! дейди.

Чўпон Навоийдан жуда хурсанд бўлади. Шундан сўнг, Навоий қолган бешюз қўйни ҳайдаб бозорга олиб кетади. Бу қўйлар жуда семиз бўлгани учун атрофини харидорлар ўраб оладилар. Одамлар Навоийдан: „Қўйингиз неча пул?“ деб сўрайдилар. Навоий: „Мен қўйимни насиятга сотаман. Шу шарт бланки, пулини подшо ўлган куни берасизлар. Шу шартимга қўнган киши биттадан етаклаб олиб кетаберсин!“ дейди.

Бозордаги одамлар даррав талашиб, биттадан қўйларни

етаклаб олиб кетадилар. Шу куни подшонинг амалдорлари бу гапни эшитиб даррав подшога бу хабарни етказадилар.

— Э, подшой олам, нима дейсиз, бугун бозорга бир қаландар сифат йигит келиб 500 қўйни ҳалққа насияга тарқатиб юборди. Пулини подшо ўлган куни берасизлар, деб сизга ўлим тилади, дейдилар. Шунда подшо газабланиб, „боринглар, ўша қаландарни менинг олдимга ҳозир қилинглар!“ деб буюради. Амалдорлар даррав бозорга бориб Навоийнинг қўлини орқасига бойлаб, подшонинг қошига олиб келадилар. Подшо қараса ўзининг ёшлиқда бирга ўқиган дўсти Навоий экан. Подшо Навоийга: „Нима учун шунча қўйни бекорга ҳалққа бериб юбордингиз, менинг ўлимимга шунақа ишқивозмисиз?“ дейди. Шунда Навоий: „Э, подшоҳим, мен чакки иш қилганим йўқ. Сизни подшо бўлганингизни эшитиб, севиниб, у қўйларни талатиб юбордим. Шундай ҳам бериб юборишим мумкин эди. Броқ ба’зи бир одамлар текин молдан ҳазар қилишади. Шунинг учун, қўйнинг пулини подшо ўлган куни берасизлар, деб айтдим. Энди қўйларни олиб кетган одамлар: „Ишқилиб подшоҳимиз ўлмасин. Подшо ўлса Навоий пулини қистайди“ деб сизни дуо қилишиб юради“ деди. Навоийнинг бу донолигига подшонинг завқи келиб уни ўзига вазир этиб олди.

* * *

Кунлардан бир кун, Султон Ҳусайн, вазирларининг ёлғон сўёларига инониб, Навоийни зинданга буюради. Кўп вақт ўтмай, Навоийнинг гуноҳсиэлиги ма’лум бўлади. Султон Ҳусайн, Навоийни зиндандан чиқаришларини буюради. Навоий чиқишга унамайди. Подшонинг қамаш ва чиқариш ҳақида берган фармонига ажабланганини билдиради.

Навоийни зиндандан чиқариш учун анча урундилар, фойда бермади. Энг кейин, Навоийнинг яқин кишиларидан бирининг маслаҳати блан, унинг ёнига бир аҳмоқни зиндан қиласидилар. Навоий у аҳмоқдан безор бўлиб, зиндандан чиқишга розилик беради.

* * *

Навоий йигитлик чоғларида бир қизни яхши кўрар эди. Қизга хат ва ше'рлар ёзиб алоқа қилиб юради. Броқ бир кун Ҳусайн Бойқаро айрим одамлар орқали бу сирдан хабардор бўлази.

Навоий ўзининг бу сиридан мени ҳам өгоҳлантирас деб кутиб юради. Навоий шу тўғрисид менга маслаҳатга келди, деб юрса, Навоий бу ҳақда Ҳусайн Бойқарога ҳечнарса демайди.

Бир кун Ҳусайн Бойқаро Навоийни ўзига ялинтироқ мақсадида одам юбориб қизни ўз қошига чақиртиради. Подшонинг мақсади қизни олиш эмас, балки шу муносабат блан Навоинни ўзига ялинтириш эди. Ҳусайн Бойқаро қизни кўрса, жуда гўзал, одобли, ақилли қиз экан. Шундан сўнг подшо ўзининг аввалги ниятидн қайтиб, қизни ўзига хотин этиб ол-

моқчи бўлади. Қиз унамайди. Подшо шариат пешволарини чақириб, қизни ўзига никоҳлаб олади. Қиз подшо блан яқинлашмайди. Шунда подшо қизга қараб: „Биламан, сен Навоийни яхши кўрасан. Уни ҳурмат қилаётисан. Ўрталарингда бўлган сирларни менга айт!” деб дўқ уради. Қиз подшонинг қаҳридан қўрқиб Навоийга бўлган муҳаббатини яширади.

— Агарда мен айтсам, подшо Навоийни ўлдиради, деб ѡчеч нарса демайди. Йиглайди, Ҳусайн Бойқаро чиқиб кетгач, қиз ҳаёлга чўмади. Менинг Ҳусайн Бойқаро даргоҳидан қутилишим жуда қийин. Шу ғам-ғусса блан Алишер фироғида ўлслам, албатта у мендан кейин мени унитар ва яна бир кимсага кўнглин берар, деб Навоийга ше'р ёзиб юборади.

Ҳажр доги ёр фироғи ҳаста кўнглим куйдирур,
Чархи ортиқ зулми бирлан гул ниҳолим сўлдирур.
Юз алам бирлан бало гирдобида ранжуриман¹
Воқфул ёрим менинг бу ғуссан ғам ўлдирур.
Хасратим шулким, сенга айтсам фифоним боиси,
Мен уларман, чархи меҳринг энди кимга қўйдирур.

Бу сатрларни ўқигач, Навоий, даррав қўлига қофоз ва қалам олиб тубандаги мисра'ларни ёзади:

Кўнглим ўртансин агар ғайрига парво айласа,
Ҳар кўнгил ҳамким, сенинг шавқингни пайдо айласа.
Ўзгалар ҳуснин тамашшо айласа чиқсин кўзим,
Ўзга бир кўз ҳам сени ҳуснинг тамашшо айласа,
Ҳар кишин васлин таманно айласам новмид¹ ўлай
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Броқ қиз қайғу, ғамлар, ички кечиямалар натижасида оғир касал бўлиб қолади. Ҳусайн Бойқаро саройдаги табибларга қандай бўлмасин қизни бу оғир касалликдан қутқариш чорасини топширади. Ҳарқандай дори-дармон кор қилмайди. Қиз оғир касалликдан сўнг ўлади. Шунда қизнинг ўлим хабарини подшога етказишдан қўрқадилар. Шу вақт бу ҳоллардан хабардор бўлган Навоий Ҳусайн Бойқаро қошига кириб, шу мисра ше'рни айтади:

— Сарв гулнинг соясида сўлди гул нетмоқ керак? деганда подшонинг ранги ўчиб, бироз ўйлаб:

— „Сарвдин тобут ясаб, гулдан кафан этмоқ керак“ дейди.

* * *

У, Ширин деган қиз, шундай гўзал қиз эканки, туғилиб балогатга етгандан сўнг, ҳуснининг та'рифи бутун оламга ёйилган экан. Ўша замонда дун'ё бўйича, ой узини чиройи деб санаб, ер юзида юрар экан.

¹ Ранжуриман — касалман дегари

² Новмид — ноумъид демокчи.

Ҳамма гўзалликда тенги йўқ деб ойни маҳтар экан. Шириннинг гўзаллиги кундан-кун ортабергач, одамлар ойни маҳтамай, Шириннинг ҳуснини тилда достон қилиптилар. Бунга ойнинг рашки келипти: „наҳотки, мен турганимда, Ширинни маҳтавса, Ширин блан мен бир ҳуснини ўлчашиб кўрайчи, сўнгра менинг ким эканимни билиб қўйсинлар! депти. Ширинни ўз қошига чақириб ой: „Сен киму, мен ким! Эл оғзида сенинг ҳуснингни овозаси оламни босипти, кел иккимиз ўзимизни торозига солиб, тортиб кўрайликичи, ким чиройли бўлса, торозидан ма'лум бўлади“ депти. Ширин хижолат чекиб:

„Хуснда сиз зиёдсиз, қўйинг, мени уялтирган! Мен ҳусн да'восини қилмайман!“ — депти. Бунга ойнинг жаҳли чиқиб: „Сен ҳусн давосини қилмайсан, гўё одамлар назарида сен менданам чиройли эмишсан. Бир торозида тортишиб синашмасак бўлмайди“, деб Ширинни қўярда қўймасдан, ундан илгари ўзи катта бир торозини қурдириб қўйган эди. Ширинни торози олдига оборади. Тамошага халойиқ йигилган эди. Ой мағрурланиб:— мана Ширину, мана мен, кўрасизлар ҳозир, ҳуснда ким ғолиб экан? деб ой ялпайиб торозининг бир палласига чиқиб олади. Ширин эса уялиб, ноилож, ўнг оёғини „бисмилло!“ деб торозининг бўш палласига қўйгани ҳам йўқ эди, ой лайлак бўлиб осмонга учиб кетди. Хижолатдан ой яна қайтиб ер юзига тушаолмай осмонда қолган экан.

Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва унинг асарларидағи қаҳрамонлар, Фарҳод, Ширин, Искандар ва бошқаларга оид ҳалқ орасида турли әртаклар, афсоналар жуда кўп яратилгандир. Мана шу хилдаги фольклор асарларини ҳам тўплаб, ўрганишимиз керак. Чунки булардан биз Навоийнинг кенг меҳнаткаш омма ўртасида қанчалик кенг тарқалганини ва ҳалқ томонидан севилганини ҳам Навоийга бўлган ҳурмат-муҳаббатнинг буюк эканини англаймиз.

УЙГУН

КЕЛИНЧАК

Кече ёмғур ёғиб ўтди. Ерлар лой.
Бугув колхозчилар қазишар зовур.
Билжираб ётибди қамиш ўсгаи сой.
Қирдан күтариilar кун тегиб ҳовур.

Зовур қазиганлар ичиди ишлар,
Шоҳи күйлак кийган дүндиқ келинчак.
Манглайида терлари — оқар кумушлар...
Икки бети худди баҳорги чечак.

Келиннинг лабидан кетмаган ҳали,
Тўй куни ичилган шарбатнинг там'и.
Аммо билар: ҳозир меҳнатнинг гали,
Кузга қолдирилган ишратнинг ками.

У билади ҳозир ғаниматдир дам,
Бултурги хижолат бўлмасин такрор...
Зовур қазилади қадамба-қадам,
Бу ишда ҳам унинг кўп ҳиссаси бор.

У кетман уради: юзи, кўзига,
Шоҳи кўйлагига сачрап суюқ лой.
Аммо парво қилмас асло ўзига.
Лой сачраган блан йўқолмас чирой.

Ювса кетади лой, қолади чирой,
Аммо ҳижолатни йүқотиш қийин
Шунинг чун у гайрат, ишчанликка бой
Хозир меңнат, меңнат... Безаниш кейин...

Майли шоҳи кўйлак лой бўлса бўлсин,
Юзнинг шивитини ювса бу йил бас.
Кузга бориб пахта плани тўлсин!
Шудир юрагида жўш урган ҳавас.

Бу йил республика плани тўлса,
У ўзини ғоят бахтиёр деяр.
Агар пахталари яхши, мўл бўлса,
Шоҳи ҳам кияди, атлас ҳам кияр...

Хамирдай милқиллаб тобга келар ер,
Дундиқ келинчакнинг оғир зарбидан.
Қизил яногида қатра-қатра тер,
Гўё шабнам ўйнар лола баргида...

1948 йил, Апрель.
Янгийўл райони, Андреев номли колкоз.



ҲАКИМ НАЗИР
ТАНИШ СУРАТ

Ҳикоя

Маҳаллий советларга сайлов олди кунларидан биринда мен газета ўқиб ўтириб, унда бир танишроқ суратга кўзим тушиб қолди. Сўратнинг тагидаги сўзлар ҳам таниш кўринди: „Хурибуви Ҳушназарова“ деб ёзиб қўйилган. Қишлоқдагилар уни депутатликка номзод қилиб кўрсатишилти. Бу нарса мени жуда ҳам ҳайрон қолдирди. Ўша зоҳоти бундан 8—9 йил бурун бўлган бир воқия ёдимга тушиб кетди...

* * *

... Мен редакцияда ишлар эдим. Ёш мухбирларимиз орасида Кенжадеган бола бор эди. У, шаҳар яқинидаги қишлоқ мактабида ўқирди ва бизнинг олдимизга тез-тез келиб гаплашиб турар эди. Қалин ошна бўлиб қолган эдик. Мен пионер Кенжани жуда одобли, зайнрак бола бўлгани учунгина эмас, китобга ўчлиги учун ҳам яхши кўрадим. У, қаерда ше'р, ҳикоя китобини учратса дарров сотиб оларди ю буни уйда ҳам, мактабда ҳам қўлтиғидан қўймасди, далага чиққандা ҳам камарига қистириб юрарди. Балки айтарсиз: нима бўпти, китобни ким ёмон кўради! деб. Тўғри, китобни ҳаммангиз ҳам яхши кўрасиз. Аммо Кенжанинг ишқивозлиги башқачароқ; у китобдан қайси сўз ўзига ёқса дарров тагини чизарди, тушинмаган жойларига савол қўйиб, саҳифанинг четларига ва китоб муқовасининг бўш ерларига бир нималар ёзиб чиқарди. Бугина эмас, у ўзига қайси ше'р ёки ҳикоя ма'қул тушса, дарров ёдлаб олиб, эсида қолганларини бир қалин дафтарга ёзиб чиқишдан ҳам эринмасди. Кенжадеган дафтарга ўзи ҳам ба'зи воқналарни ҳикоя қилиб ёзиб чиқиши машқ қилабошлилаган эди.

У, қишики каникулда шаҳарга келганда ўша дафтарини мен-

га күрсатган эди. Мен дафтарни варақлаб туриб, „кун қачон тутилади?“ деган сарлавҳага кўзим тушди-да, қизиқиб қолдим.

— Бу нима тўғрисида, ука? — десам, Кенжা уялиб:

— Ўзи... арзимаган... ҳаваскорлик, — деди.

Мавзу'и қанақа?

— Мавзу'ими? Бувим тўғрисида...

— Қани, қани ўқиб бер-чи?

— Ҳали чала. Энди бошлаганман. Сизга маслаҳатлашмоқчиман. Агар яхши чиқса, деворий газетага бермоқчиман.

— Ҳим. Бўлмаса, шундоқ айтиб берақолгин. Бутун воқиани эшитиб олай-чи, кейин қандай ёзишни маслаҳатлашамиз. Қани бошла. Тортинма. Ёзучи деган дадил бўлади.

Кенжা ёввош кулди-да енгил бир йўталиб, худди бирор эшитиб қолмасин дегандай уёқ-буёққа аланглаб олди, сўнг ҳикоясини бошлади.

Кечки пайт, мен қўргончамиздаги гулларга сув қуяётган эдим. Бир вақт дарвоза тарақлаб кетди. Мундоқ қарасам, — бувим. У, қора дуррачаси устидан дока рўмолини лунжигача ўраб-чирмаб олган, терга ботган эди. Бир қўлида тугун, иккинчи қўлида гаврон ушлаб бир гала товуқни тирқиратиб ҳайдаб келаяпти. Бабоқ хўроз ғолдинда, товуқ жанворлар қақақлашиб, лапанглашиб қочишади, унга сари бувим қарғаб-сиқтайди.

— Ер юткурлар! Ҳовлида жаҳон-оламни ивирситганинг-ивирситган, энди кўчада тезак титиш қолдими? Ҳе, туқсан тухумларинг бошингда қолсин! Тўймагурлар!...

Мен дарров фаҳмладим: бувим бир нарсадан хафа. Қачон жаҳллари қистаса шунақа бўлади, ҳовлида ўз ҳолича дон тит-килаб юрган паррандалардан, офтобда юзини „ювиб“ ётган әринячоқ бароқ мушукдан, ё бўлмаса подадаги онасини қумсаб ма'раган бузоқчадан аламини олади...

Мен қўлимдаги пақирчани қўйиб, бувим олдига бордим:

— Ҳорманг, буви! Тўй яхши бўлдими?

Бувим индамади. Қовоқ-тумшуғини осилтириб, уйга кириб кетди. Кетидан бақрайганимча қолдим. Нега бундай бўлди экан? У, ҳечқачон мендан бунақа аразлаган әмасди, апоқ-чапоқ эдик-ку? Гоҳо бирон киши кўнглини оғритганда, мен унга бир оғиз юмшоқ гап айтсам ўша замони очилиб кетақоларди. Бувимнинг шу ройкелдилигини ёқтирадим...

У, боягидек авзойи бузук, уйдан чиқди, қат-қат шол бел-богини ечатуриб, ерга қараганича:

— Кенжা, бери кел-чи! — деди зарда блан бувим, мени ҳар доим „Кенжам“, „Кенжатоим“ деб чақиргучи эди.

Хайрон бўлдим. Термулганимча: „Ҳа, бувижон“ деб унга яқин бордим.

— Сендан шуни кутганимдим, болал Юэзимни шувит қилдинг-ку! — деди тўсатдан.

Мен ҳеч нарсага тушунаолмай серрайганимча турибман.

— Нима бўлди ўзи, буви?

— Билатуриб ўсмоқчилайсан, муғомбири!

Гумоним ошди: „Қанақа чатоқ иш қылған әкәмман“ деб шунча ўйлаб қарайман, ҳеч нарса әсимга келмайди. Хит бўламан.

— Тушинтириб гапиринг, буви! Нима ёмонлик қилибман? Бекордан-бекорга хуноб бўлаверасизми?

— Догулилил қиласан-а, тағин. Қани, ким ўргатди сенга? Эшикма-әшик юриб bemаза гаплар гапиришни! „Неварангиз палон бўлти-пистон бўлти“ деган та’нани эшитаманми энди, қариган чоғимда... Муштдек бошингдан катталарга ақл ўргатишни ким қўйипти, сенга?

Бу гап мени ўйлатиб қўйди. Кейин бирдан шу нарса әсимга тушди; ўша кезларда мактабимизнинг пионерлари қишлоқ хонадонларида юқими касалга қарши ташвиқот юргизган эди. Шуни тўйда хотинлар гап қилишганга ўхшайди.

— Буви, — дедим бўшгина, — ташвиқот юргизиш ақл ўргатиш бўладими? Безгакнинг келиб чиқишини гапирдик-да. Битта мен эмас, ўртоқларим блан. Ўқитучиларимиз ҳам.

— Қачон қараса, оғзингизда шу ташвиқот. Бўйнигга қизил илдинг-у, шунақа бўлдинг қолдинг. Ойинг блан дадангга қилганинг етмасмиди!

— Қолаверса мени ҳам, ойинг, даданг, сен бир бўлиб бошяланг қилиб қўйдиларинг. Бунисига кўндим, эл қатори. Ҳали индамасам оғзямга чўтка-ю, охок-поҳок ҳам тиқишдан тоймайдиганга ўхшайсан! Мен-ку, нима десаларинг кўниб қолдим. Энди бир каминг кўни-қўшни қолувдими! Отинхолангни ирим-сирими блан нима ишинг бор?

Гапнинг тагига энди етдим. Бу отинхола дегани биздан икки кўрғонча нарида, Муродларнинг ёнида турадиган бир кампир эди. У, кўпинча колхоз ишига чиқмасдан табиблиқ, кинначилик қиласи деб эшитиб юрардим. Буни ўз кўзим блан ҳам кўрдим.

Бундай бўлди: синфдошим Мурод икки-уч кун ўқишга бормай қолди. Эшитсак, безгак бўлган экан. Мен бир ўртоғим блан Муроддан хабар олгани борган эдим, уй қулф. Ҳайрон бўлдик-да, кўшниникига кирсак, ҳалиги отинхола айвонда Муродни ётқизиб қўйиб хипчин блан савалаяти. Ёнида кул солингай коса. Муроднинг ранги қув ўчган. Кўрдим-у, ачиниб кетдим. Муроднинг ойисига қарадим-да:

— Ахир шунақа қилиб ўтиргандан кўра, доктор чақирирсангиз бўлмайдими? — дедим.

Бу гапидан отинхоланинг жаҳиллари қистаб кетди.

— Сенинг нима ишинг бор? Маҳмаданагарчилигинги ойинг блан дадангга бориб қил! — деб бодирлаб бердилар.

Биз индамай чиқиб кетдигу, тўппа-тўғри мактаб директори-мизга бориб айтдик. У даррав Муроднинг уйига доктор айтди-риб юборди.

Орадан бир кун ўтгандан кейин эшитсак, колхозимизнинг раиси отинхолани идорага чақиририб изза қўйипти: „Агар энди колхоз ишига чиқмайдиган бўлсангиз томорқангизни тортиб оламиз“ депти. Ажаб бўлти дедим, ичимда...

Бўлган гап шу.

Сезишимча, бугун тўйда отинхола бувимга мендан қаттиқ арз қилган. Бу нарса кор қилиб, келиб мендан аламини олаётган экан. Охирида мен кулдим-да, бувимга:

— Нима қилипти, тушинмаган одамга тушинтирасак ёмонми? — дедим.—Мана ўзингиз, илгари доктор деса чўчиб тушардингиз. Бир марта узоқ касал ётганингиз эсингиздами? Отинхоланинг аччиқ ўтдан қилган дорилари ҳам, „куф-суф“лари ҳам кор қилмади-ку. Қайтага касалингиз зўрайиб кетди. Охири доктор кўрди-ю тузалдингиз. Тўғри эмасми?...

— Бу гапинг ўринлику-я, болам, — деди бувим шахтидан тушиб,—табаррук одамнинг дили оғримасин дейманда.

— Табаррук деганингиз нимаси? Сизга ўхшаган онгсиз кампирларни лақиллатмоқчи бўладилар.

— Оғзингга қараб гапир, болам! Нега энди онгсиз бўламан? — деди бувим аччиғи келиб.

— Ҳа, ҳа,—кулиб юбордим. — Нима, бўлмаса онглимисиз?

— Мени мазах қиласверма, болал Онгсиз бўлсан сенларга қулоқ солиб ўтирамидим. Сочимга оқ тушса ҳам даданг блан сенинг сўзинг ерда қолмасин деб далага чиқиб турипман. Ўзим тенги хотин-халажлардан кетман чопишда қолишадиган жойим ўйқ. Тағин нима дейсан?

— Хўп, бўлмаса, буви, — дедим ҳазиллашиб, — агар онгли кампир бўлсангиз менинг саволларимга жавоб беринг-чи! Ҳозир сизга бир нарса ўқиб бераман.

— Тағин газета ўқишига тушдингми?

— Бугунгисида қизиқ нарса босилган. Мана қулоқ солиб туринг...

Сарлавҳасини айтишим бланоқ бувимнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Мақоланинг ҳарбир сатрини ўқиган сарим, бувим: „ичингдан чиқараялсан, бўлмаган гап“ деяверди. Охири:

— Наҳотки ҳали тутилмаган кунни „палон куни тутилади“ деб айтиб бўлса? Қаёқдан билади? Авлиё бўлтими? — деди ишонмасдан.

— Рост гап. Мана ёзиб қўйибди-ку. Ишонмасангиз ўқиб кўра-қолинг, — дедим-да, кулиб газетани қўлига тутқиздим.

Азбаройи қизиққанидан, у газетани қулига олиб беихтиёр пешонасадаги ойнагини кўзи устига туширди ва худди хаттанийдиган одамлардай, кўзини катта очиб газетадаги... ичи июнъда қуёш тутилади“ деган катта сарлавҳанинг у бошидан-бу бошигача тикилиб чиқди. Мен бўлсан қотиб-қотиб кўляпман.

— Кошкиди кўзим очиқ бўлса-ю, ўқиб кўрсам. Ким билади, мени калака қиласурсанми, бунда битилмаган нарсани ичингдан тўқиб...

— Газета ёлғон гапни битмайди. Ишонаверинг.

Шу вақт даладан қайтган ойим блан дадам ҳам бизнинг суҳбатга келиб қўшилдилар. Мен мақолани уларга ҳам бериб ўқитдим. Шундан сўнггина бувим газетада битилгани тўғри эканига ишонди. Лекин барибир у газетанинг айтгани бўлишига ҳеч ишонгиси келмас эди.

— Ишонмасангиз, келинг бўлмаса, гаров ўйнаймиз!

Бувим кўнди. Гаров ўйнадик. Шарт шу бўлди; газетанинг айтгани келиб ўша куни қуёш тутилса бувим шундан кейин менинг ҳамма гапларимга ишонадиган бўлади. Мабодо тутилмаса унда шу кунгача бувимга айтган бутун гапларимни қайтиб оламан...

Айтилган числони ошиқиб-ҳовлиқиб кутдик. Айниқса бувимнинг уйқуси келмади. Худди ўша куни, ўша соат, ўша минутда ҳамма қаторида биз ҳам қуёш тутилишини тамоша қилдик. Мен елим ойначалар олиб келиб биттасини бувимга бердим. Буни кўзига тутиб туриб, у, равшан қуёш бетининг аста-секин қорайиб бораётганини шундоқ кўрди-ю, титраганича: „Тавбал“ дея ёқасини маҳкам ушлаб қолди.

— Тўғри эканми, буви? Энди қалайсиз?

— Тўппа-тўғри экан. Ишондим, энди ишондим гапларингга. Эгрисини тополмадим, — деб бутунлай иқрор бўлди...

... Кенжак шу ерга келганда тўхтаб, менга савол назари блан боқиб қолди...

— Ундан кейин нима бўлди? — деб сўраган эдим, Кенжак: „Ҳикоям ёқмади шекилли“ деб гумонсирадими, тутилинқираб қолди:

— Ундан кейинми... ўзи ҳаммаси шу... — у бироз ўйлаб олгач, — ҳа, ундан кейин бувим „Бу газетангда гап кўп экан, қани энди мен ҳам ўқишни билсаму, кўзим очилиб ҳамма нарсадан хабардор бўлсан“ деб орзу қилди. Мен уни саводга ўргатмоқчи бўлдим. Рози бўлди. Ҳозир энди бувимга „Алиф-бе“ни ўқитаяпман...

* * *

Кенжанинг ҳикояси менга ма'кул тушган эди. Унга бу ҳикояни ёзиб чиқишини маслаҳат берган эдим. Ҳикоясини биткашиб, бувисининг суратини ҳам олдириб менга келтириб берган эди. Мен эски папкамдан ўша ҳикоя блан суратни топиб олдим.

Мана олдимда Ҳурибуванинг бундан 8-9 йил бурунги сурати блан ҳозирги газетада чиқсан сурати турилти. Икковининг ўртасида ғалати фарқ сезилади. Ҳурибуви олдинги суратига қараганда кейингисида ёшроқ тушганга ўхшайди. Ҳа, чиндан ҳам қартайиш ўрнига, анча яшарив кетибди. Иннайкейин-чи, кўкрагида орденга ўхшаган бир нарсаси ҳам бор...

Дарвоқи бир нарса ёдимиздан чиқай депти. Сиз, ҳозирги вақтда Кенжак қаерда деб сўрарсиз. У ўрта мактабни битириб урушга кетган эди, соғ-саломат қайтиб, ҳозирги вақтда, олий мактабнинг тил-адабиёт факультетини битириш олдида турипти...



АСҚАД МУХТОР

ҲАМШАҲАРЛАРИМ

Ҳамشاҳар, аслида, қариндошдай таپ,
Кўришмоқ шарт эмас аммо қўл қисиб.
Мана, мен кўпларин танимайман ҳам,
Лекин кўрганимда — юзлари иссиқ.
Кўзга кўз тушганда чеҳра нурланар,
Товушсиз гаплашган кабимиз.
Ҳар кун бир хонада ётиб тургандай,
Ўта кўрингандай қалбимиз.
Нега шундай? — дея ўйлайсан киши.
Бунда йўқ албатта ҳечқанақа сир.
Ҳаётимиз бироз ўхшагандан балки,
Балки бир хил ўйлар ўйлагандандир.
Чиндан, зеҳн солсанг, биз ҳамшаҳарлар
Кўп вақт бир нуқтада фикри — ёдимиз.
Ҳаммани бир йўла ўйлатадиган —
Воқиага тўла бу ҳаётимиз.
Масалан, ўлкага навбаҳор келиб,
Эртага колхозда бошланса экиш,
Бугун шаҳарда ҳам катта-кичикнинг
Бошида албатта бир турли ташвиш:
Мастер ўй суради: „ёқтиридиларми¹
Универсалга қилган запас гайкамни?“
Кўз олдида шийпон агитаторнинг.
Бастакор — нотага солар кўкламни.
Ё фалончи рекорд қўйибди деса,
Ҳамманинг хаёли ўшандада шу кун.
Ҳаттоки ўша кеч кўпларнинг туши
Шаксиз бир-бирига ўхшashi мумкин.
Яқин туюларкан чиндан ҳамшаҳар,
Хаёлга чўмасан юрган ерингда.
Боғингга дўстларнинг кириб қелгандай,
Пайдо бўладилар ба'зан ше'рингда.

Мана ташсельмашнинг машҳур токари,
Уйи тўрт квартал мендан нарида.
Комбинзонин ечиб, шевёт кияди
Кечин тамошага чиққанларида.
Янги дастгоҳининг лойиҳасини
Юрагида сақлаб тўрт йил урушди.
Землянкада чўпдан циркуль ясаса,
Ба'зан солдатлар ҳам кулишди.
Атропида ўлим изғиб юрса ҳам,
Хаёлда ўлчарди дастгоҳ чархини.
Икки атакадан ғолиб чиқди у
Ўша лойиҳасин битирган жуни.
Бир аёли штик ўчида-ю,
Бир хаёли эди заводда.
Улуғ ғалаба ҳам, янги дастгоҳ ҳам
Ўз фарзанди бўлиб туғилди ўтда.
Шу дастгоҳи блан қон томири бир
Унга меҳри ҳақида не айтсалар-чин.
Шу дастгоҳсиз, фараз қилолмас
Эллигинчи йилга етиб боришин.

Ана йўлакчадан бирор келади.
Ҳамшаҳарларимнинг энг киичиги шу.
Ҳарнарса зеҳнини тортади унинг —
Одамлар, нарсалар, ранглар ва шов-шув.
У ҳам шу шаҳарнинг хўжайинидай
Дадил юриб келар, жажжи ва митти.
Эҳтиёткорликдан, ғамхўр ойиси
Қўлқопин енгига тиқиб берипти.
Хў, кузатиб қолди „боқча опа“си,
(Шундай деб аташар Башар янгани)
Аммо бола билмас опа ақлида
Ўзининг тақдари аллаланганин...

Ҳамшаҳарларимдан, ҳу тағин бири!
Салкам йигирмата касби-кори бор.
Умрида кўпларнинг савобин топган
Қўлинг дард кўрмагур шоҳпардоз ме'мор.
Қурган уйларининг ойнаси кундай,
Ёруғ бўлишини яхши кўради.
Архитектор ўғли блан у ба'зан,
Стиль талашиб ҳам туради.
Хозир яшнаб ётган комбинат шаҳрин
Биринчи Ғиштини қўйган шу киши.
Чол мамнунки, буюк келажакка
Ўндан ёдгор бўлиб қолади иши.
Мана шунинг учун бахтиёр ота
Кексайиб қолса ҳам сочи оқариб,
Келажак йилларнинг гўзаллигини'
Бориб келган каби қиласи та'риф.

Фоят кўпdir менинг ҳамшаҳарларим,
Таништиrolмайман сизга ҳаммасин.
Аммо улар блан ҳамнафас киши
Нечук тақдиридан мағрурланмасин!
Минг каллада минг ўй чувалар, лекин —
Бир жойдан топасиз калавасини.
Янги фарзанд кутган онадой, Ватан —
Кутар бешийилликнинг ғалабасини.
Ҳар ўтли қалб, ҳарбир баракали қўл —
Севимли Ватанинг битмас қуввати.
Ҳаркимнинг ўрин бор, ҳарким постида
Буюк машинанинг у бир мурвати.
Ҳаёт ажиб симфония, ўнда
Ҳамшаҳарларимнинг овози янгроқ.
Ҳарким бугун қўшган улушидан шод,
Қўшади эртага ундан ҳам кўпроқ.
Ҳар кун янги кучла шайланар ишга,
Бурчга қиёс қилар ўз чамасини.
Янги фарзанд кутган онадай, Ватан —
Кутар бешийилликнинг тантанасини!

ШУҲРАТ

СОЛДАТГА

Ўлкада яна тинч фаровон ҳаёт,
Бадавлат сепини ёйган барадла.
Ошиқлар хуррамдир висол тонгидан,
Оналар айтади беташвиш алла.
Кексалар уйқиси тинч ва роҳатли,
Ваҳмали хаёллар босмас дилини.
Ҳар содиқ граждан қуролин тутмиш,
Яшнатиш меҳрида севган элини.
Фарҳод ГЭС симининг ҳар волт қуввати
Ўзбекнинг кўздаги чақиндек азиз.
Ҳар сиқим пахтада кўради ошкор
Истиқбол қуёшин пахтакор әр, қиз.
Амуга зўр жилов солмоқ ният-кан,
Не ажаб, ўзбекнинг қувонса қалби:
Ўзбекка миросдир етти пуштидан
Қуришу яшнатиш элни қиз каби.
Сталин шаҳридан Берлинга етган,
Солдатнинг юраги аслан ижодкор.
Урушмак у учун зарурат эди,
Эндичи? Қалбida не-не умид бор:
Мирзабод бўлсайкан — мирзанинг чўли,
Саҳролар қулоги энди очилса,
Чоржўйга туташса Қўнғирот йўли.
Ўтган йил қизарган пахтакор юзин
Ушбу йил ёритса зафар чароги,
Голиблар тўйига чиқсаю пешвоз
Шаҳидлар онаси, ургуғ-аймоги:
„Йўқолиб қолмади ўғлимнинг ўрни“
Деб шодон ўпсайкан манглайимиздан,
(Уларга иззату-ҳурмат ва кўмак
Лозимдир ватандош ҳар ўғил, қиздан!)
Барчасин ҳимоя эткучи сенсан,

Сен блан әлимнинг тинчлиги, кўрки.
Сен блан фахр этар қон·қардош әллар,
Сен блан халқимнинг шодлиги, эрки.
Сен борсан — гўдаклар осуда ухлар,
Сен борсен — келинлар тўй ташвишида.
Сен борсан — дар'ёлар чайқалмас бевақт,
Файзи бор ўлканинг баҳор, қишида.
Сен борсан, олимлар тажрибасидан
Хотиржам кутади шонли самара.
Сен борсен, кўчатлар унар бехато,
Меваси мөхнатдай тотли ва сара.
Аммо сен увутма, жанговар солдат,
Му'табар ўлканинг даҳлсиэлигин.
Бир тўда ялмогиз бизга ўшишаймиш,
Европа ишчисин шимиб илигин!
Океан ортидан эстган шамоллар
Нотинч тун тушидай мудҳиш, қўланса...
Советлар әлининг қўли бор эмиш,
Бирор қуш дарахтга ўзгароқ қўнса!
Унутмиш барчаси тарих оқимин,
Тарихнинг истиқбол кўзгуси равшан:
Атомлар довули йўлдан тойдирмас,
Тарихнинг қонуний ҳукмини сал ҳам!
Долларлар жаранглаб Уол — Стритда,
Акс-садо олмишдир Париж, Лондондан.
Рокфеллер уйқисин қиласи безовта,
Ургани ишчининг тўққизин ўндан.
Қон изи мавжуддир ҳар бир долларда,
Улфати риёкор, маккор, муттаҳам.
Европа устида кўланка ундан,
Сарагат уйида ёниқ ундан шам!
Барчаси ёдингда бўлсин, эй солдат,
Сезиб бор кунларнинг жон томирини.
Матросов ватанини севгани каби,
Қалбингда тоза тут халқинг меҳриви.
Ижодкор халқимнинг содиқ фарзанди,
Бу улуғ бурчларнинг ёдингда бўлсин!
Саодат қуёши ватан кўкида
Тоабад балқисин, яшнасин, кулсин!



М. КАЛОН

СҮНГИ ҲУЖУМ

(Офицернинг хотира дафтарида)

Жанглар сўрони ҳамон қулоқда

Кекса тарих кўп урушларни билади, лекин у гитлерчи бос-қинчиларга қарши совет халқи ва унинг шонли армияси як-кама-якка олиб борган улуғ Ватан урушидек қаттиқ жаҳодви билмас эди. Немис-фашист империалистларга қарши ҳуррият-парвар халқлар олиб борган урушнинг жонли шохидлари бўлмиш замондошларимиз кўп ҳужумларни кўрдилар ё эшитдилар. Аммо улар шонли Совет Армияси 1945-нчи йил апрель ўртасида Одер бўйларидан Берлинга қараб бошлаган сўнгги ва қат'ий ҳужумдек даҳшатли ва шиддатли юрушни ҳечвақт ва ҳечерда кўрмаган ё эшитмаган эдилар. Бу забардаст юрушнинг барча даҳшат ва қудратини англаш учун қасос ва адолат туғуси блан олға интилган, ўз қуроли ва газабининг даҳшати блан душманни қийратиб, бир неча кун ичидаёқ Берлинга бостириб кирган ва уни ўн бир кунлик қаттиқ жанглардан кейин тиз чўқтирган қаҳрамон совет жангчиларининг шонли қаторида булиш, улар блан бирликда қадам ташлаб бориш лозим эди...

Биз шундай зўр, қаттиқ жаҳодда енгиб чиқдик, чунки ҳақ ва адолат биз томонда эди. Биз яна ҳур ва озод кишилар бўлиб қолдик, чунки ўз ҳурлигимиз йўлида, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қонимизни ҳам, жонимизни ҳам аямай курашдик. Қаттиқ курашлар ва зўр жаҳодлар орқасида халқимиз фаровонлиги ва давлатимиз бойлиги йўлида яна тер тўкиш бахтини қўлнимизда маҳкам ва абадий сақлаб қолдик. Мана уруш етказган оғир жароҳатларни уч йилдан бери тузатиш, Ватанимиз қудратини, халқимиз давлатини янада ошириш блан машғулмиз. Бу диловор кунларга эришгунча Ватанимиз не-не азоб ва уқубатларни бошидан кечирди! Ўлим оташларидан ўтиб бориб, Берлин устига зафар байроғимизни тиккунча, чароғон қуёшимизни балқитгунча не-не машақкатларни кўрдик! Ҳар-

қандай довул ва бўронларга туриш бердик, енгдик, жанг сўронлари ичидаги жавлон қилдик. Ана тингланг: қулоқларингизда янграган сурон-кечаги жанглар сурони эмасми?

Берлин уйқиси қочган тунда...

Кенг бағирли Одердан ошириб ва унинг гарбий қирғоғида даҳшатли олов селларини тошириб, мингларча тўплар, гвардиячи минамётлар сўнгги ва қат'ий ўтини пуркиганда, еру-кўк мудҳиш зилзилага учради, бутун коинот ҳаракатга келди, тўп на'раларининг тўлқинлари дараҳтларни шамолдек тебратди, тинимсиз қақнаётган оловлар блан ўз қоронғилигини йўқотган кечада Одер сувлари кумушдек чайқалди. Қулоқ пардаларини ёргудек бақирган минглаб тўпларнинг оғзи сўнгги нуқтага — Берлинга қаратилган. Бир соатдан ортиқ давом қилган ва мисли кўрилмаган бу шиддатли тўп ҳужумининг на'риси бирнечча ўн километр наридаги Берлиннинг уйқисини қочирган эди...

Биринчи асир

Офицер Князевнинг гвардиячилари немисларнинг траншеяларига қараб жўнаганларида, тўп ҳужуми ҳали тугамаган эди. Снарядларимиз панасида илгарилаётган гвардиячилар қаторида старшина Жонбоев, қизил аскар Каримов ва ефрейтор Тўхтамуродовлар ҳам бормоқда.

Немислар мудофаасининг олдинги траншеясида снарядларимиз титкилаб ташлаган бирнечча ўнлаб немис ўлигидан бошқа бирон тирик жон кўринмагани ўশлик Қодиржон Каримовни ажаблантириди. Душман найрангини кўра-кўра пишиб қолган Қодиржон:

— Немисларнинг ўзини ўликка солиб ётиши ва орқадан отишини кўп кўрганман, — дейди. — Бундай қарасам траншея деворига чуқур қилиб қазилган кавакда бир немис ётиби. У менга шубҳали кўринди. Энда автомати ҳам бор. „Хенди хоҳ“ деб қичқирдим. Лекин у қимир ётмади. „Мана индамассанг!“ деб, автоматим қўндоғи блан миясига туширмоқчи ҳам бўлдим. Лекин асирни ўлдирмаслик керак. Кейин ёқасидан судраб чиқардим. Баччағар, типтирик, соппа-соғ экан. Бу менинг биринчи асирим бўлди.

„Тезроқ Берлинга боришим керак“

Немислар мудофаасининг барча траншеялари узоқ орқада қолиб кетди. Салмоқли ва илдам қадимлар блан илгарилаётган пиёдаларимиз ҳам, улар қаторида бораётган тўпчиларимиз ҳам Вильгельмсхайэр қишлоғига етдилар. Энди жанглар траншеялардан уйларга, қишлоқ кўчаларига кўчди.

Қишлоққа кираверишдаги якка уйда бир тўда немис тинмай отиб турмоқда. Бу нуқтани битирмай илгарилаш қийин. Рўпара-

дан отилган бирнече тўп ўқи ҳам уни тиндиrolмади. Шу вақт гвардиячи старшина Жонбоев фидокорлик кўрсатди. У уйнинг гарбий томонидан эмаклаб келди ва, бир зум ҳам тўхтаб ё иккиланиб турмасдан, уй эшигиги очиб дадил ичкари кирди. Жонбоевнинг қўлида баланд кўтарилиган катта гранатаси ва унинг даҳшатли „Хенди хоҳ!“ деган амири у ердаги фрицларни қўл кўтартириди.

— Уларни нима қилдинги? — деб сўрадим.

— Э-э, у итваччалар блан маш-маша қилиб юришга тоқатим борми! — дейди узбек йигити Жонбоев. — Уйдан ҳаммасини ҳайдаб чиқдим-да, икки солдат орқага ҳайдаб кетаётган ҳарбий асиirlарга қўшиб юбордим. Ўзингиз биласиз, ишим зарур, тезроқ Берлинга боришим керак.

Икки юздан ошли

Ҳар қадамда чақнаб турган тўп оловларини оралаб команда пунктига келганимда, бу пункт ёнида тинмай тўп отаётган йигитларни кўрдим. Уларнинг салмоқли, жадал ва қизғин ҳаракатларини синчиклаб кузатган киши, машина қисмларининг равон ҳаракатини ёсига туширади. Лекин булар машина қисмлари эмас, булар дун’да энг илғор, энг фидокор совет кишилари, булар гитлерчиларни Сталинград ёнидан душман инига-ча қувиб келган ва уларни ўз инида—немис-фашист йиртқичларнинг инида дабдала қилишга юриш бошлаган Совет Армиясининг шонли жангчиларидир.

Кулоқ пардаларим йиртилгудек оғришига қарамай, тўпчилар ёнига келдим. Улар III даражали Шуҳрат орденининг кавалери старший сержант Чернигов тўпидан ажал ўтлари ёғдираётган шаввоzlар эди. Бу расчётда ўқловчи бўлиб курашучи хоразмлик узбек йигити оддий аскар Ражаб Вафоевнинг ҳаракатига разм солдим. У тўп ўқхонасига ғўлабирдек снарядни чўрт ҳаракатлар блан тикиб туради.

Вақтни пайт пойлаб, ундан сўрадим:

— Бугун, ҳозиргача қанча снаряд отдинглар?

— Икки юздан ошли, — деди Вафоев, тўпга снарядни тиқаётib.

Бир тўп бирқанча ўн минут ичида шунча снаряд отган бўлса, минглаб тўплардан отилган снарядларнинг немислар бошига келтирган балоси белгиликдир.

Йўлда бир ғов

Шонли Совет Армиясининг жангчилари ўз ғалаба йўлларида кечиб ўтган барча катта-кичик дар'ёлар каби, Одернинг ҳам гарбий қирғози кўкка толпинган юксак тоғ янглиғ баланд. Шимоли майда ўрмонга ва жануби поёнсиз далаларга туташган бу тепалик ғуртасида тоғ чўққисига солинган қадийм қал'аси бор. Ўнлаб хонадан ва мустаҳкам ертўлали бир неча қаватдан иборат у

бинонинг кўзлари ҳам кўп. Бу кўзлар узоқ-узоқларни, ҳатто дар'ёнинг шарқий лабидаги бир неча километрлаб майдонни ҳам кафтдек кўриб туради. Унда жаллодлик ва босқинчилик соҳаларида ҳам кўп тажрибалар ортдирган бино эгаси — немис барони 400 га яқин гитлерчи солдат ҳам офицер блан бирликда йўлимиз ва ҳаракатимизга рахна солиб ётади.

Илиқ оқшом ва ойдин тунлар

Дилбар баҳорнинг муаттар ҳиди думоқларни яйратиб, куртаклар қўйнига латиф қўлларини солар экан, ҳаёт ишқи юракларда чечак очади.

— Тез, тез! — деб бақиради, оғир танкларимизни паромда ўтказаётган тошкентли йигит Аҳад Эргашев.

Шимолий Кавказдан, Грознийдан дар'ёма-дар'ё кечиб келаётган бу азаматнинг шу кунларда иши ва ишидан ҳам шухрати кўп. Унинг „А'ло понтончи“ деган белгиси қаторида ёлтиллаб турган Қизил Юлдуз ордени, „Кавказ мудофааси учун“ медали ёнига яқинда яна бир Ватан уруши ордени тақилажаги шуни кўрсатадики, ефрейтор Эргашев илк оқшомлар ва ойдин тунларда, душман ёғдириб турган мудҳиш ўтлардан тафт тортмай кишилар ва техникамизни фарбга, Берлин бўсағаларига ўз қўли, оғир меҳнати блан йўллади...

„Кўкрагимда қувват бўлиб сақланади“

У маш'ум бино ичидаги газандалари блан биргаликда қўпшиб ташланмагунча, йўлимиз очилмаслиги ҳарбир жангчига ма'lум эди. Тор ва қисқа ўринда қўл-оёқни йигиштириб ётишдек беҳузур нарса йўқ. Душманнинг бу мудҳиш инини қўпориб, эркин ҳаракат қилишми ё тор ўринда қўл-оёқни йигиштириб ётишишми?!.

— Бизни гвардиячи дейдилар! — деди ойдин тунларнинг бирида жангчилар траншеясига биқиниб келган агитатор гвардиячи капитан Абдулла Султонов.

— Тўғри, — дея тасдиқлади гвардиячи сержант Акрам Фозилов, — қал'аларни олиб келган гвардиячиларнинг бир бино қаршисида тўхтаб қолиши ярашмаган гап. Мана бугун партия билетимни олдим. Шу билет кўкрагимда қувват бўлиб сақланади. Большевик ҳечқандай говдан тафт тортмайди. Менинг ва бўлимимнинг ўрни уйни штурм қилучиларнинг олдинги сафида бўлади.

II даражали Ватан уруши орденининг кавалери гвардиячи сержант Фозилов барча жангчилар тилагини ана шундай ифода этган эди.

Уни кичик „будапешт“ деб атадилар

Бино ичидаги душман қаршилигини бўшашитирмади. Жангчиларимизнинг даҳшатли қисувларига чидаш берди. Уйни қўпориши учун катта қийинчиликлар блан яқинлашган бўлинмаларимиз устига ҳам бино ичидан, ҳам узоқ орқадаги тўп ва

минамётлардан ўқ ёғдирди. Лекин твардиячи майор Ладутько батальонининг гвардиячилари уй теварагига темир халқа тортишда давом қилдилар. Тўпларимиз эса бинонинг устки қаватларини емириб ташлади. Қора ажал каби гердайган бинодан ғишт парчалари ва мудҳиш вайронга қолди. Лекин батамом қуршалганига ва усти емирилган ертўлада бўғилиб қолганига қарамай, душман таслим булишни истамади. Бундан ғазабланган совет жангчилари бинони кичик „Будапешт“ деб атадилар. Будапешт гарнizonи, қанча қаршилик кўрсатса ҳам, совет қуролининг даҳшати олдида охири қўл кўтаришга мажбур бўлган эди. Бу эса бир бино, лекин аскар ва техника блан мўл та'минланган кичик қал'a...

Ғалабага чарлаган қаҳрамонлик

Бино гарнizonи тўла қуршовда ва муттасил туйилмоқда. Гитлерчи қўмандонликни бу ҳол эмас, у муҳим бинонинг кўлдан кетиши ташвишлантиromoқда. Ҳардам душман ёрдамга келиши ва танклар блан атака қилиши мумкин. Буни сапёрлар ротасининг командири старший лейтенант Коталашвили яхши билади. Шунинг учун у бино теварагига мўлгина мина кўмди.

Кўкдаги тўлин ой юзига қора булут парда тортганда, бино ғарбидан танклар на'раси кўтарилиди. Взвод командири лейтенант Гавушкин, младший сержант Ильин, ефрейтор Кравченко, қизил аскарлардан Гришчук блан Висоцкий зарбага зарба блан жавоб бериш учун шайланиб турдилар.

Яқинлашиб келган душман танкларидан бири минада портлади. Бу ҳол душманни тўхтатмади. У ўлишига қарамай уй сари интилар эди. Илгарилаб бораётгач Коталашвилини ташвишга солди. Унинг томиридаги жўшиқин шарқ қони, Кавказ тоғларидаги чашма каби қайнади. Мина олиб танк қархисига югурди. Танк портлаганда, старший лейтенант Коталашвили ҳам Ватан йўлида қаҳрамонларча халок бўлди. Бу қаҳрамонлик совет жангчиларини ғалабага чарлади. Иноқлик блан кўтарилиган йигитларимиз душманни танк-панклари блан улоқтириб ташладилар.

Унинг қўлида „Фауст“ бор эди

Гвардиячи сержант Сайдов жанговар соқчиликда турганда, ҳали тонг отмаган, тун қоронғили ер юзини қора баҳмал каби ўраб олган эди. Уйқусиз туннинг бадани зирқиратучи совуғи эмас, поёнсиз зулматнинг ич-ичкариларигача тикилашдан кўз чарчагани учун ҳам эмас, балки ҳар дақиқада душман атак бошланиш эҳтимоли бўлгани учун Сайдов тирқ этган ҳар шарлагага ўдағайланиб қарайди

— Кимники бўлди? — деди Сайдов ўзича, танклар на'расини өшитиб. — Бундай зулматда томон келаётгани учун бизларники бўлмаса кера...

Гвардиячи сержант Саидов түғри хулоса чиқарған әди. Ҳақиқатан ҳам, тунда гумбурлаб келаётган танклар бизники әмас, гитлерчиларни әди. Саидов даржол „Фауст“ни олди әле танк қораси күренишини пойлаб турди. Зулмат қуюқ әди. Танк 15 метрча яқынлашғандагына, хира гавдаси блан „Йұлбарс“ әканлиги аниқланды. Саидовнинг ён-атрофидан танкка қараб снарядлар отилди. Гвардияси сержант ҳам қараб турмади. „Фауст“ни нишонга түғрилаб отди. Танк ёнди. Қайта атака бошлаган гитлерчилар 8 танкдан ажраб, бино ичидаги харомзодалариға яна ёрдам беролмай чекиндилар.

„Ах, едия!“

Ташқи дун'ёдан тамом ажратылған, бино вайроналари остида сүнги дамларини кецираётган душман ҳамон чиранмоқда. У ташқаридан ёрдам кутади. Бир хонадан қувилса, иккинчи хонада қаршилигини давом эттиради.

Ғыштларга қоришиб ётган гитлерчилар ўлиги орасидан ўз бўлимини дадил жангга бошлаб борган гвардиячи сержант Акрам Фозилов энди командири ҳалок бўлган взводга командирлик қилар, ҳамон душманни қисиб борар әди. Ертўланинг уч хонасини гитлерчилардан тозалаганда, ўртада қақтайиб қолган икки тарафи очиқ бир деворга келиб тақалди. Деворнинг бир ёғида совет жангчилари бўлса, у томонда гитлерчилар! Ҳар икки томон демирдан ошириб гранталар ташлайди...

Ёш, лекин тажрибали командир ўтириб ўйлади. Девор орқасида биқинган душманни дабдала қилиш ва уни шафқатсиз қириш планини тузи. У кескин ва дадил ҳаракати блан гитлерчиларни доғда қолдиришга қарор қилди. Фашистлар совет жангчиларини очиқ томондан әмас, бир томонни йиқилған хонанинг эшигидан киришади деб ўйлаган әдилар. Лекин Фозилов ўз кишиларини очиқ томондан олиб кирди ва қўл жангига блан тамомланған қисқа курашда граната, найза ва қўндоқлар блан 20 дан ортиқ фашист газандасини ўлдириди.

Кураш ҳамон қизиб борди. Пиёда аскарларнинг яқинланишига душманнинг ертўла хоналаридан биридаги станокли пулемёти ҳалақит бериб тураг әди. Бу нуқтанинг битирилиши кичик „Будапешт“нинг қулашида катта роль ўйнашини Фозилов яхши тушинар, шу блан бирга бу вазифанинг нақадар муҳимлигини ҳам равшан англар әди.

— Мен ўзим емираман уни! — деди Акрам жангчилари орасидан ажраб ва қўлига граната олиб. Ҳамма нафасини ичига олган ҳолда қаҳрамон ҳаракатини кузатиб турди. Орага паша учса билинадиган таранг жимжитлик тушди. Гоҳ биқиниб, гоҳ сорларда судралиб бораётган қаҳрамон Акрамнинг ҳаракатигина эшитилар әди.

Гранатанинг гумбурлاغан портлашидан сүнг орага тушган ҳузурли оромни жангчилардан бирининг: „Ах, едия!“ деган ачиниш ва алам садоси бузди. Вайрона ичидан отилган душман ўқи Акрам Фозиловни дўстларидан абадий айирди...

Йиртқичлар үлими

Кичик „Будапешт“ қаҳрамон совет жангчиларининг зарбаси ғостида қулади. Ертұланинг турли пучмоқларидан — гитлерчи-ларнинг 300 дан ортиқ үлиги орасидан үлим тузи киргац юзтacha асир олинди.

Душманнинг бу сафарги қаршилиги ҳам, илгариги неча минглаб қаршилиги каби, зарбамиз даҳшатидан қулади.

Йўл тоза бўлсин

Берлинга қараб бораётган автомашиналар, тўплар, ўзи юрар тўплар, танклар, — хуллас техника шу қадар кўпки, уларнинг орасидан пиёда ҳам ўтолмайди. Лекин олдинга интилган, илгарилаб кетган пиёдаларга мадад бериш, уларни ўз ўти ва фидирлаклари блан қўллаш учун техника шошилади. Аммо душман йўлларга ва унинг четларига миналар кўмиб кетган. Йўлларни бундан тозалаш лозим.

Учи симли узун ёғочлар блан қуролланган сапёрлар — мина қидиручилар — пиёда аскарлар кетидан тинмай йўл тозалашиб боради. Булар орасида Сталинграддан бери йўл тозалаб келаётган ўзбек йигити Раҳимқул ҳам бор. Шу вақтга қадар душманнинг 5 мингдан ортиқ минасини зарарсизлантирган ва икки баравар ортиқ ўз минамизни кўмган ефрейторнинг кўкрагини Кизил Байроқ ва Шуҳрат орденлари безаб турипти.

Шу бугун бир кўприк ёнидан олти мина топиб, бирқанча техникамиз ва кишиларимизни халокатдан сақлаб қолган Раҳимқул, у миналарни портлатиб ташлагач, яна илгарига қараб интилди. Уни душман ёғдириб турган на снарядлар ва на эҳтиётсиз ҳаракат орқасида портлаши мумкин бўлган мина қўрқитаолади.

Раҳимқул Берлин йўлини тўсиқлардан озод қилган, йўлимизга рахна солган миналарни зарарсизлантирган, танкларимиз шиддатига қарши қўйилган йўғон хариларни, баррикадаларни парчалаб ташлаган шуҳратли жангчиларнинг фаҳрли сафидан жой олган. У Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган курашини ҳар нарсадан афзал кўради. „Дун’ёда совет Ватанимга тенгдош йўқ, менгина эмас, бутун ҳалқим уни жондан азиз кўради, ордоқлайди“ дейди Раҳимқул. Дарҳақиқат, бизни севиб ўстирган, вояга етказган совет ҳукумати ва бойчевиклар партиясидан ҳамда жонажон Ватанимиздан ортиқ нарса борми?

Биламан, у ўзининг вазифасини ва шарафли ҳунарининг ҳамиятини яхши тушувади. Йўл миналардан тозаланмаса, иларилётган пиёдалар техника ёрдамидан маҳрум бўладики, бу алабамиз учун рахнадир.

Пауль Хирте айтади...

Бу гитлерчи жонининг бориҷа, қўлидан келганича бизга қаршилик кўрсатади. У ўз командирлиги остидаги ротасининг

ярмидан кўпроғи қириб ташлангунча курашди. Фақат шафқатиз ҳужумимизнинг зебардаст зарбаси остида, ҳеч чора қолмагандан кейин, 38 солдати блан таслим бўлди.

— „Мен,—дэйди обер-лейтенант Пауль Хирте,— рус—герман фронтида кўп бўлганман ва кўп ҳужумларни кўрганман. Лекин бунда қанти даҳшатлисими кўришим — биринчи. Тўплингиз ёғдирган снарядларгина эмас, уларнинг на'раси ҳам кўп солдатларнинг юрагини ёрди. Менинг ротамдаги бирнече солдат ақлидан озиб.“

Лекин Пауль Хирте бизнинг ҳужумимиз нима учун бундай даҳшатли эканини айтмади. У буни англамайди, чунки биз мингминглаб совет кишиларининг гуноҳсиз тўкилган қонлари, кек салар, аёллар ва болаларимизнинг дар'ё-дар'ё оққаи ёшлари, вайрон қилинган совет шаҳарлари ва қишлоқлари, совет кишилари бошига солинган аччиқ ва мудҳиш жудоликлар учун, манфур одамхўр гитлерчилардан қасос олиш учун олга интилдик ва кўп меҳнат ҳам оғир курашлардан кейин ниҳоят ла'нати Берлин дарвозасини қоқабошладик...

Берлин остонасида зўр туҳфа

Бу воқиа Берлин этагида, атиги йигирма километр шарқроқда юз берди. Кўкдан кўра яшилга мойил мӯ'мин кўзлари ва қорамтил нозик қошлари блан ўзбекка у қадар ўхшаб тушмаган Ганижон оғир ва ҳавфли разведкадан келганда, унинг пок қалби дун'ё-дун'ё шодликка тўлди. Кўкрагидаги ІШ дараҷали Шуҳрат ва Қизил Юлдуз орденларини ўйнатиб, юраги бирдан типирчилади:

— Мана, чарчаб келгандирсиз, ҳордигингизни чиқаринг, — деб почтальон старший сержант Ганижон Аҳмедовга конверт узатди. Муомилада одобли, гапда мулойим Ганижон, почтальонга ташаккур билдиргач, конвертга кўз югуртириди. Неча-нечадар'ёлар, саҳро ва ўрмонлар, шаҳар ва қишлоқлар, иқлим ва мамлакатлардан ошиб келган у конверт ичидаги мактуб — Андижон области, Ленин райони, Ўзбекистон қишлоқ советидаги „Қаҳрамон“ колхозида хизмат қибути Мамадали аканинг оиласи номидан ёзилган эди.

Ганижон авайлаб конвертни йиртди ва ўзига таниш қўй блан ёзилган мактубни ўқийбошлади. Колхозда бухгалтер ёрдамчиси бўлиб ишловчи укаси Тўлқин, колхоз правленисининг секретари — отасидан, ясла мудири — онасидан, 7-нчи синфда ўқучи синглиси Сан'атхондан ва барча қавм-қариндошлари ҳам колхозчилардан қизғин салом айтган, ма'lум қиласи:

„Биз ҳам; орқа томонни мустаҳкамлаб, мамлакатимизга бир миллион тонна отбор ва биринчи сорт пахта берамиз деб ва'да қилдик. Биз топширадиган пахтанинг ҳарбир толаси, ҳарбир чигити — душманга катта зарба, сиз қаҳрамон жангчилари мизга — бизнинг баҳт ва ифтихорларимизга эса зўр ёрдамдир. Сизларнинг ғарбга — ла'нат босганд Германиянинг қора юраги —

Берлин сари ташлаган ҳарбир қадамингиз бизни меҳнат фронтида жавлон урдиради.

Қаҳрамон ака, биздан — элингиизда қолган ота-онангиз, акаука, қавм-қариндош ва ёр-оғайниларингиздан ташвиш тортманг. Берлинга қараб ғалаба тигини күтариб бораётган қуролдош дўстларингизга ҳам айтиб қўйингки, уларнинг ҳам оиласлари биз каби бадавлат, тўқ ва беками-кўстдир.

Колхозимнинг отчёти тамом бўлди. Ҳарбир колхозчи бир неча минг сўмлаб пул, кўп газлама, ёғ, дон олди. Ҳозир қўйларимиз, сигирларимиз бор. Турмишимиз фаравон, фақат бир нарса етмайди. У ҳам бўлса—сизлар! Гитлерчи газандаларни тезроқ кириб, ла'нати Берлинга ғалаба байробини тики ўқайтсангиз, оёғингиз тагида қўй сўйиб, катта тўйлар қиламиз”.

Фанижоннинг Берлин остонасида олган зўр туҳфаси шу байт блан тугар эди:

САЛОМНОМА

Мен салом айтай, сабо!
Ул меҳрибон ўғлимга айт.
Кеча-кундуз жангда бўлган
Қаҳрамон ўғлимга айт.

Немис итларни қириб,
Берлинга юриш айлаган
Довюрак, Рустам сифат
Жонажон ўғлимга айт.

Доҳимиз раҳбарлигида
Берлинга байроқни тикиб,
Тинчлатинг оламни буткул,
Новқирон ўғлимга айт.

Э сабо, тинмай юриб,
Айтгил саломимни боряб,
Қайтмасин асло изидан!
Паҳловон ўғлимга айт.

Доимо бизлар дуода,
Ёрдамимиз—сизлара.
Ҳамма бору-бурдимиз
Бўлсин фидо, ўғлимга айт.

Берлин кўчаларида

Гитлерчиларнинг Берлин бўсағаларида ва унинг этакларида қурган кетма-кет ва кучли кўрғонлари ҳам совет қўшинларининг шиддатли ҳужумидан чилпора бўлди. Уруш йиллари ва жунлари ортиб борган сари ҳарбир совет жангчиси қалбида

үсис борган ғалаба тилаги ҳам вояга етган эди. Шундай етилган тилак блан ғалаба сари толинган совет жангчилари ниҳоят Берлинга ҳам бостириб кирдилар.

Совет қўшинлари Берлинда! Юракларни нақадар қувонч ва ҳаяжонга тўлдиради бу диловор сўзлар! Бугун ҳак инсоннинг ҳаққоний орзуси юзага чиқсан кун! Биз Берлинга кирдик! Асрлар каби узоқ туйилган йиллар мобайнода ҳарбир ҳуррият-парвар инсон қалбида муққаддас орез бўлиб яшаган ва ҳамон-улғайиб борган ғалаба куни ниҳоят келди!

Биз Берлинга кирдик! Лекин унга етиб келиш ва кириш осон бўлмади. Ҳар қадамда дўзах оловлари ёнди. Ҳар иккитомоннинг қайралган ва шайланган ғазаби бир-бирига тўқнаш келди. Мағлуб сиртмоқдан чиқишга, ғолиб эса сиртмоқни яна ҳам маҳкамроқ тортишга интилади. Сиртмоқ бизнинг қўлимизда, ишончли, кучли қўлларда!..

Берлинга кириш осон бўлмади. Ҳар қадамда қаттиқ жанглар бўлди. Аҳоли яшайдиган пунктларнинг қалинлиги ва бирқанча қаватли ғиштин улларнинг кўплиги душман қаршилиги ва мудофаасига қанча кўп ёрдам берса, бизнинг ҳужумимизга шунча кўп рахна солар эди. Шунинг учун ҳарбир аҳоли пункти учунгина ёмас, ҳарбир қават ҳатто ҳарбир хона учун ҳам даҳшатли жанглар борди.

У тирик эди...

Берлин шаҳар доирасидаги бирнеча қаватли баланд уй учун олиб борилган қаттиқ курашда қаҳрамон совет жангчилари, булар орасида фарғоналик ефрейтор Гуломжон Каримжонов ҳам ажойиб иш кўрсатди. Бинонинг устки қаватидан отибтурган немис мерганини тўпчилиномиз бирнеча снаряд блан саранжомлагач, ефрейтор Каримжонов бино ертўласидаги пулемёт нуқтасини емиришга кетди.

Бино шаҳар доирасида, Гуломжон эса унинг ташқарисида. У жанг оловларида устириб ордоқлаган орзусини қондириш учун Берлинга шошилади. Лекин у бу шаҳарга куруқ эмас, бирон жанговар иш блан киришиб истайди. У шу ниятда бино остидаги пулемёт нуқтасини емиришга қарор қилди: ер бағирлаб сургалди. Бинога яқинлашган пайтда гитлерчилар бирданига ўққа тутиб қолдилар. Лекин Гуломжон анойилардан эмас, у бундай ҳолларда нима қилишни билади. Ахир Берлинга бораман деб Сталинграддан қасд қилиб келаётган бир киши ўзининг ўлимга тутиб берармиди қалай! У бундай „машмашалар“нинг кўпини кўрган. У шилқ этиб қалласи блан ерга қапишиди. Унинг бу қилигини кўрган киши ўқ еб ўлди деб ўйлаши мумкин эди. Гуломжон немисларни алдагани учун қувонса ҳам, лекин ўн қадамча наридаги ариққа етиб ололмагани учун ачинар эди. Агар ўша ариққа етиб олган бўлса, унинг ичи блан сургалиб кетаверар эди. Мана энди пайт пойлаш керак. Пайт пойлаш эса кутиш, қимр этмай ётиш деган сўз. Аммо,

Берлинга шошиб турган бир кишининг ўзини ўлика солиб қимр этмай ётишидек бема'ни нарса ҳам бўладими дун'ёда?

Гуломжон бу оғир ва беҳузур фикрлар дар'ёсидан шунғиб чўқмаган ҳам эдики, душман ўз ўтини уч юз метрча чапга кўчириб қолди. Гуломжонни интизор қилган пайт шу эди. Фурсатни бой бермасдан сапчиб турди-да, ариқ ичига кириб олди...

Берлин кўринар эди унинг кўзига...

Ариқда билчиллаб ётган лой-балчиқ эмас, бино остида ажал кукунларини пуркаётган немис пулемёт нуқтасини емириш, сунгра эса тезроқ Берлинга етиш кўринар эди унинг кўзига! У юз — қўли ва кийим — бошлари лойларга беданганига қарамай, узоқ кунлар каби туюлган бирнечча минут дилхунлигига қарамай, бинога етиб олди. Энди ўрнидан туриши, қад ростлаб юриши мумкин, чунки шарққа қараган пулемёт нуқтаси ёндан келган кишига зарар ётказаолмас эди. Шундай бўлса ҳам у пусиб, бикиниб пулемёт нуқтасига яқинлашди ва ичкарига қараб бирин-кетин икки граната иргитди. Кейин эса, ташлаган гранаталарнинг оқибатини ҳам кутмай, девор ёнида ётган бўш бочкани думалатиб келтириб, тешик оғзини тўсди...

Қора бола

Мен уни Берлинда кўрдим. Инсон тўлқинлари орасида мени ўзига жалб этган нарса — дилбар ватанимнинг қуёшидан нур эмган унинг буёдой рангигина эмас, кўкрагида ярқираб кўринган бир Қизил Юлдуз, III ва II даражали Шуҳрат орденлари, „Сталинград мудофааси учун“ берилган медали ҳам бўлди.

— Қора бола,— дедим ёнига келиб,— ўзбекка ўхшайсизми?

У келишган қоматини ростлаб, қўлини саломга кўтарди ва кейин кулиб туриб:

— Сиз нурини эмган қуёш бизнинг ҳам бошимизда чароғон эди, — деди.

Чароғон қуёш учун ҳарнарсага тайёр кўринган йигит марофимни беҳад оширди:

— Дуруст,— дедим.— Бу орденлар ҳам қуёш нурида унгандарми?

— Албатта,— деди у, ўзига ярашиб тушган бир ғуур блан.

— Ўша қуёшники деб жаҳду-жадалга кирибмиз, демак, булар ҳам унинг мевалари...

Истак йўлида

...Ойдин кеча. Теварак жимжит, фақат дар'ёнинг пишилланган нафасигина сукунатни бузади. Шитирлаган ҳарбир шарпа қулоқка киради. Аммо старший сержант Қурбон Қодировнинг қадамлари шарпасиз ташланади. У бундай қоплон юришини қаёрдан ўрганган? Ё юрмайди-ю муаллақ сузадими? Йўқ, юра-

ди. Лекин шундай кезларда оёклари остига юмшоқ барра боғлаб олади ва қадамларини билиб, оҳиста, шарпасиз ташлайди. Ахир Сталинград жиҳодларида ҳам у шу хил юриши блан неча немисни додга қолдирган эди!

Старший сержант Қодиров якка ўзи олдинга ташланди. Унинг разведкачи шериклари орқада бир буга панасида уни кузатиб турдилар.

— Камол топ, — деди Қурбон, қайдандир пайдо бўлган бир қора булут парчаси ой юзини тўсганди. У бу қисқа фурсатдан тўла имкони борича фойдаланди. Гоҳ ётиб, гоҳ югуриб, ялангликдан ўтиб олда.

Қурбоннинг шериклари, чигиртка чириллашини эшишиб, жадал олга ташландилар. Бу шартли сигнал — „Тайёр!“ деган сўз эди. Қурбон разведканинг ўрнига қараб — ўрмонда қуш овози блан, қишлоқда ит хуриши блан, яланг далада — чигиртка чириллаши блан сигнал берар эди. Разведкачилар етиб келгандарида, старший сержант Қодиров ўз ўлжаси — немис қоровулини „тил“ туширган ва, оғзига латта тиқиб, чуқурда босиб ётган эди...

Дар'ёнинг пишиллаган нафаси ҳамон баравж экан, Қурбон „тил“ни келтириб полковник Юрьевга топширди.

Ҳаммаси чароғон қуёш учун

...Берлин штурм қилинганда Қурбон кўкрагидаги Қизил Юлдуз орденининг ёнига I даражали Шухрат ордени ҳам қадалди. У штурм жангларида разведкачи сифатидагина эмас, штурмчи-автоматчи ҳам бўлиб курашди. Берлиннинг Вайсензее районида душманнинг қаттиқ мустаҳкамланган қаршилик нуқтасини граната блан емириб, уч гитлерчини асир олганда ва Рейхстаг учун бўлган жангларда, шижоат ва маҳорат блан курашиб биринчилар қаторида Рейхстагни эгаллаганда I даражали Шухрат орденига сазовор бўлди...

— Нимайки қилган бўлсам, ҳаммаси чароғон қуёш учун, — буюк истак учун, — деди старший сержант Қурбон Қодиров.

Тўғри, шу чароғон қуёш учун, унинг олтин нурлари, мўл шарбат мевалари учун, буюк истак учун минглаб шерзодлар азиз жонларини тикиб курашдилар. Душманни Сталинграддан қайтариб, то Берлингача қувиб келдилар ва уни ўз инида узилкесил тор-мор келтириб, муқаллас истакка эришдилар.

— Агар мингта жоним бўлса, ҳаммасини ҳам шу чароғон қуёш учун, ундан нур эмиб яйраган, гуллаган элим — совет Ватаним учун қурбон қиласман деган истагим бор эди, — деди Қурбон.

Тўғри, шундай истак блан яшаган, курашган шердил, фидокор ўғилли Ватан ҳечвақт дард қолмайди, ҳечвақт енгилмайди!



ОРИФ ЮНУС

ТЕРАК

Мана ўша парча·парча баргли
Бақагерак, азм туп терак.
Түрт йил бурун, июнь оқшомида
Шамол блан урганди чапак.
Тагидаги күкат·адрас күрпачада
Дүстим блан ҳордиқ чиқардим.
Қуйиларди унинг сўзлари,
Очиларди менинг ҳам баҳрим...
Қаршидаги ғуж·ғуж дарахтларнинг
Орқасидан кўтарилидди ой.
Кўзгу акси кирди борлиққа,
Табиатга ёйилди чирой.
Дүстим блан узоқ ўтиридим
Талай сўзлар кечди орадан.
Ел думоққа хушбўй ҳидларни
Олиб келар эди даладан.
У кун,
Фарбдан келган ёвуз душман
Қон ичарди, юзи, қўли қон..
Лекин Ватан мард нафас оларди
Кескин эди унда аҳд·паймон.
Яна қайтиб кўралмади бизни
Бақа терак, азм туп терак.
Биз икки дўст юрдик қонли жангда
Босиб дала, ўнгур, чакалак...
Жанглар блан тўрт йил ўтиб кетди
Ёв енгилди! Қайтдик музaffer,
Фалабадор бизнинг қуролли куч
Ёвузларни қирди сарбасар.
Биз ғолибмиз! Бойқуш кулар
Ёв қабрининг саганасида.
Мен соғ қайтдим. Ҳалок булди амме

Дүстим Данциг бүсөфасида.
Шом асноси эски жойга келдим,
Яна ўша азм туп терак...
Ерда күкат—адрас күрпача,
Күкда ним ой—худди камалак.
Күз олдимга келди шу ерда
Дүстим блан бўлган маслаҳат.
Жангга кетиш арафасида
Юракдаги мардлик, орзу, дард.
Дүстим товиши қулоғимда ҳали,
Шу тўғрида шивирлар ел ҳам.
Күз олдимда ҳали
Қўлин пахса қилиб
Сўзлагани унинг, ўша дам.
Уша онлар, ўша дақиқалар
Ўтиб кетди йиллар сўнгига.
Мен дўстимни унитмайман, унинг
Қиёфаси кўзим ўнгига...



САЙФИИ
ИШНИ УЙҚИСИДА БОС

Ел блан бўрайди баҳорнинг иси,
Бинафша ғушчаси очганда тугун.
Фазода янграйди қушчалар саси,
Коинот ясаниб қилгандада ўйин.

Сабзалар тўнида шудринг донаси,
Марварид тугмадек тизилган қатор.
Кулимсаб қарайди лола шонаси,
Кўрдингму, — дегандек, — бу гўзал баҳор.

Илк тонг уйқидан Зиянатхон турди,
Оқ юзин силади саҳарги шамол.
Шошилиб ҳовузча лабига юрди.
Бошида ўйнарди чивик мажнун тол.

Кўкламлар оралаб борарди Зинат,
Чечаклар сафидан бепарво ўтиб, —
Лоладек юзидан кулди табиат,
Эгатлар қувонди оёғин ўпид.

Шўҳ ариқ лабида турарди мағрур,
Қувончдан белини толғанин сезмай,
Кўзида муҳаббат, қалбида — сурур,
Шудгорга боқарди кўзини узмай.

Охирги чигитни этакка солди,
Бошини соч блан боғлади сиқиб.
Завқ била шудгорга қараб йўл олди,
Юзидан терлари оқарди сирқиб.

Меҳнатчан гўзал қиз қиларди ғайрат,
Дер эрди, — бугундан қолмасин ишим.
Негаким эртага энг сўнгги муддат,
Чиройлик чиқмайди элдан қолишим.

Звено бүйича экишни тамом,—
Бажарди жапаллаб бир кун ичиде.
„Ишни бос уйқида“, — деганди бобом,
Хам дерди, — „Фарқи бор эрта-кечида“.

Уйига қайтди қиз күнглида севинч,
Йүл-йұла ютуқлар күйини күйлаб.
Яхши тушлар күриб, ухлаб турди тиңч,
Келаси мүл ҳосил үйини үйлаб.

МУҲАММАДЖОН

М А Й

Сармовадан учган құшиқни
Қанотида ташийди еллар.
— Құзғол ҳурлик учун, оч инсон,
Йүқ бүлур зулмлар,
Күзғолур әллар...“

Полиция:— Тарқал! дер қўпол,
Она мағрур турар байроқдор.
Павел бошлиқ келар аламон
Кўзларида алам, ғазаб бор.

Бу намойиш фақат кечаги
Эрк истаган халқ намойиши.
Кечаги май лавҳасидир бу,
Буни эсдан чиқармас киши.

Тошкент бўйлаб учган қўшиқни
Қанотида ташийди еллар
— Омон бўлсин Сталин жонажон!
Жўр бўлишиб куйлашур әллар.

Юраклардан тошади шодлик
Зангур кўкда қуёш чарақлар.
Парал ўтар қизил майдондан,
Ҳилпираиди лола-байроқлар.

Намойишнинг хулосаси шу:
— Халқ тинч яшар ва ижод этар.
Шонимизнинг ҳар кун, ҳар соат,
Жаҳон бўйлаб довруғи кетар.

Бизда байрам, Черчилл жанобда
Ва Маршаллда ўзгача ташвиш.
Бизда байрам, муборак баҳор,
Кундан-кунга гуллайди турмуш.

Хуриш досим итларга одат,
Итлар ҳурап үтади карвон,
Карвонимиз борар шон ортиб,
Коммунизм боғига томон.

Шу боришда этади байрам,
Ҳар биринчи Майни май ойи.
Шу боришда яна гўзалроқ,
Яна нодир бўлур чирои.

Чет дўқлардан қўрқиш бир кулги,
Ҳар майимиз агадий қолур.
Турмушимиз порлоқ бир қуёш
Кўршапалак не қилаолур.

Тошкент бўйлаб учган қўшиқни
Қанотида ташийди еллар.
— Омон бўлсин Сталин жонажон!
Жўр бўлишиб куйлашур эллар.



Ю. ҲАМДАМ

НАВОЙ НОМЛИ КОЛХОЗДА

Очерк

„Қазил шарқ“ колхозининг ерлари блан Навоий номли колхознинг ерлари бир-бирига туташиб кетган.

— Мана шу олмазор белги, икки колхознинг ерларини бир-биридан ажратиб туради,— деди райком секретари ўртоқ Фаниев қўли блан гуллаган қатор олмаларни кўрсатиб.

Биз Навоий номли колхознинг 7-нчи бригадасига келганимизда, одамлар йигилини устидан чиқдик.

Далалар, кўум-кўк далалар. Узоқларга кўз ташласангиз баҳри-дилингиз яна очилади. Ранго-ранг гуллаган мевалар, читтедек катта бўлиб қолган ўрик шохларидағи довуччалар кўзларни қувнатади. Бу йигилиш ҳам азим туп ўрик тагида ўтаётган экан.

— Тракторчи Эргаш Мирдоев бригада механиги Исмоил Шоюнусов ўртоқлар 7-нчи бригадада чигит экиш кунларида жуда файрат кўрсатдилар. Колхоз правленияси уларни бир қишики пальто ва 3 метр шерстъ блан мукофотлашга қарор қилди деб сўзини тугатаркан, колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Салмонов Эргаш ва Исмоилнинг қўлини маҳкам сиқди ва уларга мукофотни тақдим этди.

Бирнече кунлардан буён ухламаётганлиги кўриниб турган Эргаш ва Исмоил йигилишдаги пахтакорлар олдида яна хизматга тайёрдай турадилар. Кексалар, қизлар, бу азаматларнинг қадди - қоматларига меҳр блан боқардилар. Ахир улар пиши-тилган ерга мўл ҳосилнинг сара чигитларини экиб бердилар. Улар тинмай чигит экар эканлар, ёнларида азамат колхозчилар парвона бўлдилар.

Йигилиш тамом бўлди. Кетман кўтарган бригада а'золари яна ўз ерларига ишга тарқалдилар.

Колхоз чойхонаси олдига келганимизда ҳозиргина 4-нчи бригададан келиб турган колхоз раиси Муслим Пўлатовни учратдик.

— Салом, ҳорманг раис,— деди ўртоқ Фаниев, Муслим Пўлатовга.

Думолоқдан келган, буғдойранг, қора мўйловлари ўсиб икки юзини анча тутиб кетган раис биз блан сўрашди-да:

— Ўзингиз ҳорманг ўртоқ Фаниев, бугун албатта тугатмоқчимиз. Ҳозир сўнгги гектарларга экаётимиз — деди раис.

2-нчи МТС директори Тўрахонов, МТС агрономи Охунов ўртоқлар ҳам бугун экиш планини бажараётган бу колхозга экиш сифатини текширгани келган эканлар.

Бугун Навоий номли колхоз экишни кечқурун тугатиш бланоқ б та тракторни Юсупов номли колхозга ўтказмоқчимиз, деди биз блан келиб кўришиб суҳбатга қўшилган МТС директори ўртоқ Тўрахонов.

— Жуда соз. Юсупов номли колхоз экишда орқада, мен ўзим ҳам ҳозир шу тарафга ўтказмичман. Бугун албатта б та тракторни ўтказиб, у колхозда ҳам экишни тезлатмасак, у колхоз районни орқага тортаётир, деди ўртоқ Фаниев.

Мана сўнгги гектарларга чигит экаётган тракторчилар ёнидамиз. Тракторлар орқасидан юриб раис блан чигит экиш сифатини текширдик.

— Карап, чигитларимиз ҳам жой-жойга тушаётир. Энди гап мана шу экилган чигитларни парваришлаб ундириб олишда — деди Муслим Пўлатов.

Тракторнинг овозидан раиснинг тракторчи Фанивойга:

— Ҳорманг Фанивой, мана бугун тугатиб берасиз-да, ука, деган сўзлари зўрга эшитиларкан, тракторчим йигит ҳайдаб кетаётган тракторнинг тўғри йўлидан кўзини олмасдан раисга:

— Бўлмасачи, Муслим ака, бугун ҳар кунгидан ҳам ёғлироқ ош қилиб берасиз, деб кулиб қўйди ва қорайган бир қўлини трактор ролидан бир секундагина олиб дўиписини секин кўтариб бошини қашиб қўйди. Тракторчилар ишдан бўшаган вақтларида дам олишлари қалай, деб сўрадик раисдан, у ўнг томондаги тепаликда турган бир уйни кўрсатиб: Ана у уйда дам олишади, қани юринг бориб кўрақолайлик — деди раис.

Биз трактор ишлаётган жойдан юз қадамча нарига юрдик ва баҳаво бир уйга кирдик. Бунда иш кийимларини кийган икки тракторчи ором олар, ухлар эди, чунки улар кечаси ишлашган.

Кечкурун ҳаво яна булут бўлди. Далалардан қайтаётган одамларнинг кўзи тез-тез осмондаги булутларга тушарди. Улар ёмғур яна кўп ёғиб кетадими, ер қатқолоқ бўлиб қоладими, агар кўп ёмғур ёғиб қолса, чигитлар чириб, қайтадан экишга тўғри келадими, деб хаёл блан уйларига кайтардилар.

Шу кечаси ёмғур ёғиб ўтди.

Юзентнерчи звено бошлиғиFaфуржон жуда барвақт уйғонди. Кечаси ёмғур гарчанд кўп ёғмаган бўлса ҳам Faфуржоннинг ичига ёқандай бўлди. Эрталаб булутлар тарқашиб ҳаво очилиб кетди. Даракт баргларига қўниб қолган ёмғур томчилари тиниқ барглар устида кўзга марварид доналаридек кўринарди.

Лолақизғолдоқлар том бошларидан, әтатларнинг четларидан тұда-тұда очилиб қип-қизил бўлиб туриптилар, кўм-кўк майсаларнинг силкинишлари кишига алла қандай бир яхши ҳис бағишилайди. Колхоз меҳнат тонги блан уйғонди. Ана бричка аравага иккى бочка керосин ортиб аравакаш йигит колхознинг Дамачи чўлидаги ерларига йўл олди. Отбоқар Тиллавой ака эса отларни 4-5 тадан отхона яқинидаги тез оқар ариққа олиб бориб сугориб келаёттир. Хўкузларга қаравчи Раҳим терт қилиб берәёттир. Кечаси блан ухламаган Расул эса сигирларни боқим блан хурсанд. У сариқ сигирнинг олдига терт олиб келиб қўйганида, унинг ёнидаги қора сигир кўзларини Раҳимга тикарди.

Колхоз кечака әкишни тугатганлиги ҳақида колхозчилар орасыда овоза кетди. Ҳамма хурсанд эди, ҳатто дастлаб әқилган гектарларда чигит юз кўрсатди.

Колхоз бирнече йиллардан бўён қанд лавлаги әкар эди. Бу йил улар 220 гектар ерга пахта экдилар.

— Ўтган йили, ўзбекистон пахтакорлари давлат олдида қарздор бўлиб қолдилар. Биз ҳам уларнинг уятларига шерикмиз.

Бу йил улар блан биз ҳам мўл ҳосил олайлик, давлатимиз олдида юзимиз ёриғ бўлсив, деб пахта экдик, дейди Муслим Пўлатов.

* * *

Колхозда янги типда қурилган бинолар куп. 600 киши сиядиган катта клуб ёнида колхоз идораси, идора олдида кичкина боқчада Ленин — Сталиннинг ҳайкали. Идорага кираберишдаги эшик тепасида улуф Алишер Навоийнинг катта портрети. „Навоий номли колхоз идораси“ деб ёзилган чиройли вивиска эшик тепасига осиб қўйилган. Идора ичига киришингиз блан қатор хона-хоналардан бирида колхоз секретари Матлуба Абдураҳмонова ўлтиради. У ўрта бўйли, табассумли, қора кўзли қиз. Матлуба европача кийинган. У алланималарни дир ёзар, гоҳ-гоҳ олдида турган чўтга қўлларини ташлаб кўяр, ҳисоблаб яна қофозга ёзар эди.

Матлуба шу қишлоқда ўсади, шу қишлоқда тарбияланди. Қишлоқ мактабининг 10-пчи синфини битирди. Уни ҳеч қўйиш масдан:

— Сен ўзимизнинг қўлнимизда катта бўлдинг. Колхознинг ёзув-чиズув ишларини олиб бориш учун билимдон қиз керак. Ишлаб бермасанг бўлмайди, деб секретарь қилиб қўйишиди. Айтганча унинг отаси республикада хизмат кўрсатган ўқитучи Абдураҳмон Олимов, колхоз мактабини ташкил қилган, қишлоқ болаларининг билим олишлари учун жонбозлик кўрсатган одам.

Колхоз идорасидан 20 қадамча нарида 10 йиллик мактаб биноси бор. Қишлоқ мактабининг ишлари блан ҳам танишдик.

Мактабнинг директори Ҳожимурод Тошмуҳамедов шу қиш-

лоқда ўсган, ўқиган, институтни шаҳарда битирган. Жуда зийрак одам. У ҳақиқий қишлоқ интеллигенти.

Мактаб биноси олдига боришимиз блан бўйнига қизил галстук тақсан ўқучилар, кўкракларига комсомол значоги кўриниб турган ўспирин қиз-йигитлар, сизни кутиб оладилар. Пионерлар салом, деб честь бериб ўтсалар, вояга етиб қолган 10-чи синф болалари сиз блан саломлашиб қўл бериб кўришадилар.

Мактаб биноси ичига кирамиз. Кира беришдаги кенг коридорларда фото газеталар, ҳархил шиорлар, мактаб деворий газетасининг чиқсан қатор сонлари осиб қўйилган. Ёнингиздан ўтиб, ёки синфга кириб кегаётган болалар одоб блан қадам ташлардилар. 10-чи синф ўқучиларининг дарси тугаган экан, мактаб директори ўртоқ Тошмуҳамедов блан уларнинг ҳузурида бўлиб мусоҳаба ўтказдик. Уларнинг қўлларида „Қизил Ўзбекистон“ газетасининг сўнгги бир сони. Бу сон улуғ Алишер Навоийга бағишиланган саҳифасида улуғ шоирнинг расмини, унинг ғазалларидан парчалар ва катта мақола босган. Болалар шу ғазалларни ёдлаш блан машгул эканлар. 10-чи синфда 14 та бола ўқийди. Булар бу йил қишлоқ мактабида учинчи бор випуска қилинадилар. Уларнинг адабиёт дафтарларини кўздан кечирамиз. „Алишер Навоий Астробод сургун қилинганилиги ҳақида адабиёт ўқитучиси ўртоқ Раҳмоновнинг лекциясидан ёзилган тезис. 10-чи синф болалари улуғ шоирнинг юбилейига чиндан тайёргарлик кўраётирлар. Ҳожимурод ака: ўқучиларимиз Навоийнинг асарларини ёддан билиб олаётирлар, деди-да:

— Қани Ҳалилжон „Фарҳод ва Ширин“дан ёдлаган сатрларингизни ўқиб беринг,— деди. Ҳамма жим, кўк кўзли, юзига, ўнгит бўлиб қолганидан бўлса керак „хусни бузар“ тошкан, ёқимтой Мажид Ҳалилов ўрнидан туради. Унинг кўксисида Ленин комсомоли значоги кулиб турибди. У Фарҳоднинг Ширинга ёзган ше'рий мактубидан парча ўқир экан, завқ блан эшидик.

10-чи синф болалари жуда яхши ташабbus бошлабдилар. Улар Навоий юбилейи муносабати блан колхознинг бригадаларида шоирнинг ҳаёти ва ижоди блан колхозчиларни танишитирар, уларга кичик-кичик ғазалларини ўқиб берадилар. Яқинда мактабнинг ўқучилари колхознинг бир гуруҳ а'золари блан Ҳамза номли театрда Алишер Навоий постановкасини кўрдилар.

Бу асар менда сра унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса Гули ролини ўйнаган халқ артисткаси Сора Эшонтўраеванинг ёқимли сўзлари қулогим остидан кетмайди, деди, синф бошлиги Қутбиой Маҳкамова. Шу 10-чи синф ўқучиси Маҳамаджон Султонов Навоийнинг расмини чиройли қилиб ишлаётир. Улар юбилейга мактаб деворий газетасида ташқари 10-чи синфнинг деворий газетасини чиқармоқдалар.

Колхоз қишлоғида улуг Алишернинг ғазаблари жаранды. Әшитилиб туради. Мактабда кечаси соат 10-11-гача электр нурлари чароғон ёнади, ўқучи-ўқитучилар кечқурунлари „рекорд“ радиоприемнигида Ўзбекистон радио комитетининг Навоийга бағишлиган музякали әшиттиришини тингламоқдалар.

Қишлоқ мактаби ёш авлодни тарбиялашда ҳақиқий билим марказига айланди. Ҳозир шу мактабни битириб чиққан бир қанча болалар Тошкент олий ўқув юртларидан профессорлардан, билимдон муаллимлардан лекциялар тингламоқдалар. Улар фан чўққиларига кўтариларкан, ота-оналари:

— Болаларимиз, бу ўқиш-ўқитишлар фазът сизларга муяс-сар бўлди. Бизлар чор даврида алифни таёқ деяолмасдик ҳам, дейдилар, совет ҳукуматида миннатдор бўладилар.

Қишлоққа яна кўз ташласангиз кўзларингиз қувнайди. Мактабдан нарироқда колхоз чойхонаси, чойхона ҳам маданият ўчигига айланган.

Колхознинг биринчи тузучиларидан бўлган Турди ота ҳозир 55 ёшга кирди. У колхозда баобрў одам. Турди отанинг ўзи ҳам гапга чечан. Чунки Октябрьдан олдинги жабри-жафо, алам-уқубат унинг тилларини бурроқ қилиб юборган. У ҳозир ўз ҳаётидан гапиравкан, чоллар каби ўтмишини эсига олади. Шундай ҳикоя қиласди:

— Ўғлим, Навоий номли бўколхозимизнинг тузилиш тарихи-ни әшитсангиз — әшитгудек. Қулоқлар 1930 йилда колхоз тузилишига қарши бош қўтариб қанча активларни безовта қилганлар. Мана пешонамдаги пичоқ саячилган ўриналарни қаранг, бу ҳам ўша жанжаллардан нишона. Бир гурух қулоқ болалари мендай бирнече активларнинг жонига чанг солмоқчи ҳам бўлганлар. Йўқ, у аглаҳларнинг фикри рўёбга чиқмади. Ёргу кунлар бизнинг йўлнимизни ёритдилар.

Илгари бу қишлоғимизни Чала деб атар әдилар. Ҳақиқатда ҳам ҳамма иш чала әди. Деҳқонлар оқ уйда ўтирасин, ўҳу, унда бойлар ўзларини томдан ташлар әдилар. Меҳнаткамлар унда қора кулбаларда, „ҳа, яшаяпсанми“, „яшаяпмиз“ деб ўтар әдилар. Мен бошқани гапириб ўлтирмайман. Ўзимнинг ҳаётимни олиб қўяқоламан. Ҳақиқий яшаганим колхозга кириб билак кучим блан меҳчат қилиб яшаганим бўлди. Ҳозир қорним ҳам тўқ, уйимда сигирим ҳам бор, доним бор, азamat болаларим ҳам бор.

Болаларим: „ота, энди сиз ишламай қўяқолсангиз ҳам бўла-ди“ деб қўйишмайди. „Э қўяберсаларингчи, биз меҳнат блан ўстганимиз. Меҳнат блан куйманмасак бўлмайди“, деб уларга тасалли бераман. Барака топсин бизнинг раисимиз Муслим Пўлатов шу кўпчилик хўжаликни жуда уюшқоқлик блан идо-ра қилиб келаётир. Кўпчиликка бош бўлиш ҳам ҳазил гап эмас. Бирини ота, бирини ука, бирини сингил деб ишлаб кела-ётир. Илмни яхши кўрадиган бола. Кеча әшитдим, колхоз праалениясида масала қўйиб, энди қишлоқ мактабимизга янги бино қуриб берайлик, ахир колхозчиларнинг болалари ўқиб, одам бўлиб чиқаятиларку делти. Жуда курсанд бўлдим.

Ўзим ҳозир ғалла бригадасининг бошлиғиман. Ҳосилимиз райондаги колхозларнинг ҳосилидан қолишмайди, деди.

Турди ота Турсунбоев, Ҳатам Ҳусанхўжаев каби чоллар Навоий номли колхозни тузиб шу колхозда янги меҳнат, одамларни етишириб отахон бўлиб қолган одамлар. Шундай азamat отахонлар янги совет қишлоғини яратища жонбозлик кўрсатдилар.

Кечқурунлари қишлоқ электр нурлари блан яна гўзал кўринади. Меҳнатдан қайтиб колхозлар чойхонада радио приемник эшитадилар. Кўллар приемникнинг бир винтини шундай бураши блан тўғри Маскавни тинглайдилар. Уларга агитаторлар кундалик газеталардан янгиликлар ўқиб бериб турадилар.

Навоий номли колхоз бу йил яна мўл ҳосил учун астойдил бел боғлаган. Улар бу йил пахта блан баробар 215 гектар ерга сабзавот экиб ўстирадилар. Тоғ этакларида колхознинг 1000 га яқин қўйлари, қўзилақ ўсаётир. Қорамол, тую, эчки, товуқ ва ҳатто 14 та семиз чўчқа ҳам бор. Бу колхоз бирнеча йилдан бўён Тошкент шаҳар аҳолисини сабзавот блан та'минлаб келади. Шаҳарда колхознинг савдо дўконлари бор. Қаторқатор аравалар колхознинг биринчи маҳсулотини апрель бошидан бошлаб дўконларга ташимоқдалар. Пиёз, редиска чиқди, яқинда бодринглар пишиб дўконга келади.

— Биз бу йил пахта ҳам экамиз дейишимиз бланоқ, одамларимиз жуда хурсанд бўлдилар. Ахир Ўзбекистон пахтаси блан дун'ёга танилган. Икки йил планини бажараолмай орденли ўлкамиз уятда қолди. Биз ҳам пахтакорларга ҳамдамлашайлик. Колхозчилар сабзавот блан танилган бўлсак пахта блан ҳам танилайлик дейишади, деб гапиради колхоз раиси Муслим Пўлатов.

Навоий номли колхоз чигитларни экиб бўлди. Чигитлар кўзларни қувнатиб униб чиқабошлади. Улар энди ёз бўйи сабзавот блан баробар пахтага ҳам парвариш қиласидилар.

Улуғ Алишернинг 500 йиллиги юбилеи кунларида Навоий номли колхознинг а'золари шоирнинг ярим асрлик тўйини янги меҳнат намуналари блан қутлайдилар.

Биз яқинда колхозимиз боқчаларининг бири ўртасига Навоийнинг ҳайкалини ўрнатмоқчимиз. Агар шоирнинг ҳайкалини олтиндан ясатиб ўрнатамиз десак ҳам қурбимиз етади. Чунки биз совет замонасининг меҳнат блан миллионер бўлган колхозларидан биримиз, дейди раис Муслим Пўлатов.

Тошкент, Қишлоқ райони, Эркин қишлоғи, 1948 йил, апрель.

М. ШАИХЗОДА

НАВОЙНИНГ ЛИРИК ҚАҲРАМОНИ ҲАҚИДА

Ўзбек адабиётининг гениал шоири бўлмиш Алишер Навоий, эўр иқтидорли эпик достоннавис бўлиш блан бир қаторда, мисилсиз даражада нозик ва нафис лирик куйчидир ҳам. Унинг лирик мероси ўзининг ҳажми э'тибори блан машҳур „Хамса“ дан қолишмайди, фикр ва туйғулар жиҳатидан бўлса, айтиш мумкинки, бу лирик бадиаларда шоир, киши руҳининг хилманини фисункор торларда чалиб бераолгандир: гарчи бу торлар гоҳо жўшқун ва гоҳо нолакор; ба'зан шўх ва ба'зан дардли бўлганлар.

Ўз замонасининг бўронли ва сержанжал даврида яшаган, темурий феодал салтанатларининг маданий гуллаш чоғларини кўрган, шу блан бирга сур'ат-ила инқирозга қараб юмалаб кетаётган тахтлар ёнида турган; саройларининг ҳашаматли дабдабаларига шу блан бирга кулбаларнинг аянч сафолатига гувоҳ бўлган Навоий ҳоссос бир барометрдай жамиятдаги пешқадам гуруҳларнинг қайғу, андиша, умид ва хаёлларини ўлмас байтларда нақш этгандир. Феодал ва деҳқонлар ҳамда шаҳар косиблари ўртасидаги қонли курашлар, салтанат хонадонининг а'золари ўртасидаги ўзаро низолар, феодалларнинг сепаратик (марказий ҳукуматдан ажралиш) тенденциялари, сиёсий иҳтиросларнинг қизиб кетиб ҳалқа бераётган азоб ва уқубатлари XV асрнинг иккичи ярмида истар Мовароунаҳ ва истар Хуросон давлатларини характерлайдиган вазиятнинг асосий чизиқларини ташкил этар әдилар.

Бутун бу мураккаб шароитда ижод қилган Навоий, албатта замонасининг ўткур мас'ала ва муаммолари блан яшаган. Чунки, „Жамиятда яшаб туриб, жамиятдан озод юриш мумкин эмас“¹. Жамият, ҳалқ, давлат, салтанат, турли ижтимоий гуруҳлар, киши ва унинг қадри ҳақида Навоий, „Хамса“нинг ўлмас достонларида ажойиб, тараққийпарвар фикрларни баён қилди. Чунки шоирдаги чуқур гуманистик қурашлар лириканинг специ-

¹ Ленин — асрлари, VIII жилд, 389 бет.

фик қонун ва қоидаларига яраша унинг лирик асарларида ҳам акс этгандир. Навоий лирикасининг шоҳона обидаси машхур „Хазоимул-мағ’ни“ ёхуд „Чордевон“ дир. Лекин шоирнинг лирик мероси шу блан чекланмайди. Унинг олти минг байтлик форсий девонидан бошқа „Ҳамса“ даги ҳар бир достонга ва „Лисонут-тайр“га киритилган лирик парчалар ҳам шоирнинг ўз суб'ектив кечирмаларини ифода қилучи бадий хужжатлардир. Булар одатда достондаги ҳар бобнинг бошида (лирик кириш) ва охирида (лирик хотима) келтирилади. Бундан бошқа „Вакфия“, „Муншоот“, „Махбубул-қулуб“ каби прозаик асарларда ҳам бир қанча гўзал лирик дурдоналар: рубоилар, қит’алар, маснавий, назм, дардлар ва мисра’лар сочилигандирки, буларнинг ўзини тўплаб текшириш алоҳида мароқ ва аҳамиятга әгадир.

Лекин XV асрнинг лирик энциклопедияси, ҳеч шубқасизки „Чордевон“ дир. 47 минг мисра’га яқин бир куллиётни ўзига жам“ қилган бу китоб киши руҳининг энг турма-тур ҳолатларини ўз ичига олади. Бу ерда сиз: севгидан завқланиш, ҳижроннинг дарди, ҳаёт лаззати, пушаймонлик, олийжаноб инсоний ғурур, жўшқунлик, сокит тушуниш ва тафаккур, руҳий ғалаён, таваккал ва и’тиқод, бадбин нолалар, жур’атли тилаклар, сирли туйғуларниг нафосати, замонидан шикоят, васл умиди, инкор ва шубҳа, ёмонликдан хафаланиш, камтарлик, сўфиёна майллар, юрга муҳаббат, тасали, илмига ва камолатга ихлос, зуҳд, тақво ва риё устидан заҳарханда, киши ҳақида ғамхўрлик ва бошқа бошқаларни ўқийсиз. Албатта юқорида мазкур ҳолатлар ўртасида қарама қаршилик кўп. Зотан бир ўмрни акс этдирган бу китоб сермазмун бир ҳаёт кечирган ва даврнинг қарама-қаршиликларига дучор бўлган буюк шахснинг кўзгусидир. Аммо бу, бир бирига зид бўлган ҳолатлар турли ваз’ият, турли кайфиятларда баён қилинишига қарамай, ягона бир ғоя атрофида марказлашадики, у ҳам бўлса олийжаноб бир виждоннинг инсоний бахт талаб орзу ва истакларидан иборатдир.

Навоийнинг улуғ забардаст шоир бўлганлиги асрларнинг синонидан ўтиб келган бир ҳақиқатдир. Лекин унинг ше’рият осмонида қанчалиқ баланд бир юлдуз бўлганини даврнинг пешқадам кишилари ҳам э’тироф этар эдилар. Бу фақат — Навоий ижодиётининг ўз даври учун актив ижтимоий бир фактор бўлганлигини яна бир мартаға исботлайди. Унинг лирикасидаги тарбиявий, ахлоқий принциплар бундай жиддий баҳоларнинг берилishi га боис бўлган, албатта. Навоий замондошлиридан ўнлаб тарихчи олим ва адиллар буюқ шоирнинг бадий иқтидорига тан берганлар. Булардан кўпи, Навоийнинг ҳиммат ва ёрдами блан яшаган ва ижод қилган кишилар эди. Аммо, иккى замондош Навоийга тамоман бетараф ва холис ҳарактеристика бериб ўтган. Булардан бири Алишернинг каттароқ замондоши — Абдураҳмон Жомий иккинчиси эса — кичикроқ асрдоши Заҳириддин Бобирдир.

Ше’рининг жуда нозик заршиноси бўлган классик форс —

тожик шоири Жомий бизнинг буюк шоирга шундай тавсифнома беради:

„Агарчи вайро биҳасаб-қуввати-таби'ат ва вус'ати-қобилият, ҳар ду нав' ше'ри-туркий ва форсий биштараст, аммо майл-таб'аш батуркий биштараст. Фазалиёт баон забон аз даҳ ҳазор зиёдад ҳоҳад кард ва масновиётки, дар муқобилаи Хамсаи — Низомий виқу' ёфта, баси ҳазор байт наздик ва ҳамоноки баонзабон биштар аз вай ва беҳ аз вай каси ше'р нагӯфта аст ва гавҳари-назм насуфта“¹

Гарчи унинг таб'идаги қувват ва кобилиятидаги кенглик туркий ва форсий ше'ларда, я'ни ҳар икки тилда зўр бўлса ҳам, унинг туркий тилда майли кўпроқдир. Бу тилдаги фазаллари ўн мингдан зиёда бўлур ва Низомий Хамсасига жавобон яратган маснавийлари минг байтга² яқиндир. Уша тилда ундан кўп ва ундан яхшироқ ҳеч ким ше'р айтган ва назм гавҳарларини тизган эмас.

Иккинчи замондош Заҳириддин Бобир эса шундай дейди: „Алишербек назири йўқ киши эрди, туркий тил била то ше'р айтибурлар, ҳечким анча кўб ва хўб айтқон эмас“³.

Бу ҳар иккала асрдошнинг баҳосида, деярлик ҳарфма-ҳарф муштараф нуқта Навоий ше'рида сифат ва соннинг юксак мавқи'да турганини э'тироф этишдан иборатдир.

„Чордевон“ темаси, ҳозиргacha илмий равишда текширилмаган катта темадир. Биз бу ерда бундай вазифани тўла қомати блан қўйишга жур'ат қилаолмаймиз. Бизнинг бевосита вазифамиз Навоийнинг биринчи девони бўлмиш „Фаройбус-сигар“ (кичикликнинг ғалатиликлари) бўйича шоирнинг лирик қаҳрамонига хос бўлган сифатларни аниқлашдир. Ма'lумки, „Чордевон“ тўртта алоҳиза девондан иборатдир. Булар, бизга манзур-баҳс бўлмиш биринчи девондан бошқа „Наводируш-шабоб“, (ёшликнинг камёб нарсалари), „Бадойиул-васат“ (ўрта яшарликнинг бади'алари) ва „Фавонидул-кибар“ (кексаликнинг фойдалари) дан иборатдир. Бу сарлавҳаларда, биринчи қарашда ҳар девоннинг ёзилган даврига (болалик, ёшлик, ўрта яшарлик ва қаррилик) оид автор томонидан очиқдан-очиқ кўрсатма бордай туйилади. Лекин, „Чордевон“даги ше'ларнинг мазмуни ва бадиий хусусиятлари блан танишган ҳар кишига бу тақсимотнинг шартли, яна тўғриси символик бир моҳиятда бўлгани аён бўлади. Чунки китобдаги сўнги девон блан биринчи девон ўртасида яққол фарқлар, бирор даврни иккинчи даврдан ажратадиган фикрий ва стилистик айрималарни кўрмаймиз. Бизда шундай тасаввур қоладики, шоир бутун умри бўйича ёзган лирик ше'ларини „тадвин“ қилаётганида (девонлаштирганида) киши умри тўрт даврга ва таби'атнинг йили тўрт

¹ Жомий — „Баҳористон“. Пединстигут кутубхонаси, шив. 108 — 109 бетлар.

² Абдураҳмон Жомий „Баҳористон“ни ёзаётканнда Навоий ҳам „Чордевон“ ва „Хамса“нинг куни қисмими битиргаган эмас эди.

³ „Юбиринома“ Қозоғ, 213 бет.

мавсимга бўлинганидай уз лирик куллиётини ҳам турт қисмига тақсимлагандир. Зотан ҳар тўрттала девон озгина бир фарқ блан, тамоман баробар (ўнбир минг мисра'дан сал ошиқ ё кам) бўлишлиги ҳам шу да'вомизга қувват беради. Чунки ше'рий таб'нинг балоғатга етган (35—45 ёшлар ўртасида) даврида ҳам, қаррилик (45-60) даврида ҳам шоир айни миқдорда ше'рлар ёзгандир ёки ўсмирилик чоғида ёзган шер'лари ҳам кейинги даврда ёзган шер'ларига сон ва сифат жихатидан баробар эди, деб ўйлашамри-маҳол бўлса керак. Демак ба'зи бир дебочаларда „Фаройибус-сиғар“—27-30 ёшлар ўртасида: „Наводирул-шабоб“—25-35 ларда, „Бадойиул-шабоб“—35-45 ларда ва „Фавоидул-кибор“—45-60 ларда ёзилган ше'рларни ўз ичига олади деган кўрсатмаларга жиддий бир маҳаз деб қараб бўлмайди. „Чордевон“ нинг ба'зи нусхаларидағи дебочада учраган шу тақсимот кейинги котибларнинг кўшимчаси бўлса керак. Бўлмаса „Фаройибус-сиғар“даги бир ғазалнинг қўйидаги матла ини қандай изоҳлаш керак:

Кечти умрим нақли ғафлат бирла нодонликда, ҳайф!
Колғони сарф ўлди андуҳу пушаймонликда, ҳайф!

Шоир, умрининг ғафлат ва нодонликда ўтганлигидан нолиди. Агар мазкур дебочадаги кўрсатмага ишонилса, бу ше'р 8 блан 10 ёшлар ўртасида ёзилмоғи керак эди. Ҳолбуки, бу ерда очиқдан-очиқ қариганини этироф этади. „Фаройибус-сиғар“ нинг бошқа бир ғазалида, яна аниқроқ бир кўрсатма бор. Шоир ўзи-ўзига хитобан шундай дейди:

Ёшинг эллик бўлди, юз қўйгил фано тупроғига,
Ким шабоб айёми айши беадоблиғ чоги бас.

Бу иқрорлардан кўринадики, „Фаройибус-сиғар“ да Навоий умрининг ма'lум бир даврида (йигитлик чоғида) ёзилган ше'рларини эмас, балки турли чоғларда ёзилган ше'рларини тўплангандир. Бинобарин „Фаройибус сиғар“га берилаётган характеристика бошқа девонларга ҳам тўла тадбиқ килиниши мумкин. Бизнинг „Фаройиб“ ҳақидаги мулоҳазаларимиз, айни ҳақ блан „Чордевон“нинг бошқа девонлари хусусида ҳам айтилиши мумкин.

Умуман „Чордевон“да бўлганидай „Фаройиб“да ҳам лирик қаҳрамон Навоийнинг ўзиdir. Бу—мураккаб бир замонда яшаган, тушунучи, ўйлавчан, ҳассос ва олийжаноб бир шахснинг бой, сероҳанг, рангба-ранг, сермазмун, соғ ма'навий, ботиний дун'ёсини ўзида гавдалантирган бир қаҳрамондир. Бу сезгучи, дун'ё, жамият ва ҳалқни ўйловчи бир инсондир. Унинг асосий фожиаси—олижаноб шоир блан қўпол въ ноинсоғ одатлар, қоидалар, тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқади.

Нега даҳр оё вафо аҳлининг истар ўлмагин?
Оҳ ким, ўлгумдурур ҳал бўлмайин бу мушкилим!

деб шикоят қилган шоир, феодализм шароитида, инсоннинг қадри ва башарий хислатлари беаёв топталган, янчилган ва чайналган пайтда, ҳақиқий ишқ аҳлиниң вафокор кишиларининг даҳр (замона) зулмида маҳв бўлишларидан чуқур ма'юсланади. Ба'зан у замонадан шу қадар хафа бўладики, ўзини бир четга олиб чиқмоқчи бўлади.

Замон эли гар урушсунлар ва ярашсунлар,
Ки на урушум алар бирла бор ва на ярашим

Чунки шоир буюк ихлос блан севган кишиларда ҳам садоқат ўрнига хиёнат, вафо ўрнига жафо топади:

Анча йиғлатди жафодин дўстдур деб севганим,
Ким кулар аҳволима ҳар қайда кўрсан душманим

Замон ва замондошларнинг жабру жафосига қарши ўлароқ лирик қаҳрамон символик тасалли сифатида май образини, овунадиган макон деб „кулбай-хуммор“ (майхона) ни қўяди:

Эй Навоий, ҳам замондин, ҳам замона аҳлидин —
Ҳар замон ғам етса юзлан кулбай-хумморга.

Шоир, зўр бир қайгу блан ўзининг у даврдаги кайфиятларини шу аламли мисра'га қўяди:

Хотирим ҳам давр, ҳам давр аҳлидин озурдадур.

Бу ваз'иятда у баз'ан чуқур изтиробга тушади ва қафасда талпинган қушдай заминдан ва замондан қочиб кетгуси келади:

Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор,
...Чекиб ағ'ёрдин юз жавр, тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ибрат, не ўзимдин ўётим бор.

Аммо бу изтироб ва андишалар халққа ва юртга бўлган севги ва меҳрнинг бир ифодасидир. Чунки юртни обод, халқни баҳтиёр кўрмаган (ва у даврда кўриши амри-маҳол бўлган) Навоий ҳақиқий, асосий бир нажот йўли топмайди ва топалмайди. Аммо бу лирик қаҳрамон она тупроқнинг, бу тупрокда меҳнат ва жафо тортган аҳолининг дўсти, мухлиси ва ғамхўридир. Албатта шоирдаги ватан тушунчаси биз онглаган ма'нода бирлашган бир миллатнинг юрти эмас, балки кўпроқ шоир туғилган ва яшаган ўлка, биртоҳ остида идора қилинган мулк тасаввуридан иборатдир. У ҳатто, Хуросон салтанатининг йироқ вилоятларига борганида ҳам ўзини „ғурбат“да ҳис этади. Бунга сабаб, у даврда бу мамлакатнинг бир бутун кулл ташкил әтмагани, алоқа ва нақлиёт воситаларининг ибтидоийлиги ва ягона бир иқтисодий, миллий, маданиятлар блан боғланмаган турли қавм, қабила, тоифаларнинг бу салтанатга

Борчун кибт
Айлар шандың
Айлар берле аудакта түштүрдүн
Борчун кибт
Айлар шандың



МАЖКИН биёбенда.
(1824 йил Фарғона қул'ёзмасыдан)

сочилиб кетганинги эди. Ҳарҳолда ватан тушунчаси Навоий учун азиз ва табаррук бир тушунчадирки, бу традицион муҳаббат ва сиёсий-тарихий ғоялар болан боғлиқдир. Ҳиротдан узоқ юрган маҳалида (Машҳад ёки Астробод даврида бўлса керак) ёзган бир рубоиси бу хусусда жуда характерликдир:

Ўлсам ясаманг бунда мозоримни менинг,
Юклаб элитинг жисми-фирғимни менинг
Ўтру чиқариб аҳли диёбримни менинг,
Кўйида қўйинг тани — низоримни менинг.

„Фароиб“га киритилган машҳур рубои ҳам Навоий назарида „Ватан“ ва „ғурбат“ мавҳумларнинг қанчалик қарама-қаршилик образлар ташкил этганини кўрсатади:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтун қафас ичра гар қизилгул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Бу рубойидаги фикрнинг яна бир характерик томони шундаки, шоир бу ерда Ватанни „жаннат“ ёки „боги эрам“ ёхуд „обод“ элитарлари болан безамасдан уни майли тиканзор бўлса ҳам бизда азиздир, дейдик, бунда катта бир ҳақиқат парчаси бор. Демак у ватандаги вазиятни идеаллаштирумайди, уни борича (тиканзор) қабул қиласи ва ғурбатдаги (қафас ичидаги) гулдан афзал кўради!

У, ватанни севади, унга мафтун ва муҳлисдир. Аммо бу днёрдаги мешақат ва заҳматларни, олийжаноблар ўрнига ноқаслар ва бевафоларнинг иззат ва обру қозонгандарини кўради.

Замона ўқ каби туэларни синдируб ё'дек,
Аларки, эгри тураг шаҳфа муҳтарам қиласур.

Бу байтдан Навоийни, умуман шаҳларга ва салтанат-монархия системасига қарши эди, деб тушуниш ярамайди. Уни Бойқарога душман эди деб айталмаймиз. Аксинча „Фариб“нинг ўзида шоирнинг Султон болан яқин дўстлиги ҳақида очақ ва бевосита әтирофлар ва балки фахриялар бор:

Қрон қилдинг, Навоий назмароким, илтифот этмас,
Сўзингдин ўзга сўзга Хисрави Соҳиб-қрон ҳаргиз.

Бу „хисрави Соҳиб-қрон“дан муддао Султон Ҳусайн Бойқародир. Чунки, унинг унвони (амир Темурдан кейин) „Соҳиб'-қрон“ эди. Навоий, Бойқарога иҳтиромини бошқа бир ғазалида яна ҳам очиқ ифодалайди. У, бир бевафо ёрдан аразлаб шундай дейди:

Сен Навоийга вафқ айламасанг, бор ўлсин—
Шаҳ Абулғозий-бин-Бойқаро, эй қаро кўз.

Модомики, шоирнинг Султон Ҳусайнга муносабати шунча аён экан, у ҳолда „Аларки, эгри турур шаҳга муҳтарам“ деб кўрганимиз юқоридаги шикояти қандай тушиниш керак? Аввало шуки, бу ғазалнинг (.Фароиб"даги бошқа кўпчилик ше'рлардай) қачон ёзилганлигини муайян қилиш ҳозирча мумкин эмас. Иккинчидан, Навоий ўз умрида Ҳиротда уч ҳукмдорга замондош бўлган: Абулқосим Бобир, Абу Сайд ва Султон Ҳусайн. Бинобарин бу та'нанинг юқоридаги ҳукмдорлардан қайси бири адресига айтилганини қат'йлаш амри маҳолдир. Бу саволга әнг тўғри жавоб, фикримизча шундай бўлиши керак: шоирнинг лирик қаҳрамони (я'ни шоирнинг ўзи) у на ёки бу ҳукмдорга қандай муносабатда бўлмасин, унинг синфий ва ижтимоий мавқи'i қандай бўлмасин, модомики, у буюк сан'аткор экан, демак у хоҳ-но хоҳ воқи'ликнинг юзини жамиятдаги ваз'иятнинг реаль томонларини очиб ташлаши, ёки ин'икос этдириши керак. Катта сан'аткор, ўзининг сиёсий қарашларига хилоф ўлароқ, ўз бадиий туйғуси блан ҳақиқатни, борликнинг ма'lум томонларини акс этдиришга мажбур бўлади. Ма'lумки Фредрих Энгельс Бальзакнинг „сиёсий жиҳатдан подшоҳпараст“¹ бўлгани ҳолда ўз синфий ва сиёсий хоҳишлиарига хилоф ўлароқ, ўз севган аристократлари устидан аччиг истиҳзо блан кулганини қайд этади. **Владимир Ильич Ленин**, улуғ рус ёзучиси Л. Н. Толстой ҳақида ёзган мақолосида шундай дер әди: „Агарда олдимиизда чинакам улуғ сан'аткор бўлса, у революциянинг, ба'зibir, ҳеч бўлмаганда муҳим жиҳатларини ўз асарларида акс этдириши керак“². Бу ажойиб фикрнинг биз учун чуқур методологик аҳамияти шундаки, Ленин та'lими бўйича, буюк ёзучи, ўз замонаси нинг илфор тенденция ва прогрессив воқиаларини, қандай бўлмасин, ма'lум даражада акс этдирмай қолмайди. Демак Навоий Бойқарога ва умуман монархияга садоқатига қарамай сарой ҳаётни ва феодал давлатида соф ва виждан аҳли бўлмиш кишиларнинг обру топиши мумкин эмаслигини буюк сан'аткор кўзи блан кўраолганки бу унинг катта хизматидир.

Навоий шуурида ватан ва мулк мағҳумлари қўп вақт айни бир тушунча бўлиб қўйилади. Бинобарин мулкни обод қилиш, султонлардан инсоф ва адолат талаб қилиш натижа этибори блан юрт ва халқ қайғусидан келиб чиқади. У бир рубоиси-нинг бошида:

Мулк очқали ҳар хисрави — олимикдор
Инсофу адолат, салоҳ этса шиор

дер экан салтанат идорасига, тахтнишинликка инсоф ва адолат шиорларини шарт қилиб қўяди. У ўзининг бевосита ли-

¹ Маркс ва Энгельс „Сан'ат ҳақида“—1933 й. 195 бет.

² В. Ленин— „Толстой—рус революциясининг ойинаси сифатида“ асарлар, XII т. 332 бет.

рик кайфиятларини изҳор қилганида ҳам катта ижтимоий мазмунга эга бўлган ва чинакам ҳикматомиз та'бир (афоризм) дараражасига кўтарилаётган ҳақиқатларни баён қиласи, шоир севган ёрига мурожаат қилиб: „—сен кўп зулм қилганинг учун, сенинг қулинг (хизматкоринг) бўлмиш кўнглим ва жоним сендан намуна олиб зулму жафони яна ҳам ошириб юбориб, тамоман мени ташлаб кетдилар“— демоқчи бўларди. Лекин шу мураккаб муболагани Навоий нақадар гўзал ва афористик тарзда, ҳамда на қадар кутилмас бир муқаяса орқали ифодалайди:

Сен жафо қилгач, кўнгил жон бирла тарким тутдилар,
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмға әрмиш ривож.

■ Навоийда ватан-мулк-диёр образида марказлашган идеал унинг чуқур гуманистик ғояларидан келиб чиқади. Бунга қарши фурбат-фроқ-ҳижрон учлиги қувватли бир контраст ташкил этади. Таажжуб әмаски, юрт-ватан унинг назарида севимли дўст ва ёр образи блан әгизак бир вужуддай тажассум қиласи:

Тонг әмастур гар диёру ёрсиз озурдаман,
Ким әмас булбул гулу гулзорсиз, озорсиз.

Бу ажойиб ёндош образларни қаранг:

Бир сирада: шоир-диёр-ёр,
иккинчи сирада: булбул-гулзор-гул.

Бу ажойиб ички қофия (саж)ни кўринг:
ёр-диёр.

Ииллаб Ҳиротдан йироқ шаҳарларда фурбатда юрган шоир бу машақатларни кўрмаган кишининг ватан қадрига етиши мушкил эканини уқдириб ўтади:

Жисем уйидин кўнгил тилар ул кўйни валек—
Фурбат суубатин киши билмас ватан аро.

Диёр-ёр образлари Навоий тасаввурида бирлик ташкил этади, дедик. Лекин, булар айни мутародий мағҳум әмас, шу учун әнди бу яквужуд иккиликнинг иккинчи қисмини олайлик. Чунки, Навоийнинг лирик қаҳрамони биринчи нафбатда оташин ва бой мундарижали ошиқдир. Шоир ишқнинг азалий ва абадий қудратини билади, ишқ мавзу'ининг „бун'ёди-олам“дан-э'тиборан лирикага бош мавзу“ бўлиб келганин э'тироф этади:

Фарид қисса әди ишқим, туганмади ҳеч
Агарчи бўлгани олам биноси, айтилади.

Ўз даврида ма'нан ва руҳан сиқилган олийжаноб қаҳра мон севгининг даргоҳида ўзига бошпана излайди:

Навоийё, бу ўтар олам ичра беш кун қил
Ўзингни май била машғулу ишқ бирла овут

Аммо бу ишқ олами улуғ бир оламдир. Бу мураккаб бир түйгү, ранго-ранг бир гулистондир. Навоидан илгариги ва кейинги кўп ошиқ шоирларда бўлганидай якнав', монотон куй эмас сероҳанг бир соҳи чалинади Навоий руҳида!... Шунинг учун бу шоирнинг ички кечирмаларини ҳам муҳаббатнинг луғат китоби деса бўлади. Сиз, ишқдан мамнунлик, васл умиди, мулоқотнинг лаззати, ёрнинг нозу-истиғносидан таҳқиқир этилган ошиқнинг ғурури, ҳижрондан ма'юслик, севгида улуғ камтарлик, бевафолар дастидан шикоят, ма'шуқага садоқат ва ҳоказо, ҳоказоларни бу ше'ларда кўп мартаба учратади.

У севади, лекин шунга жавобан севилишни ҳам истайди. У ўз оташин муҳаббатининг сиҳри блан ёр қалбини ҳам овлашига ишонади:

Ишқ агар комил әрур, ошиқ қилур ма'шуқни—

дэйдики, бу афоризмнинг чуқур ма'носи: агар мұжаммал севсанг, севилган киши севгучи бўлиб қолади, деган катта педагогик ҳақиқатни ўз ичига олади.

Аммо, афсуски, бу олийжаноб ният, кўп вақт ўйланган натижани бермас экан, шоир зуволасида севги дарди бўлган хилқатида муҳаббатга қобил бўлган ёрни излашга мажбур:

Токи, мумкиндир кезиб бир меҳрибон ёр истабон,
Бағри тошларни сеъарга қилма жур'ат, эй рафиқ.

Шундай меҳр кўрсатган ёрга ошиқ шоир бағоят мунис ва муҳлис:

Қилдим ул ой олдида ошиқлиғим изҳорини,
Мен анга сиррим дедим, билмон аннинг асрорини.
Кўз қаросин ҳал қилиб ул ойга ёзгум номаи,
Бори бу тадбир ила кўргай кўзим руҳсарини.

У жозибадор ихлос блан севади, ва бир қадар илтифот кўртган, муҳаббатнинг фисункор лаззати барча ғаму дардларни унутдиради:

Шикоятки кўпу қолмас сени қачон кўрсам
Танимға тоб тилимга мажол—таҳрири.

Севги, бу қаҳрамонга катта ижодий ва ижобий қудрат бағишлайди, унинг руҳини бойитади ва гайратини кўтаради.

Бунинг учун у башарнинг шу қамматбаҳо хислатидан мамнун
ва миннатдор:

Ла'лидин бир сўз синук кунглумни айлар тогча,
Нақд-жонъ берсан, йўқ онинг олида тупроғча.

Чунки ишқ шу қадар муқтадир бир омилдирки, у — шоирни
муболағаси блан айтганда — ҳатто ўлик жасадни ҳам тирил-
тиришга қобилдир:

Навоий ўлса тиргузгил юзига юз кўйиб, я'ни:
Юзига су уруб ул уйқусидин они бедор эт!

Аммо севилган шахс севгучининг поқ ва тоза ишқига лойиқ
булмоғи шарт, чунки шоир севги каби юксак бир туйғунинг
пастликка ва сафолатга чулғанишини жойиз кўрмайди; шундай
мулаввас килингган (булғанган) гулдан шоир-кўп азоб блан бул-
са ҳам—воз кечишга қодирдир:

Бир гул ғамидин қўйй дедим бағрима доғ,
Бергайму дебон атри димоғимга фироғ
Баргин чу мулаввас айлади бүм ила зоғ,
Эмди ани исламакка юз хайф димоғ.

Маҳбуб ёки ма'шуқ севгига лойиқ эмас экан бизнинг қаҳ-
рамоннинг инсоний ғурури ўзининг алданганига афсус ейди ва
лекин ўзини хоксор ва дарвиш қиласдан ҳаёт боғида ўзига
LOYIҚ гул излашга ҳам қодирдир. Бу хусусият ҳам Навоини
кўп классик шоирлардан, муҳаббатни идеаллаштириб ҳар бир
ҳақоратни шарқ тавозу'и блан қабул қилиб, инсоний ша'н ва
шарафни маҳвият даражасида беларво таптаган, ўз „менлиги-
ни“ йўқотган ошиқлардан ажратади:

Келгил, эй қурбон кўнгул, ул қоши „ё“ меҳрин унут
Чун вафодин тортилур сен ҳам бориб бир гўша тут!
Чунки ул бизни унумакни сафинди яхши иш
Сендағи, кел, бир нафас она сафинмакни унут!

Бу ғазалнинг давомида Навоий бевафо ёрдан ўпкалаб ўзи-
даги инсоний ғурур ва фазилатларни қўйадаги ажойиб ҳаётни
лавҳа блан баён қилади:

Гар кўзим ёшига ул гул мултафит бўлмас не ғам,
Гул булутидин тозадур, сероб эмас гулдин булат.

Ажойиб деталл: шоир демоқчики, булутидан ямғур ёғади, бу
ёмғур сувларидан гул униб чиқади, лекин булат бўлса гулдан
сув ва нам олмайди, демак гул (ёр) булутига (шоирга) муҳтам-
дир, булат гулга эмас. Бошқа бир жойда, шоир худди бу кай-
фиятни яна ҳам очиқ ва яққол айтади:



ШАЙХ САН'ОН жоли қаршиисида.
Лисонут-тавр^{дан} (Маҳмуд Музажҳаб ишлаган расм)

Ерлиг күз тутқонимиз күэлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам күз бор, бориб бир ўзга ёри күэлади.

Бу мисоллардан ва буларга суюлиб биэ қўйған тезислардан нотўғри бир хулоса: я'ни Навоийнинг лирик образи қарорсиз ентилтак ва сарсари ошиқ эди деган хулосаши қарилмасин, албатта. Ихтиросли ишқ блан Навоий севгининг синоқларига, ёрнинг ишва-нозларига мардона (рицаръларча) чидашга усти-вордир. Масалан:

Васлин истаб кўп ялиндим, қувди қуйидин мени,
Бўлса мубрим шева¹ албатта гадо мардуд² эрур.

Ёки:

Гар қуёшға эл назар қилса, кўзига ёш тўлур,
Ул қуёш борғач назардин кўэларимга тўлди ёш.

деган ошиқ вафоли ва изчил муҳаббат эгасидир. Демак, бизнинг мақсадимиз Навоий ишқининг абстракт эмас, ҳаётий бўлганлигини уқдириш, унинг туйғуларида ҳам воқи'ликнинг ўзида мавжуд бўлган зиддиятлар ин'икос этганини кўрсатиб ўтишдир.

Навоий муҳаббатни кишининг табиий хислати ва табиий ҳаққи деб билади. Бунинг учун жоҳу жалол ва тахту тоҷ шарт эмас. Аксинча, феодал саройларидағи кўп хотин олишлик одати, ҳарамхона ан'анаси соғ ва ҳақиқий севгини парчалайди, севги қобилиятини қуритади ва сўлдиради:

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат бобида.

Бу бир мисра'нинг ўзи Навоийнинг ишқ масаласига қараши учун программавий бир аҳамиятга эгадир. Чунки у даврларда гўзал қизларнинг хўжайини пул ва давлат ва ҳокимият эгалари бўлган бир чоғда, ишққа лаёқатни бошқа бир принципга боғлаш қатта гуманизм ғояларидан келиб чиқар эди. Шоир буйруқ ва мажбурият блан муҳаббат туғилмайди, дейди.

Шоҳки, матлубига қуллуқ буюргай ишқ эмас.

У ишқни ҳақ деб билади ва ҳақиқий ишқдан кулганларга, ошиқни, гуноҳкор деб айبلاغанларга очиқ уруш ә'лон қалади:

Ишқ агар бўлса гуноҳ, менман гуноҳкор, эй кўнгул
Тонмағим ноҳақдуур, бу ишда чун ҳақдир гувоҳ.

¹ Мубрим шева — қилиги ўжар.

² Мардуд — рад этилған, қувалған.

Аммо бу ишқининг ҳаётий жилвалари нақадар мураккаб ва рангоронг бўлганини шоир ўзи яхши билади:

Ишқим, ҳарбир ишида ёзди юз минг турфа ҳалқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади...

Бундай ишқ шоир қалбидаги турли кайфиятлар қўзғайди.
Ошиқ-шоир гаҳо маʼшуқасига ялинади:

Юз урма ҳар тараф, эй шўқ, зор қилма мени,
Қарор тут нафаси, бекарор қилма мени,
... Худой учун яна ҳар сори бехабар борма,
Фигону волаю беихтиёр қилма мени!

У, ўз ишқининг реал әканини „севиш учун севги“ эмас, балки бу ҳиссиёт руҳининг реал ихтиёжи бўлганини арз этиб, ҳатто ўзининг севгили әпик қаҳрамонларини ҳам афсонавий бир хаёл сифатида рад этади:

Мен ўзга, Вомиқу Фарҳод ўзгадур, эй ишқ!

У, гоҳо ёрдан айрилиқнинг аламини аччиғ-аччиғ иқрор қилишга мажбурдир:

Кечалар ҳажрингда бехудмен, менинг ҳолимгадур —
Шам'нинг гаҳ куймаги, гаҳ ноласи, гаҳ риққати.

Ба'зан у айрилиқдан шикоят айлаб:

Меҳнату ҳажрингда ишим нолаю фарёд эрур,
Оҳ, агар фарёд етмас висолинг давлати,
Лабларингнинг ҳасрати кўнглумда бўлса не ажаб,
Шиша бирла боданинг бир-бирига кўптур нисбати.

деб лабларни-шаробга, ўз юрагини май шишиасига ўхшатиб жуда чиройли бир исти'ора (метафора) яратади.

Осмонда кечалари милтиллаб турган юлдузларни шоир ўз ошиқ кўзларига ўхшатиб кучли бир ташхис (жонсиз нарсани жонлантириш) приёми қўллайди:

Чархи соир гўйё ошиқдурурким, кечалар —
Бор анинг ҳам мен каби кўп ашкию, оз уйқуси.

Ба'зан у севганининг нозу — ғамзаларидан дўстона ҳазл блан шикоятланиб шундай рангин бир туюқ яратишга ҳам моҳирдир:

Ваҳ қаҷонга тегру ишқинг којидин
Кўзима ҳар лаҳза ўт чоқилғуси,
Бастурур кўнглумда ишқинг, ёқма ўт,
Ким ҳарорат ул ҳам ўтча қилғуси,

Гоҳо у нозик ҳазэл блан „хусни“ та’лил ёки „тажоҳилорифона“ приёми ясаб севганига дўстона та’на қиласди, ухлаб ётган севгилисининг қаттиқ уйқуси учун шундай бир ширин латифа тўқийди.

Бизни даф ўлсун дебон солмиш ўзинни уйқуға, Зарқтиң ҳоли әмастур ул фисунсоз уйқуси.

Гоҳо у муҳаббат тўлқинларида ҳаяжон блан жўшиб „девона-вори“ бир жўшқинлик кўрсатади, қайнаган ҳисларининг, ўйнаган хаёлларининг жиловини бўшатиб юбориб севгининг жазавали рақсига тушади:

Дўстлар, гар халқаро йўқ мен каби девонаи,
Айламанг кўп айбким, ёнимдадир майхонаи,
Анда шўхиким, тутар ҳар дам тўла паймонаи
Қайси шўхи бодануши, кўзлари мастанаи,
Жон берурда ла’лидин Иосифат жонанаи,
Кўнгул олурда юзидан Юсифойин дилбари.

Бу тезисларни хулоса қилиб якунласак, Навоийнинг „Фаройбус-сиғар“ида ва умуман „Чордевон“да ишқ қуйларининг тематик жиҳатдан марказий ўрин тутганини ва бу ишқининг чин инсоний, олийжаноб, қудратбахш, соф, нафис, ширин бир сезги сифатида талқин қилинганини қайд қилиб ўтишимиз лозимdir. Бу ерда яна бир муҳим масалани ечишимиз шарт. Диққат қилингандирки, „Фаройб“нинг лирик қаҳрамони севилган ёрга тўла берилиш ва ма’шуқанинг ҳам шунга яраша ўз ошиқини бутун юрак блан севишини талаб қиласди. Бошқача қилиб айтганда, у бир эркакнинг бир аёл томонидан ўзаро муқобил севилишини талаб қиласди. Биз тарихда ҳарамхона ҳаётининг, бир эркакнинг кўп хотин олиш хуқуқига эга бўлишигининг касофатларини ва фисқу фужурга боис бўлганини яхши биламиз. Улуғбекнинг ташаббуси ва шарофати блан аёлларга нисбатан ҳурмат блан қараш¹ бу олим ҳукумдорнинг ўлимидан кейин тақвodor ва хурофотчи ислом рухонийларининг тазийқи блан паймол қилинган эди. Ислом қоидаларининг кучайиши блан мутаносиб бўлиб аёлларнинг эзилганини ва хуқуқсизланганини В. Бартольд бой материал асосида исбот қиласди².

Полигиния (бир эркакнинг бир вақтнинг ўзидаёқ кўп хотин олишлиги) қулчиликнинг бир формасидир. Энгельснинг ажойиб ўткур бир мулоҳазаси бу ерда жуда ўринлик бўлур ... Тарихда, биринчи синфий эулм аёл жинсининг эркак томонидан асоратга олинишидан бошланади³. Энгельснинг бу характеристикаси

¹ Бу тўғрида кенгроқ ма’лумот учун қаралсин: В. Бартольд — „Улуғбек ва унинг замонаси“, 99 бет.

² „Историк — марксист“ журнали, 1939 йил, 5—6 сон. В. В. Бартольд мақоласи „Ибтидоний ислом ва хотин“.

³ Ф. Энгельс — „Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши“ — 66 бет, Партиздат, Москва, 1934 йил.

оилада әркак ҳоким бўлган ҳамма даврларга оид бўлса-да, XV асрдаги оила ҳаёти учун ҳам товсифнома бўлаолур. Чунки эксплуататор жам'иятларда хотинларнинг ижтимоий әзилиши умумий ҳолатdir.

Навоийнинг лирик қаҳрамони бўлса, бутун умри бўйлаб битта ва лекин садоқатли ёр излайди. Шоир полигинияга қарши очиқ ҳеч нарса сўзламайди ва зотан мусулмон шари'ати жамиятнинг ягона ва ғаддор „конституцияси“ бўлган мутаассиб-бир замонда буни айтольмас эди ҳам. Аммо унинг, лирик қаҳрамонининг бутун ахлоқи, руҳий кечирмалари, орзу ва излашлари бир „ёри-вафодор“ни ўзига умрдош ва йўлдош қўлмоқ тарафдори бўлганини кўрсатади. Шоир, албатта моногамия (якка никоҳ) масаласини у даврда очиқ қўялмас өди ҳам. Аммо лирик қаҳрамондаги севгининг мантиқий хулосаси шуни тақоза қиласди¹.

Севгини, аёлга муносабатни бу тарзда тавсиф қилиш у давр учун ҳеч шаку-шубҳасиз катта прогрессив аҳамиятга эга эди. Ма'лумки Энгельс, синфий жамиятда хотинларнинг ҳуқуқи чекланганини кўрсатиш блан баробар „Якка никоҳ йирик тарихий прогресс бўлди“² дейди.

Навоийда севги масаласи устида шунча муфассал тўхтаганимиздан кейин бу севги масаласи блан боғлиқ бўлган нотуғри бир тушунчани рад этишимиз даркор. Кўп феодал ва буржуза тарихчилари ва адабиётшунослари Навоийдаги ишқни „ишқи-илоҳий“ деб унинг бутун лирикасини тасаввуф поэзиясининг бир намунаси каби та'бир қилишга уриниб келдилар. Тўғри, фалсафий — диний оқим бўлган тасаввуф ёхуд суфизм тамоман идеалистик бир мазҳаб бўлиб мусулмон оламидаги адабиётларга малум даврларда кучли та'сир қилган. Аммо бу оқим аслида бир бутун мазҳаб бўлмай жуда кўп мактабларга бўлинган. Бунда диний ва неоплатонизмдан тортиб зардустилик, мусавийлик, християнлик ва исломгача ҳар турли мазҳаб ва оқида унсурларини ўз ичига олган тасаввуф фавқулодда қаршилик, мураккаб, зиддиятлик бир системадир. Бу фикримиздан мақсад тасаввуф проблемаларини ечиш эмас, балки тасаввуф ва бадий адабиёт ўртасидаги ўзаро та'сирнинг мураккаб бир процесс бўлганлигини ва бу та'сирларнинг шаблон тамғалар блан ечилиши мумкин эмаслигини эслатиб ўтишдир, Умуман олганда, А. Кримский³ шу тақсимоти тасаввуфда икки қарама-қарши қанотнинг борлиги ҳақита тасаввур беради. Унингча: суфизмда икки асосий оқим бор-биринчиси християн та'сирида пайдо бўлган арабий-муҳаммадий оқимки, бу ортодоксал ислом позициясида туради (Жунайд); иккинчиси Ҳинд-Эрон (ва Ўрта

¹ Навоийнинг ошиқ эпик қаҳрамонлари блан мұқояса қилингиз: Бутув умрларини бир қиз а баҳш этган Фарҳод ва Мажнунлар бу фикримизни кувватламайтими?

² Ф. Энгельс — „Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши 65 бет.

³ А. Кримский — „Хижратнинг III асригача суфизмининг тараққиётин ҳақида“, III. т. 36. Москва, 1893 г.

Осиё) заминида пайдо бўлган оқимки, бу ортодоксал исломнинг фиқҳ қоидаларини парчалаб бид'атга айланган (Бастоми). Бу иккинчи оқим бориб-бориб пантеизм (вижуудия) назариясини ва бид'атни ўзига асосий қўлланма қилиб олди. „Фарб-ислом оламида „тасаввуф“ сўзи остида мистицизм, шарқ — ислом... оламида эса пантеистик илоҳият кўзда тутилади”¹. Араб халифалари га қарши маҳаллий ҳалқларнинг қуролли курашлари ҳам (масалан Муқанна) пантеистик шиорлар остида ўтганини Кримский кўрсатади². Бундан бошқа мазлум синфларнинг (у даврда деҳқонларнинг ва шаҳар косибларининг (феодализмга қарши курашлари у замоннинг тақозасига кўра диний пардальарга ўралганини биз тарихда кўп учратамиз. Энгельснинг шу қайдини эсга олайлик: „Феодализмга қарши инқилобий оппозиция бутун ўрта асрлар бўйича давом этиб боради. Шароитга қараб, у гоҳ мистика, гоҳ — бид'ат ва гоҳо — қуролли қўзғолон шаклида майдонга чиқади”³. Акад. Бартольд 1441/42 йилда, темурийлар даврида Ҳузистонда ис'ён кўтарган Муш'аш ҳаракати ҳақида муфассал гапириб, охири шундай холосага келади: „Дин байробги остида йуқсулларнинг дун'ёдорларга қарши ис'ёни бўлди”.

Тасаввуфни бутунликда ва ёппасига реакцион дейишнинг нотўғрилигини кўрсатиш учун яна бир масалани олсак бўлади. Расмий исломга нисбатан суфиларнинг хотинларга қараши қандай бўлганини Кримский шундай баён қиласи: „Муҳаммадийлар хотинлардан ғоятда ҳазар қиласидар; қур'он гарчи хотинларни жаннатга киргизса ҳам у ерда уларни фақат хизмат қилдиришни кўзда тутади; мусулмон хотин, ҳатто масжидга киришга ҳам жур'ат қилолмайди. Аксинча, барча суфи адаблари авлиё ва суфия аёлларни мадҳ этадилар ва уларни эркаклардан юқори қўядилар”⁴.

Юқорида айтилганлардан чиқариладиган холоса иккидир. Биринчи: тасаввуф бир бутун воқиа эмас, иккинчи: тасаввуфнинг сул қанотлари ўз даврида тараққийпарвар роль ўйнаганлар. Оппозицион суфилар расмий ва бюрократик динга қарши яна дин қуроли блан курашганлар.

XV асрда темурийлар давлатларида кенг ёйилган нақшбандия ва ҳуруфия оқимлари понтеистик қарашларга эга эдилар. Буларнинг ақидасига кўра коинот яралмасдан илгари бор бўлган азалий вижудмутлоқ (тангри) дир. Бу олам унинг жилвасидан пайдо бўлди (тажалли ёки эманация назарияси). Бутун аш'ё ва маҳлуқлар ва шу жумладан инсонлар вижуди-муглақнинг тимсолидир. Аммо худо инсонни энг мукаммал ўлароқ

¹ А. Кримский — „Эрон, унинг адабиёти ва дарвиш теософиясининг тарихи”, 79 бет. Москва, 1903 йил.

² А. Кримский — „Хижратнинг III асригача суфизмнинг тараққиёти ҳақида 29 бет.

³ Маркс ва Энгельс асарлари. VIII т. 128-129 б.

⁴ А. Кримский — „Хижратнинг III асригача суфизм...”, 15 б.

ва ўзига ўқшатиб яратгани учун у „ашрафул — маҳлууқот“ (ян'и маҳлуқларининг энг шарафлиси) дир¹.

Ҳирот доираларида XV асрнинг иккинчи ярмида Абдураҳмон Жомий бошлиқ нақшбандийлар гуруҳи жуда зўр бир обруга эга эди. Ўзини фалсафа ва умуман ма'navиётга алоқадор деб билган ва ёхуд шундай кўринишни хоҳлаган ҳарбири киши, (аксариян „ориф“лар, я'ни интеллигентлар) ўзларини суфиликдан хабардор, балки „мутасаввиф“ (суфинамо) қилиб кўрсатиш блан, бутун шарқда жуда улуғ шуҳрат әгаси бўлган А. Жомийга „пирим“ деб қўл бериш блан ифтихор қиласар. Шунинг устига бу даврнинг нақшбандийлари гарчи аскетизмни (тарқ дун'ёликни) амалда ташвиқ қилмасалар ҳам қадими пантеистлардай расмий исломга қарши курашдан ҳам въз кечган эдилар. Бу тўгарак кўлинча фалсафий-адабий мунозара ва сұҳбатлар учун клуб ролини ўйнар эди. Навоий ўзи ҳам Жомийга қўл бериб унга муридликни қабул қилган эди. Лекин Бартольд тўғри кўрсатганидай бу суфилик фақат зоҳирий эди. У сўфилик низомномасига берилиб зуҳдга ўтиш нарида турсин, балки аксинча „ўша йилларда, ил ариги ва кейинги йилларга нисбатан давлатда каттароқ аҳамиятга эга бўлиб Султон йўқ вақтларда пойтактни идора қиласар эди“.

Ҳиротда шоирлар ва орифлардан ҳаркимнинг сўфиизм назариясига қизиққани, айтиш мумкинки, бир мода шаклини олган эди. Навоий ўзи ҳам ўз замондошларидан шоир Мавлоно Муқимий ҳақида гапирганида унинг „Сўфия истилоҳидан виқуфи ҳам бор эрди ва бу тоифа истилоҳига мувофиқ туркӣ-гўй эрди“ дейдикни бу характеристи ма'lумотга кўра, у даврда сўфилик терминларини билган кишилар ше'рда бу терминларни қўллаб асар ёзиши бир мода ҳолига кирган эди деяоламиз.

Албатта Навоий лирикасига тасаввуф қарашларининг ма'lум та'sири бўлган. Зотан „Фароиб“нинг биринчи ғазали тамоман сўфиёна руҳда, пантеистик ишқи илоҳий ғоялари блан ёзилган.

Шоирчининг ба'зи бир ғазалларida ҳақиқатан ҳам сўфиёна қарашлар, „ваҳдат“, „мавжуд“ ва „вижуд“, „пок ишқ“ каби та'бирлар, тасаввуф руҳидаги кайфиятлар учрайди:

Ҳақ тилар бўлсанг Навоий силк дун'ёдин этак,
Ишқинг ўлса пок қўйма ўзни бу мурдор аро.

Ҳақни (тангрини) бу мурдор дун'ёда эмас, балки пок ишқнинг шарофати блан „фано“ да (ўлмида) топиш керак деган тезис пантеистларнинг программавий шиорларидан дир-

¹ Пантеизмнинг бу тезисларини мантиқий равишда охиригача давом этдириб „аналҳақ“ (мен тангри) да восини кўтартганлари учун Мансур Халлож (IX аср), Боязид Бастомий (IX), Фазлуллоҳ Наимий (XIV), Насимий (XIV) ларнинг ҳукмронлар томонидан ўлдирилиши бу идеалистик да'вонинг ўзи ҳам расмий дин арбобларини ва ҳукumatдорларни қанқалик чўчитганини кўрсатди.

Еки:

Қути-ботин истаким, зоҳир ғидоси бирла таб' —
Бир замон гар топса лаззат, бир замон кўрмас лазиз.

Жисмоний-моддий ҳаётни зоҳир деб бунга қарши абадий бўл
ган ботин (ма'навий—руҳий олам) ни қўйиш каби ўтакетган иде.
алистик концепция ҳам сўфиларнинг асосий да'волариданdir.

Еки:

Дер Навоийки ғайр эмас мавжуд,
Турфа сўё „лоилоҳо илло ҳу“!

Бу ердаги „ҳу“ лафзи барча сўфиларнинг символидир.

Бу мисоллардан кўринадики, Навоийнинг „Фароиб“ида
шоир кайфият ва қарашларида, ифода ва баёнида тасаввуф
нинг айrim та'сирлари шубҳасиз бор. Лекин бу факт Навоий-
ни сўфи шоир дейишга ҳечқандай асос бўлолмайди. Бу унинг
лирикасида бош хусусият эмас, балки ўткунчи ва тоби' бир
кайфиятдир. Иккинчидан, кейинча кўрадиганимиздай шоир
пантеистларнинг яхши традицияларидан илҳомланиб бу баҳо-
на блан жонсиз ва бағри тош руҳонийлардан, зоҳидлардан,
сохта ва мунофиқ фақиҳлардан кулади, уларни масқара қи-
лади.

Умуман шарқ лирикасини қандай бўлмасин тасаввуфий
ма'нода изоҳлаш методологик жиҳатдан бузуқ ва зарарли бир
традиция бўлиб келар эди.

Навоий лирикасининг асосий қисми инсоний, дун'ёвий сев-
гининг таронаси, ёр фарзандлари бўлган реал шахсларнинг
сувратидир.

Шоир ўз севганини ҳурлардан, унинг уйини жаннатдан
афзал деб ёзган мустазодидаги шу сатрларни кўрайлик:

Ул нодирадинким, лақабин ҳур демишлар,
Хуснинг әрур аҳсан.
Ул манзарадинким, отидур жаннати — а'ло
Кўйинг әрур, а'ло.

Бу ерда очиқдан-очиқ дун'ё гўзали мавҳум образларга
қарши қўйилади. Яна бу мустазоднинг ўзида шоир зуҳду
ибодатдан воз кечиб майхонага ва чиройли ашулачига майли
борлигини иқрор этади:

Зуҳд ичиди топмади Навоий чу мақоми,
Эмди қилур оҳанг,
Ким бўлғай улу бодаю бир турфа муғанни
Муғ кулбаси ма'во.

Ажабо бу образларни (ва бунга ўшаган юзлаб ғазаллар-
даги ёр, маҳбуб образларини) худонинг образи, бу севгини
„ишқи-илоҳий“ деб тафсир қилишга қандай асос бор?

Навоий улуғ романтик шоирдир. Лекин улуг сан'аткорларда умуман бўлганидай реал ва конкрет ҳаёт хоҳ-ноҳоҳ ўз башарасини изҳор қиласди. У мустасно, ихтиросли, романтик характерда, у муболигали ва хаёлий лавҳаларда нақадар ҳаёттыйлик, нақадар сан'аткорона мушоҳадалар бор. Кўп вақт энг нозик ма'навий-руҳий ҳолатни тасвирлаганида шоир энг жонли бир лавҳа блан, ўша даврнинг энг типик ва характерли бир кўриниши блан таққослади:

Чу қўйдинг доғ тиндуурдинг кўнгулни дардин истардин,
Дирам бирла гадони ўйлаким қилгай киши хушнуд.

деб ўқиганимизда, кўзимиз олдида Ҳирот кўчаларида, ё бозорларида тиланиб юрган сарсари бир гадой жонланмайдими?

Оразин кўрдум ниҳон, ашк айлади сирримни фош —
Ёшурун қолмас ўғурилиқ уй аро, ким бўлса ёш.

Буни ўқиганимизда турмушдан олинган оддий факт эсга тушмайдими? Ота-оналаридан рухсатсиз бола уйда бирон арзимас нарсани олгану лекин ёш бўлгани учун сирни яшиrol-масдан қўлга тушган.

Қоши кўнглум ўғрисидур роки' ўлмоқ не суд,
Ўғри бош солғач қуи бордур далил э'тироф.

Буни ўқиганимизда ўзимизни Ҳирот қозихонасига, жинояти устида қўлга тушган ва уялганидан бошини қуи солиб турган ўғрининг судида тамошобин сезмаймизми?

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири-дайр,
Айлагил май шишасидин синдируб айнак менга.

Бу байтда катта ма'рифат, бизлар учун катта янгилик бўлган бир справка берилади. Ҳозиргача биз бирон тарихий ма'ҳазда, хотираларда, ёки сувратларда XV аср кишилари кўз ойнак тақиб юрганини учратганимиз йўқ. Аммо Навоийнинг шу байти у замон Ҳиротда кўз ойнак қўлланилганидан очиқ дарак беради.

Навоий ғазалларида ва бошқа лирик ше'рларида реал деталлардан юзлаб мисол топиш мумкинdir.

„Ғароиб“нинг қаҳрамони ҳаётни, дун'ё лаззатларини севади. У ёр васлидан, баҳт ва ишқнинг мұяссыр бўлишидан шод, қувноқ ва муташамкирдир. Гедоник¹ бир тарзда ёзилган ва анакреонтик лирикага мукаммал бир ўрнак бўладиган ғазалнинг ҳар мисраи ва ҳар байти ҳаёт ва баҳт нашидасидир:

¹ Гедонизм — дун'ё лаззатларини ҳаётнинг мақсади деб тушунган фалсафий оқим.

Менмудур менким, сенинг васлинг мұяссардур менга,
Бахти-гұмрақдин қачон бу қисса бовардур менга?
Хақ тануқдириким тириклиқдин менга сенсен мурод,
Йүқса оламнинг йўқу бори баробардур менга.
Не учун базми-висол ичинда ичмай бодамим,
Кўзию оғзи бу кун бодому шаккардур менга.

Ҳаёт ва бахт орзуси шоирнинг ирода ва ғайратини пухта қиласи, уни бахтли ҳаёт топишга йўллади:

Не хўш бўлгай иковлан маст бўлсак васл боғинда

деб бошланган ғазал бахтнинг илтифотидан баҳраманд бўлган қаҳрамоннинг тилакларини тасвирлаган кучли ғазалdir.

У бахт ва висолнинг мұяссар бўлажагига умидвордир:

Ҳижрону висолин кўпу оз, дема, Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолибтур.

У эришилган бахт базмida ўтган битган қайғуларни тилга олишни номуносиб ҳисоблайди:

Васлида жонимга ҳажридин не келганни демон,
Ким фараҳ² базмida зикр этмак әмастур қайғу хуб.

Турмушда расмий исломнинг зуҳду тақво шартларига риоя қилишни талаб қилиб айтилган насиҳатларга шоир енгил ҳазил блан „насиҳат аҳли“ни писанд қилмай дегандай ҳозир жавоблик блан луқма ташлайди:

Насиҳат аҳли менга дерки, майни тарк эт, ваҳ
Илик олиб келур оғзим ичар, менга не гунаҳ.

Умрни, у, хилқатнинг әнг азиз бир тўҳфаси деб билади ва унинг қадрига етишга чақиради:

Жондин сени кўп севармен эй, умри-азиз,
Сондин сени кўп севармен эй, умри-азиз.
Ҳар неники севмак андин ортуқ бўлмас —
Андин сени кўп севарман эй, умри-азиз!

Ҳаётий лаззатларнинг реал лавҳасини шоир „ўт солур эл жонига...“ деб бошланган ғазалида жуда яққол тасвирлаб беради. Бу ерда қиши кечаси, шароб кўтариб най ва ашулачини әшиитиб сұхбат қилаётган дўйстлар мажлиси фавқулодда бир ҳаққоният блан яратиб берилган.

² Фараҳ — хурғандчилик.

Яна:

Икки ҳамдамким эрур май базм аро ҳамдамлари
Топмасун биздин малолат хотири-хуррамлари —

матла'и блан бошланган ғазал ҳам ҳаёт ва бахтнинг кўп нафис нашидасидир.

Ҳаётни оңглаган, унинг лаззатларидаги буюк илҳомбажш ва ижодий қудратни билган Навоий бундай умрни зийнатли бир китобга ўқшатади ва бу китобнинг сарлавҳаси бақо (абадият) муҳри блан босилишини орзу қилиб шундай фикран чуқур ва бадиий жиҳатдан юксак байт ижод қилади:

Хуш, зийнати кўб номадуур умр ва лекин —
Тавқи, бақодин анга унвон керак әрди.

Бутун бу оптимистик куйлар, бақувват ҳаётчанлик, толи'нинг ба'зан илтифотларидан баҳраманд бўлиб ёрқин, масрур ва мамнун лирика яратиш Навоийни классик поэзиямизда¹ мустасно бир мавқи'га қўяди. Лекин шу блан бирга ҳассос, инсонпарвар ва виждонли бир шахс бўлган шоир турмушдаги разолатлардан, ноҳақнинг ҳақни ҳақорат қилишидан, инсофизикдан кўз юмаолармида? Йўқ. Чунки у шахсий кайфлар қобигига бекиниб қолиб әл ва одамлар дардига бепарволик кўрсатадиган ҳудком (эгоист) эмас эди. Ижтимоий ҳаётдаги истибодд ва турғунлик, умидсизликни, тарки-дун'ёликни турдиради. Ленин „Аскетизм, зулмга қаршилик қилмаслик ва пессимиzmнинг чуқур куйлари“ни „шарқ тузумининг, Азия тузумининг идеологияси“ блан боғлади². Типик шарқ тузуми, феодал жамияти бўлган Хурросонда ҳам бу идеология ҳукмфармо бир вазиятда эди. Бутун ҳаётнийлик ва оптимизмiga қарамай Навоий ҳам бу мафкуранинг та'сиридан қутилолмасди. Бинобарин унинг лирикасида пессимиzm элементлари ма'lум ва жиддий ўрин оладилар. Бунинг сабабини шоир ўзи бир ғазалида кўп очиқ ва тўғри изҳор этган:

Эрур мақсад-йироқ, води-узун, тун-тира, йўл-бўртоқ.

Шунинг учун шоир ба'зан чуқур умидсизликка тушиб ҳайқиради:

Ваҳки, ҳар соат бўлурмен васлидин еткач нувид
Ёрдин умидвор, аммо ўзимдан ноумид.

Бу гўзал ҳаёт боғида қарғалар ўзига уя қилганлари учун шоир умуман бу дун'ё боғини ташлаб кетишга қарор қилади:

Эй Навоий, даҳр боғидин қутилмоқ истаким,
Булбул учқон яхшироқ зоғу заған ма'восидин.

¹ З. Бобирдан қат'и — назар.

² Ленин — асарлар, XV т. 101 бет.

Набоий дун'ё бөғига қўнган қарғаларни яхши сўз та'сири блан қувмоқчи бўлди. Чунки у сўзининг фисункор қудратига йишонган идеалист эди. Бу метод та'сир қилмагач у умидсизликка тушди. Чунки у ҳақсизликнинг туб сабабини билмас эди ва билолмас эди. У, масала айрим ёмон шахсларда әмас, балки эксплоатация асосида қурилган жамиятда эканини билолмас эди. Бу унинг айби әмас, фожиасидир. „Умидсизлик, ёмонликнинг сабабини тушунмаган, нажот йўлин кўрмаган, курашга ноқобил бўлган кишиларга ҳосдир“¹ (Ленин).

Владимир Ильич, бундай умидсизлик кайфиятларига қарши ўлароқ чинакам курашchan революцион синф бўлмиш сансат пролетариатини қўяди. Агар биз XV асрда уюшган революцион синфининг ва илмий социалистик назарияларнинг йўқлигини ёсга олсак Навоийнинг узри ҳам, хизмати ҳам бизга равшан бўлади. У „ёмонликнинг сабаби“ни тушунмагани учун бадбинликка тушади ва лекин шу блан бирга ўз ше'рий қороли блан одамларга яхшиликни талқин қилишга уринади. У ўз ўткур сўзи блан ёмонликнинг илдизини бўлмаса ҳам, меваларини қуритмоқча ҳаракат қилиб, халқнинг кўзини очишга хизмат қиласди. Динни әмас, дин ҳодимларини, халқни ма'navий асоратда сақлаган бу руҳоний жаллодларни фош қиласди. Бу жиҳатдан олганимизда унинг лирикаси, чин граждан лирикаси даражасига кўтарилиб тор интим кайфиятларни әмас, ижтиёмий — актуал масалаларни қўяди. Биз юқорида Навоийнинг лирик воситалар блан адолат, ватан образларини яратганини муфассал айтиб ўтган эдик. Энди шоир юмор ва сатирани ҳам ўз лирикасига киргизганлиги устида икки оғиз гапириш керак. Бу факт, унинг воқи'ликдаги турли ҳодисаларга турлича муносабатда бўлганини ва ўзининг лирик созини тарбиявий-ахлоқий-танқидий қурол сифатида тушунганиви кўрсатади.

У, халқقا панду насиҳат қилишдан олдин халқни әшитиш, унинг дардларини билишни талаб қиласди. Ҳалқ аҳволини билмай туриб „донишмандона“ бир шева блан халққа устозлик қилмоқчи бўлганлардан кулиб, у, аввал ўзинг ҳалқдан ўрган, сўнг-ра насиҳатгўйлик қил, дея талаб қиласди:

Эшитмай халқ пандин турфаким, панд әлга ҳам дерсен,
Қилаолсанг әшитгил панд сенким, элга бермай панд.

У, одамлардан тўғриликни ва ҳаққонийликни талаб қилиб икки юзламачиликни шундай бир миқоясада танқид этади:

Иккиюзлик бўлмаким, бу боғнинг ра'но гули
Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир саргарур.

¹ Ленин — Асрлар, XV т, 406 б.

У пул ва давлатни ҳаётда мақсад қилиб қўйғанларга мурожаат қилиб дун'ё молига нафси узун бўлган кишиларнинг умри қисқа бўлишлигидан огоҳлантиради:

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб суд ким,
Сим нақди тушса лекин умр нақди қисқалур.

Мана шундай қилиб ўз лирик кечирмалари орқали одамларни яхшиликка, хушахлоққа чақирган шоир, золимлар блан бир қаторда ёлғончи, мунофиқ, баднафс, тама'гар, худбин шахслардан кулади ва бу типларни кўпинча соҳта зуҳду ибодатга берилиб ўз шахсий манфаатларини кўзлаган руҳонийлар орасидан топади. Бу мавқи'да Навоийнинг лирикаси ҳаётнинг бутун мураккаблигини ўз пардаларида чалиб айтучи сероҳанг бир оркестрга айланади. Бу муносабат блан М. Горькийнинг лирик шоир тор мавзу'ларга бекиниб қолмаслиги керак деган маслаҳати эсга тушади:

„Ҳаётда заҳар кўпу лекин асал ҳам бор — буни излаб топабилинг! Ўзингиз ясаган қафасга кўнглингизни қамаб қўйган тор лирик бўлманг. Ҳам юморист, ҳам эпик, ҳам сатирик ва ҳамда соддагина шўх бир киши бўлишга ҳам жур'ат қилинг. Барча мавжуд нарсани олиб буни яна халқа, инсонларга бериш лозим“¹

Буюк Навоий ўз даврида тор лириканинг имкониятлари чекланганини сезгани учун бу традицион қафасни синдиримоқчи бўлиб, лириканинг тематик ва ғоявий сарҳадларини кенгайтириди. Унда юмшоқ табассум блан бир қаторда аччиғ заҳарханда, ёки севгидан фар'ед кўтариш блан бир қаторда пастлик ва разолат устидан хохолаб қаҳқаҳа уриб юбориш ҳолатлари кўринади. „Модомики, поэзия синфий воқи'лик ва шуурни ин'икос этдириш блан чекланмай мафкура соҳасидаги синфий ҳужумнинг ва мудофаанинг бевосита қуроли ҳам бўлиб қолар экан, урфий ва гайри-урфий лирикага тез фурсатда сатира ва сарказм (заҳарханда) элементлари сингиб қолади“². Сатира, ижтимоий-сиёсий бир қурол сифатида турли гуруҳларнинг қўлида турлича рол ўйнаган: демократ-прогрессив кучлар қўлида кулги тараққийпарвар аҳамиятга эга бўлганидай, реакцион-мутаассиб гуруҳлар қўлида жабру жафони адабийлаштириш ниятида хизмат қилган. Навоий ўзи феодал синфга мансуб бўлгани ҳолда, ўзининг инкишоф йўлида прогрессив интелигенция позициясида турди ва борган сайин халқнинг қайғу ва ташвишларига шерик бўлиб демократик кайфиятларни ўз ижодида кўпроқ изҳор қиласлошади. Прогрессив ижтимоий онг-

¹ М. Горькийнинг 1916 йилда арман шоири Тигран Ахумяяга ёзган ҳатидан. Н. К. Пиксановнинг „Горький ва миллий адабиётлар“ китобидан олини. Москва, 1946 йил. 101 бет.

² А. Луначарский — „Лирка“ — „Адабиёт энциклопедияси“ VI т. 385-386 бет.

нинг у шароитда етилмаганлиги бундай пешқадам кишининг ҳам зиҳниятида қарама-қаршиликлар туғдирап әди. Бир томондан у шоқга мухлис; иккинчи томондан зулмни танқид эта-ди. Бир томондан у художў; иккинчи томондан шайхлардан ва муфтилардан кулади. Бир томондан қизгин ва шўх ҳаётсевар; иккинчи томондан ма'юс ва бадбин таваккалчи. Аммо шоирда илфор тенденциялар ижоднинг етакчи омили бўлиб тарақкий-парвар майлларни устун қилиб қўяди ва ундаги гуманистик, демократик, патриотик элементларнинг лирикада ҳам ғалабасини та'мин қиласди. Бу прогрессивлик ва демократикликнинг яна бир ифодаси Навоийнинг сатирасидир. Биз бу ерда, „Фароиб“ даги (ва умуман „Чордевон“даги) лирик қаҳрамоннинг бошқа бир хислатини кўрамиз. Бу, энди юмшоқ, камтар ва мухлис ошиқнияг сози әмас, балки ғазабли, ҳақиқатпарвар ва ростгў гражданиннинг заҳарли кулгиси, ё аччиғ луқмаси ва ёхуд аёвсиз ништаридир.

Эй Навоий, шайхфа шайтон гар афсор урмади —
Бас нега доим қилур ҳазл узун фашлиқ била.

Катта руҳоний бошлиқларга нисбатан шувдай жур'атли портрет яратган шоир буларнинг аслида шайтонга шогирд бўлиб, фисқу-фасад йўлига тушиб кетганларини шундай ўткур масқара орқали фош қиласди.

Атрофига муридлар тўплаб, ҳархил ҳийла ва соҳтакорлик блан ўз давлат ва обруйини кўпайтиришга уринган руҳоний пирлар ва шайхлар ҳақида Навоий кўп ғазал, мурабба' ва бошқа жанрдаги ше'рларида чертиб-чертуб ўтади. Лекин бу типларнинг тўлароқ портретини „Шайх“ радифли ғазалда кўрамиз.

Хонақоҳда халқаи — зикр ичрағавро қилди шайх,
Аҳли-диллар нақди-авқотини яғмо қилди шайх.

У шайхларни, халқнинг ризқу молини талашда айблайди. Шоир ўзининг бундай шайхлардан ихлоси қайтгани учун майхонага йўл олганини айтади. Бу сатирада шайхлар текунхўр, алдоқчи, нодон кишилар сифатида тасвирланади.

„Фароиб“ да энг гўзал ва сермазмун асар бўлган машҳур „Соқинамо“¹ бирқанча фикрлар блан бир қаторда ўткур антиклирикал чизиқса әгадир. Шоир, хилват, зикр ва сажжодаларни кўриб, бу ҳаммаси риё ва мунофиқлиқдан иборат эканини тушинган ва шунинг учун:

„Булардин ўзимни халос айладим“ дейди. Май ичгани учун зоҳид уни койийди, жавобида шоир: шуҳрат учун ва зоҳиран қилинган ибодатдан кўра майни яхшироқ дейди:

Дедим яхшироқ бода ул зуҳддин
Ки қилғай киши шуҳрату от учун.

¹ „Чордевон“ — 225 б.

Зоҳидларнинг аскетик тарғиботига қарши ўлароқ шоиримиз май (бода, чоғир, шароб) образининг намойишкорона равишда маҳтайди. Май унинг назарида ҳаёт символидир. Исломда ман'қилингган бу ичгуликини қастдан куйлаши блан, руҳонийларни писанд қилмаганини қайд қилиб кўрсатмоқчи бўлади¹.

Бутун лирикасида бўлганидай „Фароиб“ да ҳам Навоий виждан привилини асос қилиб олган улуғ, гуманист шоирdir. Унинг лирик қаҳрамони, бу шоирнинг ўз улуғ ҳаётидир. Бу ҳаёт мураккаб, рангин ва ихтиросли бўлгани учун лирик қаҳрамон ҳам шу даражада мазмундор бир шахсиятдир. У ўз замонасининг улуғ граждани образини яраталган наққошдир. Бу лириканинг ўз замонасида шарафли ва тарбиявий ролини ҳамма замондошлари айтади². Ўзининг зўр камтарлигига қарамасдан Навоий адабиётдаги ўз ролини онглар ва шу блан ифтихор қиласр эди:

Эй навоий қилғали таб'аҳли жинси ше'р назм
Назминг ўлди барчасиға қофия балким радиф.

Бизнинг замона учун ҳам Навоий лирикаси улуғ тарбиявий хазина бўлиб совет кишиларидаги олийжаноб ҳислатларни парвариш қилишга хизмат қиласди. Биз Навоийдаги ўтқунчи, реакцион томонларни, тасаввуфий, шоҳпарварлик кайфиятларни рад қиласмиш, чунки бу ҳолатлар бизнинг ҳалқимиз тарихи учун абадий босиб ўтилган босқичлардир. Биз шоирдаги пессимистик кайфиятларни онглаймиз, булардаги тарихий-ма'рифий материалларни ўрганамиз, аммо тарбиявий қурол сифатида фойдаланмаймиз. Чунки „дун'ёвий алам фалсафаси бизнинг фалсафа эмас“ (Сталин)³

Аммо биз ўлмас Алишернинг юксак инсоний куйларини: ундаги ватанпарварлик, гуманизм, садоқат, дўстлик, вафо, камтарлик куйларини олиб замонамизнинг буюк таронасиға қўшамиш.

¹ Йўқса Навоий лирикасида май кўп куйланганини кўзда тутиб шоирни ҳаётда доимо „масти мудом“ каби тасвиirlаш хотугри бўлар эди. Ҳолбуки Навоий ўзи Султонга ёзган хатларida „дар неча ичмак ишида ихтиёт“, „барча хуш'ёрликка вобастадур“, „жами“ ёманлиғ чоғирдин мутаввалуд бўлур“ деб маслаҳатлар беради. (Қаралсин: „Муншоот“ 56 б). Лекин Навоий шаробдан пархиз қиласр эди деб ҳам ўйламаслик керак.

² Восифийини „Бадойиул-вақоӣ“ ила Навоий мустазодларининг бутув Ҳиротда айтилғани, Ҳондамирининг „Макоримул-аҳлоқи“да кўл мамлакатларда Навоий ше'рлари ўқилгани сўзлавади.

³ Сталин — асарлар, VI т.—273 б,

ВОҲИД ЗОҲИДОВ

НАВОИЙ „ФАРҲОД ва ШИРИН“ ИНИНГ ФОЯВИЙ МОТИВЛАРИ

„Фарҳод ва Ширин“ (1484 й.) Алишер Навоий „Хамса“ сининг иккинчи поэмаси, тӯғрироғи — шे'рий эпик романи бўлиб, ше'рият доҳосининг улуғвор обидаси ва ўз замонининг энг илфор, ажойиб фикрларининг хазинасиdir.

Навоий „Фарҳод ва Ширин“ниг бош қисмida ўзининг улуғ салафлари томонидан айтилганларни такрорламасдан, бутунлай оригинал асар яратишга интилганлигини та'кидлаб ўтади. У, бу foят оғир вазифани катта муваффақият блан бажарди ва реал ҳаёт масалаларини, янги замон вазифаларини, ўз даври ҳам ҳалқининг талабларини акс этдиручи юксак асар яратди.

„Шундай бир нарсани назм қилғилки, — дейди Навоий ўз-ӯзига, унинг режаси тамоман янги бўлсин, ўқиган элнинг ҳам унга жазби чегарасиз бўлсин. Бўлмаса, бошқалар назм қилғанинг тақрор қилабериш сенга лойиқ эмас... Киши айланиб юриб, очилган гулларнинг ҳаммасини териб олган гулзорда гул ахтармоқ яхши эмасдир. (Чунки) бу бўстон саҳнида (ҳали ҳам) гул ҳам кўп, чаман ҳам кўпдир“. Мана шу ўзга, янги гулзордан Навоий хушбўй, гўзал янги гуллар терди. Унинг „Фарҳод ва Ширин“и эса шу гуллардан ясалган жозибали янги гулдастадир.

Навоийнинг ўзи бу поэмани ёзишдан илгари тарихий, ҳаётний ва асарга алоқадор бўлган материалларни ўрганиш ўстида узоқ вақт қунт блан ишлаганлигини қайд қилиб ўтади. Шу туфайли ва шунингдек унинг (Навоийнинг) ҳалол, олийжаноб, аммо эзилган ва захмат чеккан ҳалқ оммасига бўлган самимий севгиси, соғлом ақл мадҳиясига сазовар фазилатларга бўлган улуғвор муҳаббати натижасида у, жаҳон поэзияси дурдонала-рининг энг биринчи қаторидаги асарлар орасидан жой олишга лойиқ бўлган ажойиб асар яратабилди.

Четдан қараганда, „Фарҳод ва Ширин“ фақат икки ошиқ-

ма'шуқнинг тор ма'нодаги севгисигагина бағишланган ва символизм ҳамда сирли фикрлардан ҳоли бўлган асардай бўлиб кўринади. Ҳақиқатда эса, бундай эмас. Навоий жуда кўп жойда катта миқёсда ижтимоий-фалсафий мундарижага эга бўлган, ғоят кенг ва чуқур ғояларни асарга киритган ва уларни оддий кўз кўрмайдиган даражада усталик блан символик формаларда берган. Бу ғоялар ўша замон шароитида катта жур'ат бўлганидан, Навоий уларнинг ба'зиларини пардали равишда ифодалаш блан ҳатти-ҳаракат қоидаларига ҳам риоя қилган.

Бу севги, унинг об'екти, ихлосмандлари, Фарҳодлар, Ширинлар, Шопурлар ва улар орқали Алишер Навоий, уларнинг энг яхши ғоялари феодал жамиятнинг ҳукмрон шароитлари томонидан рад қилинган ва топталган эди. Навоий бу асарининг бош қисмида ўзининг ҳам Фарҳод каби севганини эслатиб ўтади. Навоийнинг сўзларидан англашиладики, худди мана шу кенг ма'нодаги севги, унга мафтунлик ва интилиш, унинг принциплари учун кураш маслаги, уларни ёқлаш, уларга вафодор бўлиш, қисқаси, у замонларда э'тиборсиз қолдирилган, ҳуқуқсизлантирилган, хўрланган бечора инсонни ҳимоя қилиш — „Фарҳод ва Ширин“ни яратган омиллардир.

Навоий „Фарҳод ва Ширин“ининг асосий мавзу'и ҳечқандай изчилисизликни билмайдиган, ҳарқандай қаршилик ва тўсиқларни писанд қилмайдиган самимий, олийжаноб ва соф севгидир. Лекин, у, шу вақтгача тадқиқодчилар та'кидлаб келгани дек, оддий, икки севишган шахслар — аёл блан эркак — ўтасидаги фардий муносабатлар доирасидан ташқари чиқмайдиган тор ма'нодаги севги эмас. „Фарҳод ва Ширин“да намойиш қилинган севги специфик характерга эга бўлиб, у, жуда кенг, ижтимоий — сиёсий ва фалсафий категорияга айлантирилган. Бу севги энг яхши фазилатлар ва инсоний хислатларни ўзида мужассамлантирган кишининг (жинисидан қат'ий назар) худди ана шундай кишига бўлган муҳаббатидир. Бу — чин инсон нуқтайи назаридан мақтовар сазовар бўлган ақлий ва ажойиб ҳисларини, ғояларини севишидир.

Даҳшатли мустабид шоҳ Хисрав Ширинга совчи юборганида, (Ширин) қўйидагича жавоб беради:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсан, ушбу басдур.

Я'ни: 'мен „маҳбуб“ ва „севги“ сўзларининг фақат тор, оддий, майший ма'носини ифодаловчи ошиқликни ахтармайман ва севалмайман: мен шу тор ма'нодаги севги одами эмасман, менинг севгимни пастарин ҳислар, хирс ва айрим шахс — аёл кишига хос бўлган қизиқишлилар туғдирган эмас, менинг ишқим шуларнинг ҳаммасига мұяссар бўлиб, ўша блан қаноатланишни мақсад қилиб олмаган. Йўқ, мен инсонман ва шунинг учун чин инсоннигина севучи, севгилиси учун қурбон бўлишга ҳам

тайёр турган, олийжаноб инсонга хос ҳисларга әга булған инсоннигина ахтараман ва фақат шундай инсоннигина севишим мүмкін. Мен шундай инсонман, Фарҳодни ҳам мана шундай инсон деб биламан. Шунинг учун мен уни севаман. Мен агар мана шундай одамларимча қолсам, менга шунинг ўзи кифоя.

Ширин худди шу ўз принципини яна бошқа бир ўринда, Ширинга әришиш мақсадида ўз отасини қатл қилиб ўзини подшо ә'лон этган, Фрибгар ва Муттаҳам Ширияниңг элчисига берган жавобида ҳам баён қиласы:

Қатиликим атонгдин кўрди бедод,
Бори вишқа аҳлиниңг сар ҳайли Фарҳод.
Бўлуб ишқим камандининг асири,
Мен аниңг ишқи бандининг асири.
Бу икки ишқдек ҳар лавсидин пок,
Керак кўрмайдур аркин давр афлок.
Мениңг ишқимда қилди тарки жон ул,
Адам сар манзилин қилди макон ул.
Аниңг ҳажринда мен бемору бедил,
Қуши менким қилурлар ним бисмил.
Эрур за'фим доғи аниңг ғамидин,
Халоким доғи аниңг мотамидин.
Ки ишқимдан аниңгдек фарди олам,
Вафо бобида ғам парварди олам.
Ўлуб мен қилмасам зоҳир вафоий,
Ғамидин тутмасам сўгу азоий,
Кўнгилниңг айтким не ҳоли бўлғой
Нечук аниңг ғамидин холи бўлғай.

„Фарҳод ва Ширин“даги севгининг мана шундай кенг ижтимоий ма'нодаги севги эканлигига яна бир мисол: Фарҳодниңг кўнглида севги аломатлари унинг Ширинни кўришидан анча илгари ўрин оладилар. Бунга қадар у на Ширин ҳақида, на унинг борлиги ҳақида мутлақо ҳеч нарсани билмас эди. Бу аҳволда — у, албатта, Ширинни севиб қолиши мүмкин эмас эди. Бундан ташқари унинг (Фарҳодниңг) отаси унга ўз тахтини тақдим қилмоқчи бўлгандандо, у ўзининг турмуш ҳақиқатларини англаб етмагани, давлат ва мамлакатни идора қилиш усулларини билмаслиги, оқу қорани ажратоолмаслиги, ўз севгиси ва дардининг сабаблари, ҳатто унинг об'ектини ҳам ҳали аниқ тасаввур қилаолмаслигини ва бошқаларни сабаб қилиб, отасининг бу таклифини рад қиласы.

Лекин буларга қарамай, бир нарса равшан эди: у ўз ватанида нимадандир норози ва унинг доираси Фарҳод учун жуда тор бўлиб кўринар, халқниңг вазияти унга жуда аянч бўлиб туйилар, уни ўз миқёси ва вазифаси э'тибори блан улуғвор бўлган қандайдир янги ва олийжаноб бир нарса ўзига жалб қиласар, бошқа нарсалар эса (на шоҳ отасининг битмас-туғанмас бойликлари, на шоҳона тожу-такт, на данғиллама саройлар,

لارин қалыпташылар көзин
Көбіан ғашында көмбіа көзин

Болар жүрінде айылкүй алар
Фаланда болғанда көзинде



ФАРХОД тог кесиб, ариқ очмокда.
(1824 йыл Фаргона құл'засасидан)

на тинимсиз базмлар ва на кайфу-сафо) уни мутлақо қызынкы тирмас эди.

... Күриб чин ишқ ошиқлиқ мақолин,
Топиб ошифта маңзун күнгли ҳолин,
Анинг шархини такрор айлабон күп,
Үқурда нолай зор айлабон күп.
Бўлуб ошиқ ғами шархида ғамнок,
Яқо чокин ўқуб, айлаб яқо чок.
Ким этса дардидин оз-оз ривоят,
Қалиб ул дард анга кўп-кўп сироят.
Киши кўнглин билиб афгор йиғлаб,
Не кўзда ашк кўргач зор йиғлаб.
Ҳаким ул ишда қилиб лол ҳардам,
Қилиб авдин юз истид лол ҳардам...
... Анга тенг подшоҳлиғ, ё гадолиғ,
Гадолиққа тенг этмай подшоҳлиғ.
Деман ким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзя поку ўзи пок...
Анинг сори совуқ ел эсса ногоҳ,
Чекиб Чин мулкининг халқи оҳ“.
„Бировким зори йиғлаб, йиғлаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор“.

Шундай қилиб, ўз шубҳаларини тарқатмоқ, чин ҳақиқат, ҳамда ўз интилишларининг об'ектига эришмоқ, ҳақиқий ҳаёт ва дунъёй масалаларни тўғри англаб олмоқ мақсадида фан ва ҳикмат ўлкаси бўлган Юнонистонга йўл олади ва зўр тўсиқларни енгиг ҳам ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатиб, „Ойи-наи Искандар“ни қўлга киритади:

Ки Искандарни олиб етти кишвар,
Худуди бохтардин то баҳовар.
Жаҳон очмоқдаким кўб ранж топиб,
Валекин ҳар не нақди ганж топиб,
Тилсим айлаб бу гардунваш ҳсорин,
Қилиб маҳзан ҳсори ичра борин.
Бори маҳфи умр изхори анда,
Жаҳон ҳислати равшан бори анда.
„Сафо бобида миҳри ховари ул,
Не миҳр, ойнайи Искандарий ул.
Садафда дурри байзо чаҳр янглиғ,
Фалак сандуқи ичра миҳр янглиғ.
Ҳакимиким нигор айлаб трозин,
Ёзибки ичида борча маҳфий розин.
Ки бу мир'отиким, гети намодур,
Анга хуршидча нуру сафодур.
Эрур Искандари Руми вигори,
Жаҳон аҳлиға анинг ёдгори.

Ки айлаб тўрт юз доно била жаҳд,
Алардин ҳарбири Афлотунга ҳам аҳд,
Спехр аҳволининг соҳиб вуқуфи,
Жаҳоннинг кори банди Файласуфи.
Топиб афлоку анжум толин туз,
Бу кўзгу сан'атига қўйдилар юз.
Неча йил ранж тортиб бемадоро,
Бу пайкор нақчи бўлди ошкоро.
Бу кўзгуким эрур ҳикмат жаҳони,
Тилсимидур шгарф анда иҳони.

Шундан сўнг Фарҳод тамомила шаклланган, ўз маҳсад ва вазифаларини англаб олган, ҳамма нарсани тушина диган, Навоийнинг тушунччасидаги идеал ва мукаммал инсоннинг намунаси га айланади. У ўз ватанига қайтатуриб, „ойинаи Искандарнинг бу тусдоши“ (Навоий) да гўзал ва озод Армания тогларида „гўзаллар маликаси“ Ширин ва ўзининг аксини кўрди. Бу ўринда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш зарурки, Ширин фақат одамгина бўлмай, балки Навоий тасаввуридаги бутун фазилатлар, барча ажойиб ҳисларнинг киши образидаги символистик мужассамидан ҳам иборатдир.

Демак, Фарҳод фақат эмперик инсон — Шириннинг эмас, балки у орқали барча ақлий ва идеал фазилатларни севади ва унга томон интилади. Ўз наебатида худди мана шу та'бини Фарҳодга ҳам татбиқ қилиш зарур. У, Навоийнинг фикрича, бир томондан, „шахс, иккинчи томондан эса, унинг образида Навоий барча яхши ва ажойиб ҳислатларни мужассамлантирган. Демак, Ширин Фарҳодни фақат ўз маҳбуби ва оддий севган кишиси дебгина эмас, балки даставвал ва асосан, барча улуғвор ва ажойиб фазилатларнинг мужассами, символи деб ҳисоблайди. Фарҳод шахсиятида Ширин олийжаноб инсоннинг ва шунинг учун — ошиқнинг ажойиб намунасини кўради. Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ поэмаси мана шундай интилишга, жаҳолат ҳукмрон бўлган бир даврда унинг учун курашта ва мана шундай улуғвор севгига бағишланган асардир.

II

Навоий ўзининг бу асарида диний-сўфиёна мистицизм, фатализмга зид ўлароқ, жаҳолатга қарши ва инсоннинг ҳуқуқ ва бахти-саодати учун, унинг ҳаётий манфаатлари ҳам қадр-қимматини ошириш, шахс ва виждан ҳурлигӣ учун кураш масалаларини илгари суради. У севги foяларини ва инсонга содиқликни, унинг (инсоннинг) кундалик ҳаётини қондиришга хизмат қилучи foяларни ҳимоя қилишда ва амалга оширишда ботирларча курашишини, ёвуз тақдир олдида бўйин әтмасдан, балки ла‘нат остига олиш ва унга қарши курашишини тарғиб қиласди. У, олийжаноб интилишларни ва соғ кўнгулли, холис фикр кишиларнинг эркинлигини бўғучи қора кучларга қарши

кучли норозилик билдиради. Унинг севимли қаҳрамонлари ра-
зил ижтимоий воқи'лик ва ёвуз кучлар томонидан "тақдим"
этилган бутун пасткашликларга қаршиликсиз бўйсуниб, булар-
ни ўзгармас, қат'ий ҳукм тарзида қабул қилучилардан эмас.
Аксинча, уларнинг деярлик ҳаммаси ўз мақсадларига әришиш
учун ҳеч нарсани писанд қўлмай, ҳатто ҳалокатдан ҳам қўрқ-
май, изчил равишда ва қаҳрамонларча ҳаракат кўрсатадилар.

Навоийнинг ижобий образларида олийжаноб ва ҳалол ин-
сонга муҳаббат бепоёндир.

Фарҳодни мисолга олайлик.

Фарҳод инсонни энг самимий ва оташин муҳаббат блан се-
вади, шунинг учун барчага ма'lум бўлган, ҳарқандай тасвир
ожизлик қиласидан унинг Ширинга бўлган чуқур ва чексиз
муҳаббати ҳақида ортиқча сўзлаб ўлтиришга ҳечқандай ҳожат
йўқ. Бу сенги ҳечқандай чекни билмайди, тўсиқ олдида тўх-
таб қолмайди ва разолат блан асло келишаолмайди.

Ўзи ва ўз манфаатларини ўзга киши ва унинг манфаатла-
рига қарама-қарши қўйиш эмас, балки мана шу ўзгача хизмат
қилиш, уни баҳтли қилишга интилиш, ўзини фақат ана шу
ўзга кишини баҳтли қилганидагина баҳтиёр деб ҳисоблаш;
ўзгани саодатманд қилишда ўзлигини унитиш, ҳатто талаб қи-
линса, ўзганинг саодати учун қурбон бўлиш—бу, Фарҳод сев-
гисининг энг асосий белгиларидан биридир. Навоий ёзади:

„Бирорким зор йиглаб, йиглаб (Фарҳод В. З.) зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор.
Чиқориб сўзлуғ сўз бошидин дуд,
Совуқ оҳ айлаб оҳин оташ олуд.
Бўлуб эл авдуҳидин кўнгли ғамнок,
Яқо чокин кўриб кўксин қилиб чок“.

Бошқа бир ўринда Навоий Фарҳоднинг гуманистик қиёфаси
ҳақида ва унинг разолат символи бўлмиш Хисрав лашкарини
қириши ҳақида гапирап экан, қуйидагиларни ёзади:

Бу ишлар бор эди мардуди онинг,
Вале изҳоридин мақсуди онинг.
Аоди хайлени қўрқутмоқ эрди,
Алардин ўзни салим тутмоқ эрди.
Йўқ эрса йўқ эди мумкинки ул зор,
Етургай пашшанинг парриға озор.
Бирорга етса эрди чарҳдин ганж,
Бу андин кўп бўлур эрди алам санж.
Зоифи чекса эрди дардлиғ оҳ,
Би тортор эрди юз минг жонгоҳ.
Не мумкин энди ул маҳзун ишига,
Ки эндин бир алам еткай кишига.
Вале а'дони қўрқутмоқ футури,
Анга жон воҳмидин эрди зарури.

Ки жонким андадур жонон вафоси,
Нечук қилғай ани душмон фдоси.
Шукуҳидин етиб бийм аҳлига бийм,
Кўруб таслими, андин аҳли таслим.
Бориб дармондалар қошига анинг,
Тўкуб кўз ёши кўз ёшига анинг.
Топиб андин навозишлар гедолар,
Кўруб ҳардам наволар бенаволар.
Аёққа гар тикон кирса нҳона,
Тилаб мужгони бирла чекса они.

Эронли босқинчи қонхўр шоҳ ҳисрав Шириннинг ҳам унинг мамлакати ва халқининг баҳти саодатига, озодлик ва орномусига тажаввуз қилганида, Фарҳод унга қарши унинг сонсизсаноқсиз лашкарларига қарши жангга киради ва бирин-кетин қақшатғич зарба берабошлайди. Фарҳодни жанг майдонида куч блан енгиб бўлмаслигига қаноат ҳосил қилган Хисрав макру ҳилалар блан уни асир олишга муваффақ бўлади ва Салосил қўрғонига қамайди. Хисрав қўрғонга қўйилган соқчиларга агар улар Фарҳодни қочириб юборсалар, барчасининг кулини кўкка совуражагини та'кидлайди. Лекин соқчилар тез орада Фарҳоднинг бегуноҳлигини англаб оладилар ва унга: Хисрав бизларнинг ҳаммамизни қиличдан ўтказса ҳам розимиз, броқ сен қочиб куттил, биз сенинг қочиб кетганингни билдирамаймиз, — дейдилар. Шуада:

Деди Фарҳодким, э нотавонлар!
Фалакдин мен каби озурда жонлар.
Қачон келгай бу иш аҳли вафодин,
Хусусан мен заифу мубталодин.
Ки рағбат айлабон кому ҳавоға,
Неча маҳзунни солғаймен балоға.

Қисман юқоридагилардан ҳам кўринганидек, Навоий „Фарҳод ва Ширин“идаги ижобий образларнинг олийжаноб инсонга, барча энг яхши ва гўзал фазилатларга муҳаббати қанчалик кучлик бўлса, мана шу улуғвор инсон ва унинг олийжаноб фазилатларининг душманларига уларнинг нафрати ҳам шу қадар ўтли ва бепоёндир. Бунда Навоий масалани жуда кескин ва кўндаланг қўяди: Фарҳод Хисравни енгиши зарур, акс ҳолда Хисрав уни маҳва қиласди, я'ни ё яхшилик, ё разолат, ўртача йўл йўқ ва булиши ҳам мумкин ёмас. Буни Навоий Хисрав блан Фарҳоднинг мунозарасида яққол ва бўртдириб намойиш қиласди. Мана унинг ба'зи ўринлари:

Деди: недур сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамиша...
Дедиким: ишқ ўтидин де фасона?
Деди: куймай киши топмас нишона...

Деди: у ишқдин инкор қилғи.

Деди: бу сўздин истиффор қилғи...

Деди: ол ганж, ишқни қўй ниҳони.

Деди: туфроққа бермам кимиёни.

Деди: жонингга бу ишдин алам бор.

Деди: ишқ ичра жондин кимга ғам бор.

Деди: кишвар берай, кеч бу ҳавасдин.

Деди: бечора, кеч бу мултамасдин.

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум.

Деди: ишқида мақсадумға еткум.

Деди: бу ишда йўқ сендин йироқ қатл.

Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Ҳатто ўз ўлими олдида ҳам Фарҳод разолат блан келишишни истамайди ва уни йўқотиш зарурлиги ҳақида гапиради. У шундай васият қиласди:

Будур комимки Баҳроми диловар,
Ки бор әрди менга ул ёру ёвар,
Чириклар жам' айлаб бемадоро,
Буён қилса азимат ошикоро,
Қиличи тўйғазиб Хисравни жондин
Тиласа бегуноҳ қонимни ондин.

Ўз навбатида мана шундай яхшиларга ва олижанобликка чексиз ва жозибали мұхаббат, мана шундай ярамасларга ва қабоғатта бениҳоят чуқур нафрат Ширин учун ҳам зийнат бўлиб тушган. Масалан, у Фарҳод қўргонда асир бўлиб ётганда, ўз хатида унга шундай ёзган эди:

"Агар Билқисдек ёри азизинг
Бўла олман ҳам, ўлғайман канизинг...
Не бўлғай эрди чархи зулм пеша,
Мени сендин жудо қилмай ҳамиша,
Хироминг чоги йўлдош ўлсам эрди,
Суқунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.
Қуёш янглиғ бўлиб кундуз қарининг,
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.
Тикон кирса кафингга кинасидин.
Чиқарсан эрди киприк игнасидин...
Кўруб хору хас ўрнингда, ниҳони —
Сочим бирла супурсам эрди они.
Чу бўлса гарддин кўнглунгда қайғу,
Ер узра ишқдин сепсам эди су.
Бошингға тушса меҳнат шоми жовид,
Юз очиб зоҳир этсам эрди хуршид..."

У, Фарҳоднинг ўлигини қўрганда ҳам, разолат — Хисравнинг ғалабасини англаганда ҳам, ўз аҳволининг чорасиз эка-

ниви тушунганды ҳам Хисравга ён бермайды, уни қабохат манбаи сифатида ла'натлаб, „сен блан бирга яшашдан кўра ўлим афзал“, деб мағруронага жавоб беради ва ўзини мамнуният блан оғунийнг ҳукмига топширади.

Аёллар даҳшатли зулм остида яшаган ва мутлақо ҳуқуқ-сизлик асири бўлган бир шароитда, ҳоким феодал-клерикал ахлоқ томовидан уларнинг номус ва эрки топталган, аёл блан ҳайвон каби муомала қилинган бир замонда, хотин-қизиларнинг инсоний фазилатлари оёқ ости қилинган бир вақтда, аёллар ҳақида чуқур инсонпарварлик руҳидаги олижаноб фикрлар юритиш блан Алишер Навоий уларга нисбатан, мана шундай пастарин муносабатда бўлишини рад қилди. У, „Фарход ва Ширин“ да гениал сан'аткор қалами блан нақшланган ажойиб аёлларнинг ғоятда гўзал портретларини берадики, уларни ба'-зилари ҳар жиҳатдан: улуғвор севги ва унинг принципларини ҳимоя қилишда ҳам, ақл ва исте'додда ҳам, фан ва сан'атда ҳам, ижтиомий фаолият ва мамлакатни идора қилиш ишида ҳам эркаклардан асло қолишмайдилар. Шундай қилиб, Алишер Навоий аёлларнинг номус ва эрки, ҳуқуқ ва қимматининг буюк ҳомиси сифатида майдонга чиқади.

Малика Маҳинбону саройида 10 та қиз бор. Уларнинг ҳар бири — фан ва сан'атнинг турли соҳалари — ҳиқмат, табиёт, мағтиқ, музика, математика соҳасида отоқли олимдирилар. Уларнинг ҳарбири ўз илмининг „як фани“, я'ни катта олимдири. Маҳинбону она сифатида, Ширин эса туғишиган ҳамшира сифатида уларни севар, улар ҳақида қайғирап ва улар блан фурурланар эдилар.

Навоийнинг тасвирича, Армонистон гулистон бир мамлакат бўлиб, унинг ҳалқи баҳтиёр яшар ва эрк ирмоқларидан баҳраманд эди. Бу мамлакат жаннат боғидай гўзал эди. Бунда шу мамлакат шоҳи Маҳинбонунинг роли ғоят зўр. У, давлатни моҳирлик ва зўр исте'дод блан идора қилар, ўз ҳалқи ҳақида кайғирап ва мамлакатнинг озодлик ва мустақиллигини қадрлай билар эди. У, Фарҳодни жуда самимий ва меҳрибон оналарча оташин муҳаббат блан ардоқлайди, у бутун вужуди блан Фарҳод ва Шириннинг бир бирларига бўлган севгиларини ҳимоя қиласиди ва бу муҳаббатнинг муваффақиятли чиқиши учун бор куч-қувватини сарфлайди. Нечун? Чунки Маҳинбону Фарҳод симосида барча ноёб ва гўзалликларни, ўзининг ғурури ва мамлакати ҳам ҳалқнинг шон-шарафи бўлмиш Ширинни самимий севучи чин инсонни кўрди, чунки Фарҳод уларга баҳт ва ёруғлик келтирди. Улар учун энг мушкил дамларда хорижий фотих, мустабид ҳукмдор Хисравга қарши курашда ўзининг вужуди, жасорати, ақли, ҳатто ҳаётини ҳам боғишлиди ва бу йўлда қурбон бўлишга ҳам тайёр әканлигини амалда кўрсатади. Шундай қилиб, Навоийда бу аёл эзгулик ҳомиси ва адолатнинг тарқалишига эркин йўл очиб берган буюк исти'дод эгаси адолатпарвар ва оқил инсон тарзида тараннум қилинади, эркиши бўлган Хисрав эса, разолат манбаи, йиртқич, барча гў-

заллик ҳам адолатни емиручи, ақл, исти'дод ва вижданнинг душмани сифатида гавдаланади.

Бу жиҳатдан Ширин Маҳинбонуга нисбатан анча юқори туради. У на севги, на ақл, ва на исти'додда ҳечқандай эркакдан қолишмайди. Ширин фарҳодни барча өзгулик ва чин инсоний хислатларининг тажассуми ва тимсоли бўлгани учун оташин муҳаббат блан севади. Фарҳод чин инсонийлик ва гоят катта маҳорат кўрсатиб, тоғу-тошларни ёриб ариқ ўтказади ва Шириннинг мамлакати ҳам унинг ҳалқига „ҳаёт суви“—„оби ҳайвон“, беради. Бу муносабат блан Ширин Фарҳодга мурожаат қилиб, шундай дейди:

Ки, э нодир йигит, оғоқ ичинда,
Ягона чархи нили тоқ ичинда.
Аён ҳолингда кўп-кўп бул ажаблиқ,
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблиқ.
Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,
Не қилғон ишинг ўхшаб эл ишига.
Бу ишким биз демай бун'ёл этибсен,
Бағоят кўнглимиизни шод этибсен.
Бўлуб эрдук ҳусули бирла ожиз,
Хунар эрмас, қўлинг кўргузди му'жиз.
Агар юз қари узр ойин бўлоли
Нетиб бир кунчилик узринг қилоли.
Ишинг узинда юз биздек уёлгай,
Не биздин, тангридин олингга ёнғай.

Шунинг учун ҳам Ширин ўз қалбини Фарҳодга топширади ва бунинг устига у ўзининг чексиз севгисини Фарҳод ба-жарган меҳнатларнинг юздан бирига ҳам арзимаслигини изҳор қиласди... У, даҳшат ва та'зиқларга қарамасдан Хисравнинг ашаддий душмани бўлиб қолаберади ва ўзининг сўнгги дамларигача Фарҳодга нисбатан бўлган муҳаббатида садоқат сақлайди, ҳатто шу йўлда ўзини ҳалок қиласди. Хисрав бўлса Фарҳоднинг барча олижаноб ишларини, интилиш ва мақсадини топтайди, унинг меҳнатлари самарасини ер блан яксон қиласди, унинг эса ўлимга маҳкум ётади.

Эркак Хисрав ва аёл Шириннинг ақл ва киёфаси мана шун дайдир.

Навоий илм ўрганишнинг зарурлигини та'кидлайди, ҳаёт ва курашнинг ҳарқандай мушкил масалаларини ҳал қилиш, умуман мамлакат ва ҳалқнинг манфаати ҳамда фарованиелиги учун фанинг ниҳоятда зўр аҳамиятга эга эканлигини қайд қиласди.

Биз қисман кўрганимиздек, Навоийнинг ижобий қаҳрамонларнинг деярлик ҳаммаси фанинг севадилар ва илмнинг кўзга кўринган намояндасидирлар.

Мана Фарҳод. Навоий унинг ҳақида сўзлаб айтадики, жаҳонда у етмаган ва касб этмаган илм қолмади. У буюк олим

ва нодир сан'аткор у сангтарошлиқ ҳунарини машҳур усталардан ҳам яхши әгаллаган ва ҳоказо.

Бу ўринда Навоийнинг қадимги Юнон илмига зўр муҳаббат кўзи блан қараши жуда ҳам характерлидир. У, Фарҳодни инсониятнинг ҳикмат чўққиларини эгаллаш, ҳақиқатни англаш, олам сирларидан воқиф бўлиш учун мусулмон Шарқининг „муқаддас“ марказларига эмас, балки қадимги Юнонистонга отлантиради ва жўнатади. Навоий ёзади:

Анга ким тушса очмоқ иэтироби,
Бу бўлди ул муаммонинг ҳисоби:
Ки Юнон мулки ул фарзандга кишвар,
Ки ҳикмат бирла топти зебу зевар.
Ҳакимиким топиб ошкол афлок,
Бу кишвар тупроғидин бир овуч хок.
Тоши ҳикмат элининг дурри тожи,
Гиёҳи барча иллатлар иложи.
Шимоли ҳаддидага тоғи дурур тунд,
Ки тиги кўк мисосидин эрур кунд.
Киши Юнон сари бормоқ керакдур...

Фарҳод юнонистондан янги билимлар, ҳикматлар, сирлар хазинасининг калиди блан қуролланиб қайтади... ва улар ёрдами блан ажоиб ишлар қиласди.

Навоий ақлнинг куч ва қудратини жуда яхши тушинар ва доим та'кидлар әди. Бу ҳақда Фарҳод тилидан шундай дейди:

Деди ҳар ишни қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Үлум ичра менга то бўлди мадҳал
Топилмас мушкили мен қилмаған ҳал.

Навоий шу блан бирга „Фан — фан учув“ деган тезисни ёқламайди ва фанни, ҳунарни ижтимоий манфаатларга бўйсундириш зарурлиги ҳақида гапиради. Фарҳод тоғи тошини ёриб ариқ ўтказиш ҳаракатида бўлган халқ оммасининг бениҳоят оғир заҳмат чекаётганлигини кўриб бутун куч-қуввати блан үларга ёрдам берабошлайди ва дейди:

Ҳунарни сақлабон неткумдур охир,
Олиб тупроққами кеткумдир охир...

Навоий ўз поэмасининг хотимасида Улугбекнинг илмий ҳизматлари ҳақида маҳсус тўхтаб, уни кўкларга кўтариб мадҳиялар ўқишини тасодифий ҳол деб бўлмайди, албатта. Навоий „Темур наслидан бирқанча шаҳзодалар дун'ёга келиб ўтдилар, лекин замона аҳллари уларнинг Улугбекдан бошқа биронтасини ҳам всламайдилар, чунки Улугбек илмни қўлга киргизган, шунинг учун унинг кўзи олдида осмон паст бўлган әди,

унинг боғлаган расади „зеби жаҳондир“ ва „жаҳон ичида яна бир осмондир“ дейди.

Навоий хусусан шоҳлар учун ҳам илмнинг фойдаси ва аҳамиятини, уларнинг илм олишлари зарурлигини қайта-қайта уқдириб ўтади. У ўзининг мазкур фикрини исботлаш учун тарих фанини мисолга олар өкан, мамлакат ва ҳалқнинг ҳукмдори бўлган шоҳ агар тарихни билса, у ўтмишдаги шоҳ ва ҳукмдорларнинг қандай ҳаракат ва тадбирларини мамлакатни обод ва ҳалқни фаровон қилганини ва қайсилари эса, уни ҳалокатга судраганлигини англайолажагини уқдиради. Навоий фанин турумуш блан боғлаган ва уни мамлакат ҳам ҳалқнинг манфаатларига бўйинсундиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Навоий ўзининг бир асарида тубандагича ёзган эди:

Кишига неча келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга әрур ҳалол.

Ўрта аср шарқида реакцион ҳукмдорлар ақл ва фанинг кўрсатмаларига ғитоат қилмай, балки унга қарши очиқдан очиқ кураш олиб борган бир вақтларда, феодал-клерикал реакция қўлида фожиали ҳалок бўлган олим Улуғбекнинг хотираси ҳали унитилмаган бир даврда, фақат тор доирасидаги имтиёзли кишиларгина илм олиши мумкин бўлган бир замонда, кенг ҳалқ оммаси орасида қўпол фанатизм ва маданиятсиэлик чексиз ҳукмрон бўлган бир дамда Навоийнинг фан ва ақлга бундай муносабатда бўлиши foят эўр моҳият касб этади.

„Фарҳод ва Ширин“ нинг ажойиб ва олижаноб foяларидан бири ҳалқлар дўстлигиdir. Бу юя мазкур асар ва унинг авторига эўр ҳурмат туғдиради. Навоий бу масалада ҳам ажойиб гуманист сифатида майдонга чиқади. Навоий томонидан бу ҳақда айтилган фикрлар ирқий ва диний тафовутларни билмайди, балки уларда инсон ва одамгарчилик биринчи ўринга қўйилади. Навоий ва унинг севикили ижобий қаҳрамонларининг турли ҳалқларга бўлган муносабатларининг асосида ҳам мана шу foят ётади.

Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ даги учта әнг асосий ва суюкли қаҳрамонларининг (Фарҳод, Ширин, Шопур) З хил ҳалқ-қа мансублиги жуда характерлидир. Уларнинг дунёга қараш ва тафаккурларида яқдиллик, ҳамкорлик, бир-бирларига самимий муҳаббат ҳукм суради. Улар бу инсоний муносабатнинг принципларига чексиз берилгандирлар, шунингдек бир-бирига шу қадар беҳад содиқдирларки, уларнинг ҳарбери ўз ҳаёт ва фаолиягининг ма'носини иккинчисига ҳалол ва офишмай хизмаг қилишда кўради. Шунинг блан бирга, шубҳасизки, уларнинг ҳарбери ўз ҳалқини ифода қиласди, демак уларнинг муносабатларини улар мансуб бўлган ҳалқларнинг бир-бирлари блан бўлган ёки бўлиши керак бўлган муносабатлари сифатида қарабаломоги керак. Ҳеч бўлмаганда, Навоийнинг орзузи мана шундан иборат эди.

Фарҳод ўтиб бўлмайдиган ғовлар, ғайри табиий даҳшатлар (Аҳраман, аждар в. б.) ни енгади, дун'ёнинг чигал масалалари ни ҳал қилишда бирқанча зўр ютуқларга эришади. Бу муваффақиятларга ўзбек¹ Фарҳод юонли Искандарнинг „ойина“си „буюк юном“ Суқротнинг са'и-ҳарақат, ҳикмат ва маслаҳатлари туфайли эришади. „Барча эзгуликларнинг мужассами бўлмиш Суқрот асрлар давомида Фарҳоднинг келишини кутади. У, Суқрот олдига келганда, бу ҳаким Фарҳодни „Менинг ўғлим“ деб атаб, уни сирлардан воқиф қилади, келажак ишлар ҳақида йўлланмалар ва оғатларга қарши дору-дармонлар бериб, унга ғалаба йўлини кўрсатади.

Еки Фарҳод блан Шопурни олайлик, Фарҳоднинг Арманияга келган биринчи кунларидан бошлаб-оқ, эронли Шопур унинг умрли содик дўсти бўлиб қолади. Шопур, Навоийнинг та'бира, Фарҳоднинг сояси каби ундан ҳечвақт ажралмайди. Фарҳод блан учрашган деярлик биринчи дамларидан бошлаб-оқ, ўзининг бутун куч-кувват ва қобилиятини, бутун умрини ўзбек йигити Фарҳод ҳам арман қизи Ширин ва уларнинг юксак гояларига садоқат ва изчиллик блан ҳизмат қилиш учун бағишлайшга қарор берган. Шопур, Фарҳод ва унинг тарихи блан биринчи марта танишишдаёқ, унинг юксак мақсад ва орезуларини англагач, Фарҳодга қўйидагича мурожаат қилади:

Деди: к—е зод сарви бўстони,
Ва лекин топқон осиби ҳазони...
Ҳам ул канжики, булмушдур умидинг...
Етишга қулфиға мендин калидинг...
Борур бўлсанг сенга раҳбарли айлай,
Демай ҳамроҳлиқ, чокарлиғ айлай...

Фарҳод ўз ўлими олдидан Шопур қалбининг улуғворлигини яна бир марта қайд қилади ва унга шу сўзларни йўллайди:

Яна Шопурға деб, хайри бодим,
Дегайсен: кей, рафиқи номуродим.

¹ Навоийнинг та'кидлашича, Фарҳод чиннинг қадим ўзбек уруғлари яшаган қисми Шаркий Туркестондан Хутаидандир. Фарҳод ва унинг отаси саройидаги ҳамма кишиларнинг исмлари хитойча эмас, ўзимизчадир. Уларнинг жумлалан Фарҳод, унинг отаси ва оиласининг ҳам диний өтиқоди исломдир. Ҳётла, турмуш йўсунларида Фарҳод ва унинг хоқон отаси, шунингдек барча сарой аҳлининг урфи одатлрри ўша вактлардаги ўзбеклар; ўзбек ҳукмдорлари ва уларнинг саройларидаги одатлардан фарқ қилмайди.

Бундан ташқари, ўз мамлакатини чексиз севгай, озодлик ва адолат гояларига содик бўлган ва бузгунчи истилочиларга и.фрат блан қараған Навоийнинг, ўша замонларда Ўрта Осиёга ва унинг ҳалқига душманлик кўзи блан қараган ва унинг ватанига ҳужум қилиб, уни ҳаробазорга айлантириш, ҳалқини esa қириб ташлаш ва қуиллиқка маҳқум қилиш учун ҳарқандай кулий фурсатни кутиб ва излаб юрган хитойлиларга мадҳия ўқиши, албатта, мумкин эмас эди.

Буларнинг барчаси, шунингдек бошқа бир мунича далил ва ҳужжатлар Навоий Фарҳодини ўзбеклар ичидан чиққан дейнишга тұла имконият ва хукуқ берадилар.

Не қонким ютмадинг ҳамдамиғимдаи,
Не ғамким чекмадинг маҳрамлиғимдин.
Менга ул вақтдинким ҳамдам ўлдунг,
Гирибтори балоу мотам ўлдунг.
Вафо ойини шарти мунча бўлғай,
Магарким тангри-оқ узрингни қўлғай.
Ҳамиша воқиф ўл қабрим тошидин,
Аёгинг чекма туфроғим бошидин...

Фарҳод арман қизи Шириннингина эмас, балки арман ҳалқини ҳам ўз ҳалқи каби, арман мамлакатини эса, ўз мамлакати каби севади. У буни ҳар соҳада, меҳнатда ҳам, жанг майдонида ҳам кўрсатган ажойиб баҳодирликлари блан исботлади.

Армания, унинг гўзал Ширини сувга ташна әдилар. Бу оғатдан қутилиш йўлида узок вақт олиб борилган давомли ҳаракатлар кутилган натижани бермаёган эди. Бениҳоят оғир ва бефойда меҳнат ҳалқни қаттиқ қийнаб қўйган эди. Фарҳод арман ҳалқининг бу фожиали аҳволини кўриб, уларга ёрдам қўлини узатади ва ўзининг куч-қуввати, исти'доди ва тешасини ишга солади.

У жуда қисқа мuddат ичиди тоғу-тошларни ёриб, катта ариқ ўтказади ва ташна ҳалқни сувга сероб қиласди. Бу, ҳалқнинг катта қуванчи ва байрамига айланади.

Ариғ нови чу бўлди сув мақоми,
Тегирмон новидек бўлди хироми.
Ҳалойиқ ичра ғавғо тушти ҳар ён.
Улус ичра алоло тушти ҳар ён.
Ариғнинг икки ёнидин алоло,
Нашот аҳли тузуб сурно талоло.
Муғанинлар ики ёндин навосоз,
Тузуб ул рўд лаҳни бирла овоз.

Эрон шоҳи Хисрав Арманияни истило қилмоқчи, уни озодликдан маҳрум этмоқчи, Ширинни ва мамлакатни қўлга киритмоқчи ва барча әзгуликларни ўзининг ифлос оёғи ва қонли қамчиси остида топтамоқчи бўлади. Хисрав ўзини гўё Ширинни севган киши қилиб кўрсатиб, сонсиз-саноқсиз каллакесар лашкари блан Армания ўлкасига бостириб киради ва уни урушга тортади. Хисрав ва унинг лашкари қаерга бормасин, у ерда ўт ва қилич ёрдами блан ҳамма нарсани яксон қиласди ва барча яхшиликларни бутунлай паймол этар әдилар. Мамлакат бутунлай харобазорга айланиш, унинг ҳалқи ва Ширин эса, ё қирилиш, ё қул бўлиш ҳавфи остида қолган эди. Шунда буни англаган ўзбек йигити Фарҳод арман ҳалқининг душмани бўлмиш Хисрав ва унинг лашкарига қарши курашга жон-жаҳди блан киришади. У жанг майдонида уларга омон бермай, шафқатсиз қириш блан ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатади. У, На-

войнинг айтишича, буларни у, Ширинни, арман халқини севгани учун қиласди.

Эронли истилочи ва мустабид ҳукмдорга қарши бу курашда Фарҳодга унинг дўсти эронли Шопур катта ёрдам беради.

Шунинг учун арман қизи Шириннинг Фарҳодга, Шопурга бўлган муҳаббати кундан-кун ортaborади ва мустаҳкамланади. Шириннинг ҳам Фарҳоддан жудо бўлишдан ўлимни афзал билishi тасодифий ҳол әмас.

Ўзбек ва эрман халқлари асрлар давомида сув ҳақида орзу қиласди. Улар ўзларининг бу орзулашини фақат совет ҳокимияти йилларидағина амалга оширабошлидилар. Ўзбек ҳалқи большевиклар партияси раҳбарлигида гигант суғориш иншоотлари қурди ва улуғвор каналлар барпо қилди. Бунда Навоийнинг бу ҳақдаги олижаноб фикрларидан ҳам илҳомланди. Бу фикр доҳи И. В. Сталин номидаги Катта Фарғона канали қуручилари томонидан ўртоқ И. В. Сталинга ёзилган ше'рий хатларида ҳам яққол ифодаланган.

Шуни қайд қилиш зарурки, Навоийнинг халқлар дўстлиги ҳақидаги ғоялари умумий бўлиб, илмий заминга асосланмагани учун утопик характерга эга эди. Шунга қарамасдан Навоийнинг бу ғояси олижаноб ва қимматлидир. Умуман Навоий ижодининг ёнг асосий моментларидан бири бўлган бу ғоялар шоирнинг номи ҳам унинг „Фарҳод ва Ширин“ поэмасини турли халқлар ўртасида машҳур ва манзур бўлишига сабаб бўлганлар. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, „Фарҳод ва Ширин“ аллақачонлар-оқ, ҳатто шимолдаги тарончи қабиласи ўртасида ҳам тарқалабошлигар, уларда асарнинг халқ варианти ҳам бор. Қозоқлар ўртасида „Фарҳод ва Ширин“ нинг халқ варианти борлиги ҳақида хабар берадилар. Бу асарнинг ўзбек халқи орасида тарқалган фольклордаги сонсиз-саноқсиз вариантлари ҳақида тўхташга ҳам ортиқча ҳожат йўқ. Халқ ва унинг илғор вакиллари асрлар давомида „Фарҳод ва Ширин“ нинг олижаноб ғоялари асосида ҳам тарбияланиб келганлар, унинг образлари ва фаолиятларига тақлид қилишга интилганлар. Турли халқлар томонидан яратилган ашуаларда Навоийнинг ҳурмат блан тилга олиниши бежиз әмас, ҳатто татар халқининг революцион демократ шоири Абдулла Тўқай Навоий образларини кўкка кўтариб махтайди.

„Фарҳод ва Ширин“нинг рус тилида 2 марта ва Украина тилида босиб чиқарилганлиги ҳамда яқин кунларда СССР нинг бошқа ҳалқларининг тилларида ҳам босилажаги зўр аҳамиятга моликдир.

Ўзбек халқи ҳамма вақт Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“ идаги олижаноб ғоялардан бевосита та'сирланиб, озиқланиб келган. Шунинг учун фольклорда, халқнинг эртак ва латифаларида халқимиз томонидан қайта ишланган бу асарнинг асрлар давомида оғиздан тушмаганлиги ва халқ блан бирга яшаганлиги тасодифий әмас.

Ўзбек халқи Совет ҳокимияти йилларида ленинча-сталинча

доно миллий сиёсатнинг самаралари орқасидагина Ватанимиз-
нинг ҳамма ҳалқлари блан бир қаторда, ҳақиқий ва янги со-
циал-иқтисодий заминга асосланган, сифат жиҳатидан тамомила
янгича 'дўстликка, ҳамкорликка әришди. Ҳалқимиз ВКП(б)
XVI съезди олдидан ўзининг доҳиси ўртоқ И. В. Сталинга
ғозиган мактубида шундай деган эди:

Бизнинг бошимизда паноҳимизсан,
Яратдинг дун'ёда мисли йўқ ватан.
Бунда одам учун ҳарбир нарса бор,
Қозоқ, қирғиз блан ошно ва ҳамкор.
Ўзбек грузинни севмоқ блан шод,
Армани Ширинни севгандай Фарҳод.

Буюк Алишер Навоийнинг ўз Фарҳоди ва Ширинлари блан
беҳад мағрурланишга уларнинг ҳамиша ва ҳамавақт илғор
фикр ва нозик ҳиссиёт өгаларининг энг севимли дўстла-
ридан, олижаноб қаҳрамонларидан бўлиб қолишларига амин
бўлишга тўлиқ асоси бор эди. У, масалан, Фарҳод ҳақида
сўзларкан, қуйидагиларни айтиши блан тамомила ҳақли эди:

Бақо мулкида топқунг қаҳрамонлик,
Ҳақиқат тахтида соҳибқиронлик.
Отангдек юз туман хоқону қайсар
Унут бўлғай жаҳон аҳлиға яксар.
Сенинг қолғай жаҳон ичра сифотинг,
Тариқи ишқ ичра яхши отинг.

Х. ЕҚУБ

НАВОЙНИНГ „САБ'АИ-САЙЁРА“ ДОСТОНИ

† Навоий 1483-1485 йиллар орасида беш достонни ўз ичига олган машҳур, „Хамса“сини яратди. Гениаль Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1203), ҳинд-форс шоири Хисрав Деҳлавий (1255-1325) „Хамса“ларининг традицион сюжетлари асосида бошқатдан ишланиб, ўз даврининг шоир (Навоий) олдига қўйған вазифаларини бадиий равишда гавдалантирган бу мустақил достонларнинг тўртинчиси „Саб'ай-сайёра“дир.

„Саб'ай-сайёра“— „Хамса“нинг бошқа достонлари сингари, Навоий ижодиётидаги гуманистик қарашларни юксак бадиий формада ифодалайди. Навоийнинг инсонга юқори баҳо берипшини, унинг энг кучли фазилати ҳисобланган ақл ва ирова қудратига ишонишини ёрқин образларда акс эттиради. Бу достонда ҳам инсон, унинг фаолияти ва кураши, ақл ва идрок кучи, инсонларни бир-бирига боғловчи муҳаббат ва бу муҳаббатнинг кўринишлари бўлган садоқат, вафодорлик, самимий дўстлик, олийжаноблик, мурувват, футувват (яхшилик қилиш), адолат ва бошқа инсоний фазилатлар куйланади ва асосий ўринни ишғол қиласди. „Саб'ай-сайёра“ ўзининг ранг-баранглиги, сербўёқлиги, образларининг хилма-хил ва жонлилиги блан Навоийнинг бошқа достонларидан кескин суратда фарқ қиласди. Айриайри мустақил ва айни чоқда мавзу‘ ва идея жиҳатидан бир-бирига ҳамоҳанг бўлмиш етти ҳикоядан ташкил топган бу достон ўрта аср романчилигининг порлоқ намунаси бўлиб чиқди. „Саб'ай-сайёра“да етти ҳикояни бир-бирига уловчи момент ўлароқ Эрон шоҳи Баҳром Гурнинг саргузашти кенг суратда тасвирланди. Навоийнинг достонга киритган етти ҳикояси Низомий ва Хисрав Деҳлавийнидан тамоман бошқа бўлиб, у яратган Баҳром образи ҳам уларницидан кескин суратда фарқ қиласди ва буни Навоийнинг ўзи достонда очиқ қайд қилиб ўтади. У, Баҳром блан Дијором муносабатини ўзгартиб, „Тағирир“ қилиб беришдан бошқа чораси бўлмаганини сўзлайди:

Бу сабабдин бу хуш фасона аро,
Балки бу хушиаво тарона аро,
Йўқ эди ҳеч чораю тадбир,
Ким бирор ерда бўлмагай тағ'йир.

Навоий даставвал юртда адолат жорий қилган Баҳромнинг гўзал Диборонни севганидан сўнг, кеча-кундуз у блан машғул булиши, ҳалқни, юртини унутиб, тобора кайфу сафога берилиши ва натижада ер ютиб ҳалок бўлиши воқиасини Низомийнидан бошқача талқин қиласди. Навоий ўз достонини „ишқ мојаси“ блан суғорди, я‘ни афсонани ҳақиқатан ишқий достон қилиб қайтадан ишлади. Унингча, ишқ—самимилик ва покликни, ҳақиқий инсоний фазилатларни, ҳалқ учун фойдали хислатларни, ақл ўлчовига тушадиган гўзалликларни ўз ичига олиши шарт. Навоийнинг айтишича, ундан аввал ёзилган „Ҳафти-пайкар“ („Етти гўзал“)нинг асосий ва бош қаҳрамони бўлган Баҳром бундай севгидан маҳрумдир: 4

Бири буким йўқ анда мојий дард¹,
Қўлдилар ишқ сўзидин² ани фард.

Шунинг учуноқ, Навоийча, бу афсона ундан аввал иотўғри талқин қилинар эди:

Ким бу дафтарга бердилар минг зеб—
Бошидин то аёқ фусуну фириб.

Навоийга кўра, ишқ дардини тез унугдиган Баҳромга батишилаб, катта ше'рий достон ёзишининг ҳеч ҳожати йўқ эди:

Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.
Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки қавзун китоб ёзғайлар.
Ҳарбир ул назмда кўрубдир ранж,
Қилғой ўз панжу ганжидин бир ганж.³
Оллоҳ, оллоҳ не ганж бўлғой бу,
Сар-басар әлга ранж бўлғой бу.

4 Шу равищча улуғ шоир ва мутафаккир Навоий, „Ҳафти-пайкар“нинг идея йўналишини рад қиласди, „такрор этилган сўз дилкаш ва хуш эмас“ лигини уқтиради ва „Саб'ай-саъёра“сида ўз даврининг интилишлари, идеологияси, ҳатто психологиясини ҳам акс эттиради. Баҳром образи узоқ тарихий такомил натижади.

¹ Бу ерда дард—ишқ ма'носида.

² Сўз—куйиш ма'носида.

³ Панжу гавж—беш дун'ё, беш хазина демакдир; Низомийнинг „Ҳамса“-сияни шундай деб ҳам атар эдилар.

жасида ҳаҳри, мустабид золим (Фирдавсий талқинида) ёки ҳарбир уринда ҳузур-халоват изловчи бекарор ошиқ (Низомий талқинида)дан битта түйғусига вафодор ошиқка (Навоий талқинида) айланади. Броқ бу оташин муҳаббатли киши муҳаббатниң инсонпарварлик блан боғланган илларини узиши натижасида (Фарҳоднинг аксинча) чуқур ҳисларга қобил ва бой руҳини барбод беради, Шунинг учун Навоий Баҳром образига икки ёқлама муносабатда бўлади. У, ҳалқа яқинлашганида (мамлакатда адолат ўрнатиб, улуснинг додига етганида) ва оддий инсоннинг самими түйғилларини ифодалагандан (вафоли ишқида) шоирнинг рағбатига сазовор бўлади, аммо ҳалқдан узоқлашганда (ҳалқ манфаатларини унтиб, шахсий кайфи-сафога берилишида) ва ишқида ёнгиллик кўрсатганида (кибр блан арзимаган баҳонани дастак қилиб Дијоромни сочи блан қўл-оёғини боғлаб, чўлга ташлаб кетишида) шоир ундан нафратланади. Баҳромнинг фожиаси жамият, ҳалқ манфаатларидан узилиб қолтан чуқур табиатли натуранинг фожиаси ёди. Бу умумлашма момент Навоийнинг гуманизминигина эмас, балки Баҳром образининг ма'дум даражада узоқ умрли бўлишини ҳам белгилаб қўйди.

Навоий, Баҳром образининг тадрижий „ўсиши“да ўз сиёсий қарашларини ҳам ифодалади. Навоийнинг бир-бири блан қаттиқ боғланган хоҳ гуманистик, хоҳ сиёсий қарашлари идеалистик асосга қурилган ёди. Унингча, жамият ва давлатнинг идораси подшоҳ қўлида бўлими керак: Агарда 'бу' подшоҳ билим ва ма'рифат блан қуролланган, иродаси бақувват шахс бўлса, ўз хоҳишига кўра жамиятни тузолади ва уни ҳалқ манфаатларига мувофиқлаштирабилади. Агар у ўзига берилган олий ҳуқуқдан тўғри фойдаланмаса, ўз ҳокимиятига суи исте'мол қилса, кайф-сафо йўлига тушиб кетса, давлатни ва ҳалқни оёқ-ости қилиб юборади. Баҳром бунинг яққол иллюстрацияси булиб чиқди.

Баҳром ўзининг дастлабки подшоҳлик даврида адолат ўзини тутди, „мажруҳларга марҳам“ қўйди, „шом зулматни“ ўқотиб, „куёш нури“ блая „жақон мўлкини равшан“. Қилди. Золимларга жазо берди, мазлумларни ҳимоя қилди. Ўз адолати блан юртини обод қилди:

Мулки бөгин баҳори адл била,
Суғориб жўйиб ori адл bila.
Ўйла сарсабз қилдию тоза,
Ки жақон бўлди жаннат овоза.
Ҳар не вайрон қилиб ёди бедод,
Дод илиа қилди барчасин обод.

Баҳром ҳалқни талон-тарож бўлишидан асраб, унинг бағцидан етти йиллик хирожни олиб ташлади:

Кишваридин кўтарди чун торож,
Етти йиллик маоф тутти хирож.

Натижада мамлакат ва халқ бойиди, юртнинг „тупроги — мушк“ка, „тоши—ақиқ“қа айланди.

Лекин етти иқлим подшоҳи Баҳром Дилоромнинг гӯзаллиги, ширин сўзлари, ёқимли ашула ва созига берилиб, айш-ишрат кўчасига кириши блан давлат идорасидан, халқ ғамидан четланади. У ҳамма нарса, ҳаттоки ўзини ҳам унутади. Кечаларини базм блан, кундузларини ов блан ўтказади: •

Иш анго еттиким, бу янглиғ шоҳ,
Мулк ишидин эмас эди огоҳ.
Боқмайин мулк ила сипоҳ сари,
Қилмайин майл додхоҳ сари.
Ўтти уч-тўрт йил бу ҳолатда,
Ҳолатидин улус малолатда.

Бунинг оқибатида юрт иши хароб, „халқ рўзгори қаро“ бўлади. Бебошлиқ ва тартибсизликлар кучаяди, солиқлар ортади, амалдорларнинг зулми зўрайяди, ҳаммаёқни қароқчи, далаларни эса бўри босади, халқни қўриқловчи ҳечким қолмайди:

Мулк иши забту рабтасиз бўлди,
Салтанат амри забтасиз бўлди.
Қилмади шаҳ чу додхоҳдин ёд,
Эл илик сунди қилғоли бедод.
Мулк чун шоҳ адлидин қолди,
Қилди ҳарким, некум қилаолди.

Инсонпарвар Навоий Баҳромнинг бу қилгуликларини ке-чираолмас эди. У ўз „қаҳрамони“нинг кўзини очиш учун аввал бир кичик жазога мубтало қиласди, Дилоромга бўлган ноҳақ, қўпол муомаласи юзасидан уни севгилисидан узоқ муддатга эжратади, дарду аламга грифтор қиласди. Броқ бу унга кор қилмагач, ахир правордида бутун сарой аҳли, аскарлари ва Дилороми блан бирга ботқоққаботкизиб, ер ютдириб юборади. Ўз халқига беҳад меҳр қўйган Навоий унинг муқаббати „об‘екти“нинг тинчлигини бузган, унга ёмон муносабатда бўлган шоҳга раҳм қилишни истамас эди. Бунда Навоийнинг зулмга сра тоқат қилолмаслиги яққол кўринди. У ишқий мояга асосланган достонини шу тахлитда хотималашга мажбур бўлди. Чунки Навоийнинг тушунишича, ҳақиқий ошиқ фақат ўз севгилисини эмас, балки биринчи навбатда халқини, юртини севиши, унга хизмат қилиши керак. Бошқача ишқ заардан ўзага нарса келтирмайди:

Ишқ ила кимки ошно бўлғай,
Оқибат мулкидин жудо бўлғай.

Навоий афсонавий воқиа орқали ўз даврининг ҳаётига тасир кўрсатмоқчи, шахсий кайф-сафога қизиқиб, давлат ишини унуган шоҳни нўхтalamоқчи бўлди. Унингча, халқ ишидан четланган шоҳ ҳалокатга сазовордир. Бу жиҳатдан достоннинг хотимаси мароқлидир. Унда шоир (Навоий) тушида Баҳромни кўради. Баҳром ўз бошидан кечирган ҳаёти тўғрисида гапириб, уни Султон Ҳусайн ҳаёти блан солиштиради ва иккиси ўтасида кўп ўхшашликлар топади: Султон Ҳусайн, Баҳром каби, бошда шужоат намунасини кўрсатиб, оз қўшин блан катта душманини енгади, кейин гўзал bog ва саройлар қуриб, кайфу сафога берилади. Баҳром, Ҳусайн Бойқаро кирдикорларини ўзиники блан тенглаштириб, дейди:

Ул доди айш сари мойилдур,
Нағмаю савт бирла хушдилдур...
Шаҳлар ичра менга эрур монанд,
Де олурмен менга эрур фарзанд.

Сўнгра Баҳром ўзининг бема'ни айши-ишратлар блан ўтган ҳаётига ачиниб, Султон Ҳусайнни яхши ишлар блан ном қолдиришга интилишга да'ват қиласи, шоҳ минг йил яшаганда ҳам унинг гарази (мақсади)—ўлгандан сўнг яхши ном қолдиришга қаратилиши кераклигини уқтиради:

Шаҳки минг йил анинг ҳаётидур,
Фараз—ўлгандада яхши отидур...
Яхшилик бирла гар қолур оти,
Бу эрур мужиби мубоҳоти.

«Навоийнинг „Саб'ай-сайёра“ достонининг бутун йўналишини хуолосладиган бу момент асарни ўз замонаси блан қаттиқ боғлади. Навоий реаль воқиаларни афсонавий ҳикоя пардасига ўраб ўқучига еткизади.

Достон мазмунининг реаль ҳаёт блан боғланиши унинг қаҳрамони, Баҳромнинг характеристи, унинг ички-руҳий кечирмалари даги қарама-қаршиликни ҳартарафлама, жонли очишига имкон берди. Баҳром ўз халқига адолат қилучи, душмани блан омонисиз курашучи доно подшоҳ; у ҳаёт ва табиятни севучи уста чавандоз ва ажойиб мерган; у муҳаббати ихтиросга айланиб кетадиган вафоли ошиқ; айни чоқда у ғазаб ва жаҳолатини нуҳталай олмайдиган, ақл ва ирова жиловини ҳиссиётга топшириб қўядиган, қилмишига пушайман еб, виждан азобида ёниб юрадиган енгил табиатли инсондир. Навоий Баҳром образи орқали ирова ва қобилиятидан тўғри фойдаланмаган, уларни мамлакат ва халқ ишига сарф қилишдан бош тортган подшоҳ тақдирини кўрсатади.

„Саб'ай-сайёра“ фақат Баҳром блан боғланган воқиалардан изборат әмас. Ҳатто Баҳром тўғрисидаги ҳикоя, Навоийнинг

айтишича, өнгөсөй ҳикоя ҳам эмас. Ү, достонға кирған еттинчи ҳикоянинг мадхали ва хотимасигинадир, Достоннинг номи ҳам буни исботлашини Навоийнинг ўзи сүзлаб үтади. Шоңр етти ҳикояни „сайр ишига моҳир“ бўлган етти йўловчи тилидан сўзлаётганини ва шунинг учун бу етти йўловчи-сайёҳга боғланб:

Булди чун бу рақам иши тайёр,
Найдим отини „Саб'ай-сайёр“ —

деб, достон исмини „етти сайр қилучъ“ ма'носида „Саб'ай-сайёр“ қўйганини қайд қиласди ва достонни ёзишдин асосий мақсад (фараз) шу „етти ҳикоят“ эканини билдириб үтади:

Лутф бу назмаро бағоятдур,
Фараз аммо етти ҳикоятдур.

Демак, „Саб'ай-сайёра“да Навоий етти ҳикоянинг мазмунини китобхонга тақдим килмоқчи бўлиб, уларни машҳур „Минг бир кеча“ асарининг композицияни қурилиши тарзида берган. Етти ҳикояни бир ипга тизиш, идея ва композицион жиҳатдан бир бутун ҳолга келтириш ниятида уларни Баҳромнинг саргузаштлари рамкаси (қолипи) ичига олган. Кириш ҳикояси (ва хотима) ўзининг характеристири ва мазмунни жиҳатидан бутун ҳикояларни якка бир достон сифатида бирлаштирган.

Ўрта Осиё халқларининг фольклори блан боғланган ва ажойиб фантазия маҳсулни бўлган бу ҳикоя-эртаклар достоннинг фақат бадиий қимматини эмас, балки социаль ва ахлоқий аҳамиятини ҳам оширган. Ҳарбир эртак тугалланган ва айни чақда достоннинг асосий мазмунига оҳангдош асар бўлиб, Алишер Навоийнинг қарашларини, у яшаган давр ва ҳаётнинг ба'зи томонларини ёрқин акс эттиради. Бу эртаклар турли темаларга бағишлиланган бўлиб, уларда муҳаббат, дўстлик, мардлик, инсон идроки ва донишмандликнинг енгилмас кучи, илм-хўнарнинг афзаллиги ажойиб маҳорат блан тараннум қилинади. Уларда реаль воқиалардан тортиб, эсанкиратути сарғузаштлар, хаёлий-фантастик афсоналар ва дидактик та'лимлар, лирик чекинишларгача — ҳаммаси топилади. Уларда турлича мамлакатлар, турли халқ вакиллари бемалол гавталантирилаберадилар. Шоирнинг кенг хаёли Мовароуннаҳр, Хурросон, Ажам, Ҳиндистон, Миср, Рум эли, Адан мамлакатларида кезади. Улуғ шоир бу ҳикоя-эртакларда чин дўстлик, инсоф ва' муруват тимсоли бўлган Ахий ва Фаррух образи, қайси йўл блан бўлмасин, ҳунар ва фаолиятини кўрсатишга ўч, гайратли Зайд образи, Шаҳрисабз маликаси қўйган мушкул шартларни бажариб, ҳарқандай қийинчиликни енгучи жасур Са'д образи, адолат ва марҳаматнинг илдизига болта урган золим ва мунофиқ Жайсур ва Маллу, буларни ўлдирган „инсонийлик дўсти“ Жўна, ўз халқи ва юртига хизмат қилган, саховатли Мас'уд, кўпларни қийраган денгиз қароқчиси Жобирни енгган мард Сухайл, тўғрилик

символи Муқбил, туҳмат ва әлғончилик тимсоли Мудбир, вафорлик мужассами—Гулрух, Меҳр ва Гулчеҳра образларини яққол гавдалантириди. Бу әртакларда Навоий инсон фаолиятинг кучини, адолатнинг ахир зулм устидан ғалаба қозонишини, ақл ва тадбирнинг әхтиросдан устун қўйиш кераклигини куйлади. Билим ва ҳунарнинг енгилмас кучига, унинг жаҳолат ва нодонлик устидан ғалаба қилишига бўлган зўр ишонч ёш донишманд Са'днинг ёвуз жодугар кампир сиҳрини бекор қилиши ва уни мудофаа қилган Қатрон (дев) ни ўлдиришида айниқса равshan ифодаланди. Са'д (учинчи иқлимдан келтирилган мусофири ҳикоясида) табиат сирларига карши курашучи ва уни әгаллаш учун интилучи инсон иродасининг тимсоли эди. У тилаган мақсадига етиш учун табиатнинг ёвуз кучларини енгади, сиҳрланган қал'аларни очади ва муродига етади. Унинг муродига етишига файласуф Файлақус сабабчи бўлди. Бу файласуф ҳам ақл, илм-ма'рифат кучининг символи сифатида кўрсатилди. У ўзининг бутун билими ва донишмандлигини сўнгги авлодга бермагунча ўлишни истамайди, у билим хазинасини әгаллай оладиган одами (Са'дни) кутиб, юз йилдан ортиқ форда умр кўради. Шу равишча Са'д ҳикоясидаги фантастик воқиалар қобиғи ичида рациональ магнитлар яшириниб ётади.

Ҳикоялар ичида заргар Зайд ва Рум подшоҳи әртаги (иккичи иқлимдан келган мусофири ҳикояси) ўз мазмуни жиҳатидан алоҳида бўлиб ажralиб туради. Унда Навоийнинг сарой доираларида авж олган хиёнат, қалбакилик, иккюзламалик, ҳасад ва кинни фош қилишидан қат'ий назар, у Зайд Заҳҳоб образи орқали инсон фаолиятининг құдратини кўрсатади. Зайд Заҳҳоб қобилиятини ҳартарафлама тараққий әгдирган, ғоят ишchan одам. У „осмон гардишини ўзига кўра қилиб олган“ уста ҳунарманд, олтинлардан истаган нарсасини ясай оладиган, ихтиро'чи заргар, шоҳнинг ишончини қозонган ва хазинасини әгаллаган сарой надими, тиббу ҳикмат сирларига воқиғ бўлган доно ҳаким, олтин ва кумуш конларни забт қилган ажойиб муҳандис (инженер) эди:

Рум аро заргари эди моҳир,
Иши элга қуёш каби зоҳир.
Дам анго субҳ, кўра жирми спехр,
Ҳарбир олтин кулича давраи меҳр...
Шаҳрила соҳиби ийёр ҳам ул;
Шоҳ қошида хазинадор ҳам ул
Неча кондин неким чиқиб зару сийм,
Бўлур әрди бори анго таслим.
Зоти аҳли ҳунар мубоҳоти,
Зайд Заҳҳоб ўлуб аниңг оти.
Ҳам ҳаким әрди, ҳам муҳандисваш,
Гоҳи зарпош эди ва гаҳ заркаш.
Туну кун шоҳнинг надими ҳам ул,

Пойтахти аро ҳакими ҳам ул
Бошидин то оёқ ҳунар эди пок...

Бу тиниб-тинчимайдиган заргар ўз фа'олиятини қовиқти
риш учун, пайтини топса, хиёнатдан ҳам қайтмайди:

Айб анго буки өрди кўп бебок...
Чун амонатда бедиёнат эди,
Иши шаҳ молига хиёнат эди.

У подшоҳга қалбаки тахт ясад бериб, унинг олтинларини
ҳазм қилиб юборади. Зиндоңдан усталик блан қочиб, бутпараст-
лар ибодатхонасига боради. У ердаги олтинларни ўғирлаб, ҷам-
мага фриб бериб қайтади ва шоҳ саройида тантана қиласди.

Навоий Зайд Заҳдоб орқали XV аср феодализмининг ма'lум
тарихий шароитида жонланиб, ўзини бақувват ҳис қилган шаҳар
қатламлари образини достонга кирилди. Тарки-дун'ёчи суфийлар
„кўчаси“дан ўтмаган, хонақоҳ исини ҳидламаган Зайднинг „бош-
дан то оёқ ҳунар“ блан қуролланиши табиий эди. Бу ерда
Навоийнинг илм-ҳунарни шаҳзода ва шоҳлар кийимини кий-
ган кишилардан олиб, уни ўз аҳлларига топшириши foят ибрат-
лидир. Ақл ва ма'rифат куйчиси, рационалист Навоий ишchan,
тинимсиз Зайдни турмушда ҳаммадан юқори қўяди, оддий, ле-
кин ишига моҳир заргар турмушдаги ҳарқандай тўсиқларни
босиб, янчиб ўтади, матонат блан ўз тақдирини ўзи ҳал қиласди,
сарой жиловини ўз қўлига олади. Унинг кўтарилишига на са-
рой аҳлларининг ҳасади ва уни қўлга тушириш учун қўйган
тузоги ва на подшоҳнинг қаҳри-ғазаби ва қамоғи моне'лик
қилаолади. Зайд қийин ҳолатларни яхши тушунади ва ирова
ҳам ҳунари блан мушкулларни осон қиласди. У ўзи учун кўн-
гилсиз ҳодисаларни ўртадан кўтариб ташлашга, уларни „баҳт-
ли хотима“ блан алиширишга интилади ва ўз са'ий-ҳарака-
тида муваффақиятга эришади. Навоий Зайднинг „амонатда
бедиёнат“ лигини юзига солсада, унинг қобилиятига тан бера-
ди ва унга хайриҳоҳлик кўрсатади. Зайднинг курашчан таби-
атини, ихтиро'чи ақлини, тушкунликни билмайдиган руҳини
очиб берган Навоий ҳунар ва ҳаётни эгаллашга, унинг асири
эмас, балки хўжаси бўлишига да'ват қиласди.

„Саб'ай-сайёра“нинг кўп әртаклари Баҳром ҳикояси қўйил-
ган масалаларни тўлдиради, кўп эпизодлар ё тўғридан-тўғри
Баҳромга қарши қўйиласди, ё эса кинояли равишда унга тега-
диган, ибрат бўладиган мазмун блан бойитилади.

Хинди斯顿 шаҳзодаси Фарруҳ (биринчи иқлимдан келган
мусоғир ҳикояси) Гулчеҳрани беҳад севади, унинг ишқида
бетоқат, бўлади, узоқ ўлкаларга бориб, оч яланғоч қолиб, уни
излайди. Унинг дардидা:

Ҳар замон печутоби ортар эди.
Кўнглининг изтироби ортар эди.

Фаррухнинг бу ҳолатини кўрган муруватли Ахий у блан дўстлашади, унга ачиниб, ўз хотини Гулчеҳрани Фаррухга ни-коҳлаб беришга ҳам рози бўлади. Броқ Гулчеҳра орқали дўсти-нинг ҳимматидан воқиф бўлган олийжаноб Фаррух, ўзига ҳар-қанча оғир бўлишига қарамасдан ўз ишқини синдиради ва Гулчеҳрага дейди:

Гарчи ишқингда чекканим бедод
Ўйладурким спеҳр бермас ёд...
Деди: дардимға гар даво кўрмон,
Бўйла зулми сенга раво кўрмон.
Айлабон лутфи беҳисоб асру,
Қилди бизни Ахий хароб асру...
Гар анго бу қадар муруват бор,
Бизда ҳам шаммаи футуват бор,

Ва Гулчеҳра блан ака-сингил тутинади.

Бу ҳикоя Дилоромга нисбатан вахшиёна муносабатда бўл-ган (чўлга ташлаб кетиши), ихтирос ва ҳавасини заррача тия-олмасдан, айш-ишрат ва зарарли ишқ йўлига кирган Баҳромни очиқдан-очиқ қоралайди.

Саховати блан машҳур бўлган шоҳ Жўна (тўртинчи иқлим йўлидан келган мусофирир ҳикоятида) адолатлик иш қилиши жиҳатидан Баҳромга қарши қўйилади. Жўна фуқароларнинг ҳақига тажовуз қиласлиги, уларга ёрдам бериб туриши, эл-юртнинг кўнглини олиб, хурсанд қилиши блан танилади. Ҳатто у, бир камбағал саватда нок келтириб берганда ҳак тўламагани эсига тушиб, хафа бўлади. Камбағалдан ноки зазига нима исташини сўратдиради. У арра ва теша талаб қилиб, ҳамма нок дараҳтларини кесиб ташламоқчи бўлади. Бу киноядан мутаас-сиранган Жўна надимларининг ҳоҳишига риоя қилмай, кўп пул блан камбағалнинг кўнглини олади. Шу подшоҳ ўзига тоби'узоқ бир вилоятдаги золим ва фосиқ ҳоким Жайсур ва унинг шериги разил Маллунинг ярамасликларидан хабардор бўлгач, уларнинг ўрнига инсофли Мас'удни тайинлаб, золим-ларни жазолайди ва адолатнинг тантанасига өришади:

Бўйла ҳолатда ҳукм топти судур,
Ким топиб қатлmallу-Жайсур.
Бўлди ер қонлари била гулфом,
Кўрки гул фаслидур нечук айём.

Бу ҳикояда, шубҳасиз, Баҳром (ва у орқали Ҳусайн Бойқаро) нинг қилгуликларини нўхталашга имо ва ишоралар бор. Сўз орасида шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳикоя ўзининг оптимис-тик хотимаси блан айниқса кўзга ташланиб туради. уни ҳаёт-севар Навоий шу байт-қўшиқ блан тугатади:

Хуш дурур боти коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Жобир түғрисидаги ҳикояда (бешинчи иқлимдан келган мусофири ҳикоятида) денгиз қароқчиси Жобир қўлига тушган севикили қизи Мехрини қутқариш учун қўшин блан отланган подшоҳ Навдар йўлда ов блан овора бўлиб қолади, бир ҳайвон кетидан қувиб кетиб, қўшинидан ажралади. Унинг йўлбошчисиз қолган аскарларини Жобирнинг одамлари тор-мор келтирадилар. Навдар ўзи ҳам:

Чопибон сайдига солай деди қайд,
Ўзга сайдларға бўлди сайд.
Шаҳ тилар бўлса шоҳлиғ қилмоқ,
Сипаҳидин керакмас айримоқ.
Шаҳни дерлар сипоҳи бирлан шоҳ,
Шоҳ эмастур йўқ эрса анда сипоҳ.
Шаҳға хайл ўлса фатҳнинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса бир кишидур.

Бу ибратли сўзлар, ҳалқидан ажралган, ўз майшати блан бўлиб яккаланиб қолган Баҳромни йўлга солиш учун керак эди.

Шу ҳикояда денгиз қароқчиси Жобир қўлига „ҳусн боғида сарви ноз“ бўлган гўзал қиз Меҳри асир бўлиб тушади ва унинг қалбини чуқур әгаллаб, уни ўзига шайдо қиласди. Бу қароқчининг Меҳри ҳиссиётини, номусини оёқ ости қилишга жур'ат этмаслигида яна Баҳромга тегадиган нозик киноя яшириниб ётади.

Файласуф Файлакуснинг сўзларига бутунлай ишониб, иродасини бўшаштирган ёш донишманд Са'д (учинчи ҳикоятида) ғалабага эришмай туриб, хурсандчиликка берилади, ичиб маст бўлади. Бунинг натижасида ўзининг ашаддий душмани бўлган Қатрон дев қўлига асир тушади ва ҳаётни зўр хавф остида қолади. Бу ерда кўрсатилган майнинг таҳликали оқибати тағин Баҳромни майхўрликдан ёхтиёт қилишга чақириқ эди.

Шу равишча „Саб'ай-сайёра“га киритилган етти мусофири нинг етти ҳикояси уларни рамкаловчи Баҳром қиссаси блан қаттиқ боғланиб, булардан Баҳромнинг тегишли хулосалар чиқариб олишини кўзда тутади. (Китобнинг хотимасида Баҳромнинг Ҳусайн Бойқарони ўзи блан муқояса қилиб, уни ўзига „монанд подшоҳ“ лигини, „фарзанд“ лигини иқор қилишини назарга олсан, бу ибратли хулосаларнинг биловосита Ҳусайн Бойқарога ҳам даҳлдор экани равшанлашади). Аммо Баҳром фойдали хулосалар чиқариб, уларни турмушига татбиқ өтаолмади ва натижада ҳалокатга учради.

Навоий ўз „Саб'ай-сайёра“сини тобора ўз бурчини (давлат йўлбошчиси сифатида) адо өтишдан узоқлашиб бораётган, кайфи-сафога берилиб, ҳалқнинг аҳволидан хабар олмай қўйган Ҳусайн Бойқарога та'сир кўрсатиш ниятида ёзган эди. Чунки Навоий ўз даврининг кишиси эди. У мамлакатда жорий бўлган феодаль тартибларни тубдан ўзгартиш тарафдори эмас-

ди, балки феодализм доирасида халқнинг аҳволини тузатиш, тинчлик жорий қилиш, халқни беклар, амалдорнинг ортиқча ўзбошимчалигидан халос қилиш, юртни ма’лум қоидалар асосида идора қилиш тарафдори эди. Ў илм ва поззиянинг ҳаётга та’сир этиш кучига ортиқча баҳо беручи, илм-ма’рифатни әгаллаш, ахлоқ тузатиш йўли блан инсоннинг бахти-саодатининг очилишига ишонучи идеалист эди. У бадиий сўзга ҳаётни ўзгартучи асосий омил, деб қаради ва сўз воситаси блан подшоҳни адолат йўлига киритишга ишонарди ҳам феодалларнинг халқ устидаги зулмини чеклашга жон-жаҳди блан курашарди. У, ўтмишдаги ҳамма гуманистлар сингари, чин кўнгилдан ақлнинг қудратига ва ақлнинг ғалаба қилиши орқали фақат жаҳолат ва нодонликнинггина эмас, балки зулм ва истибдоднинг ҳам бартараф қилинишига ишонди. Унингча, ақлнинг тантанаси илм ва тараққиёт душманларини аявсиз ер блан яксон қилиши ва башарни ёруғ, бахтли ҳаётга олиб чиқиши керак эди. „Саб’ай-сайёра“ да шуни куйлади.

Аммо кенг деҳқонлар оммасини ер орқали эксплоатация қилишга асосланган ижтимоий ҳаёт, ҳоким синфнинг маориф-парвар қисмига, биринчи навбатда Султон Ҳусайн Бойқарога суюниб, ҳалқ аҳволини яҳшиламоқчи бўлган Навоийнинг идеалистик қарапшларига зид борди. Ҳусайн Бойқаро, ўз ижтимоий наз’иятига кўра, Навоийнинг халққа ёнбосганини кўрган ва бундан ўз моддий манфаатларига зарар етажагини билган реакцион табақаларга тобора кўпроқ яқинлашишга мажбур бўлди. У амир ва амалдорларнинг ҳамда феодал ва руҳонийларнинг аҳолидан турли-туман солиқларни ундириб олиши ва халқни мислсиз эксплоатация қилиш учун катта йўл очиб қўйди.

Қишлоқларда аҳвол жуда оғир эди. Подшоҳ томонидан ин’омга ер (суюргол) олган бек ва амалдорлар мулкида, солиқдан озод қилинган (тархон) феодаллар ҳамда вақф ва руҳонийларнинг ерларида ишловчи деҳқонлар солиқларни ер әгаларига тўлар эдилар ва ердорлар истаганларича уларга турли-туман солиқлар солар эдилар. Ижарага ер олиб, ҳосилнинг анча қисмини ердорга берадиган деҳқонлар ҳам давлатга кўп нолог (хирож) тўлар эдилар. Умуман деҳқонларга тушадиган солиқларнинг хили 12-13 га борар эди. Халқ бу солиқларни тўлашга қодир эмасди. Бир-икки марта Навоий Ҳирот аҳолиси устига тушган солиқни ўз шахсий даромади ҳисобидан тўлаб юборади.

Бу солиқлар етмагандай, ҳалқ шаҳар қўргонларини қуриш, ариқларни қазиши, кўпприк солиш сингари оғир ишларни бекор (баршина) йўли блан ишлаб берар эдилар. Йўловчи амалдорларга от-улов топиб бериш, қишлоқдаги амалдорларни боқиши ҳам деҳқонлар бўйнида эди. Бу фалокатлар устига вақти-бевақт рўй бериб турадиган ички урушлар халқнинг бошига битган бир бало эди.

Султон Ҳусайн давлат ишлари ва солиқларни тартибга солиш ўрнига сарой аҳллари блан бирга доимо кайф-сафо мажлислари қуриб, ичклик ичишдан бўшамас эди.

Подшоҳни тинмай инсофга чақириб келган Навоий, унинг бу нома'қулчиликларини, „фараҳ базмиға азм айлагани“, „айшу тараб базмиға жаэм айлагани“ни кўриб, уни бу йўлдан қайтариш мақсадида „Саб‘аи-сайёра“ сини яратди.

Броқ уста сан‘аткор, улуғ мутафаккирнинг қалами блан халқ фольклорининг фантастик бойлигига суюниб яратилган бу ажо-йиб достон шоир кўзлагав мақсаддан жуда юқорилашиб кетди. У, юқорида айтилгандай, халқдан узилган талантли натуранинг фожиасига, инсонга бўлган ғамхўрликнинг бадиий ёдномасига, илм-ҳунар ва ихтиро‘чиликни куйловчи қўшиққа, одамийлик ҳислатларининг мадҳиясига айланаб, дун‘е адабиётининг ўлмас асарлари қаторидан ўзига муносиб жой олди.

Гениаль шоир Навоий ўз „Саб‘аи-сайёра“ сининг халқ моли бўлиб қолишини, келгуси авлод уни севиб ўқишини чин кўнгилдан орзу қилиб ёзган эди:

Халқға зеби торак айла муни,
Ўқуғонға муборак айла муни.
Етти афлокни анга ёр эт.
Етти иқлим әлин харидор эт.

Навоийнинг бу орзуси беш асрдан бери амалда яшаб келди, Ўрта Осиё халқлари бешюз йилдан бери „муборак“, „Сабаи-сайёра“ни ўқуб келдилар. Унинг рус тилига таржима қилиниши эса унга „етти иқлим әлини ёр“ этти. Бундан бешюз йил бурун халқ бахтини соғинган, унинг бахтсизлигини кўриб қайғирган улуғ Алишер Навоийнинг бу асарини Иттифоқимизнинг ҳамма халқлари мароқ блан қайта-қайта ўқийдилар.



ОЛИ А УСМОН

УЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ БУЮК ХИМОЯЧИСИ

Ўзбек адабиёти, узбек адабий тили улуғ шоиримиз ва му-тафақкиримиз Алишер Навоийгача ҳам анчагина ривож топ-ган эди. Навоийгача ўтган даврда Хоразмий, Дурбек, Сайд Аҳмад, Лутфий, Атоий, Саккокий, Яқиний, Амирий сингари ўн-лаб шоир ва ёзучилар ўз она тилларида бадий асарлар яратадилар. Ҳусусан Лутфий, Саккокий сингари сўз устозлари ўзбек тилининг бойликларидан, ше'рий имкониятларидан фойдаланиб, ўзбек поэзиясини, айниқса унинг лирикасини анча бадий юксакликларга кўтарадилар.

Броқ бу шоирлар ва ёзучиларнинг ҳечқайсиси ўз она тилларида форс адабиёти блан тенглашаоладиган, рақобатлашаоладиган „Фарҳод ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Саб'ай Сайёра“ сингари бадий юксак әпик асарлар яратоолмадилар, улар ўзбек адабиётини, ўзбек адабий тилини Навоий даражасида юксакликларга кўтараолмадилар. Зотан бу ҳолни Навоийнинг ўзи ҳам қайд қилиб ўтади: „То мулк араб ва сорт (я'ни эронийлар — О. У.) салотинидин турк хонлариға интиқол топти, Ҳулогухон замонидин султони соҳибқирон Темур-Қўрагон замонидин фарзанди ҳалафи Шоҳрух султонинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш таб' салотини зуҳурга келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар. Ва форсий мазкур бўлған шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бирнеча матла'лари борким, таб' аҳли қошида ўқуса бўлур („Муҳокаматул-Лугатайн“). Натижада форс тили „Муқаддас“ ягона адабий тил сифатида ўз мавқуни сақлаб қолади.

Кенг томир ёйган эрон маданий ва адабий традициялари илмий ва адабий-бадний асарларни форс тилида ёзишни талаб қиласи эди. Шунинг учун ҳам бу даврларда етишган, броқ эрон

традициялари асоратидан қутилаолмаган шоир ва олимлар ўз асарларини ўз она тилларида ёзмасдан, балки форс тилида ёзар әдилар. Навоий ўзининг „Мажолисун нафоис“ номли асарида замондошлари ва ўзидан илгари ўтган тўрт юздан ортиқ шоир ва ёзучилар тўғрисида ма’лумот берар экан, шулардан фақът 20 га яқин кишигина ўзбек тилида асарлар яратганинги айтаб ўтади. Навоийнинг айтишича, шуниси шоён диққатга сазоворки, улар ўз асарларини ўзбек тилида ёзиш блан бирга, мавжуд традициядан ҳам воз кечаолмаганлар, я’ни форс тилида ҳам асарлар яратганинги айтаб ўтади.

Алишер Навоий ўз халқи ичидан етишиб чиққан кўпчилик шоир ва ёзучиларнинг ҳатто ўз она тилларини унугиб юбориш даражасигача келиб қолганликларидан қаттиқ шикоят қилади.

„Турк улусининг хушта’блари мажмуи сорт (форс) тили блан назм айтгайлар ва турк тили била айтмағайлар, балки айтаолмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили била назм айғандек фасиҳ турклар қошида ўқуй ва ўткараолмағайлар ва ўқусалар ҳар лафзларига юз айб топилғай ва ҳар таркибларига юз э’тиroz ворид бўлғай“, („Муҳокаматул-Луғатайн“).

Шундай қилиб, Навоийдай улуғвор бир шахс, сўз даҳоси майдонга келганга қадар форс тили традицион адабий тил сифатида ўз мавқи’ни сақлабкелди. Зотан темурийлар даврида ўзбек тилининг мавқии анчагина кучайиб, бу тилда бадиий асарлар ёзган бирқанча шоирлар етишгая бўлса-да, броқ улар ўзбек адабий тили, ўзбек адабиёти равнақига ғов солиб турган эрон традицияларини тўла қулатаолмадилар. Жамият ичидан, ўзбек тилида бадиий жиҳатдан юксак адабий асарлар яратиш мумкин эмас, деган тамоман нотўғри, аксилимий фикрлар, ҳамон ҳукм сурар эди. Жамиятдаги бир гуруҳ душман кишиларнинг „бу тил—дағал тил, бу тилда энг нозик фикрлар ва туйгуларни ифода қилиб бўлмайди“ деган реакцион фикрларига ҳали қат’ий барҳам берилмаган эди. Ўзбек тилига нисбатан реакция шу қадар кучайган эдики, ҳатто жамиятнинг ма’лум аристократ табақаси ва форсийгўй шоирлар ўзбек тилида ёзилган ше’рларни ше’р ўрнида ҳисобламас эди. Шунинг натижасида, ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан кўпгина шоир ва адиллар эрон традициясининг асоратидан қутилаолмасдан, ўз асарларини кўпинча форс тилида ёзишга мажбур бўлар әдилар.

Ўзбек тилига нисбатан паст назар ва душманчилик блан қараш шу қадар кучаядики, ҳатто буни Навоийнинг ўзи ҳам жуда образли қилиб қайд қилиб ўтади: „Махзанининг (ўзбек тили хазинасининг — О. У.) йилони хунхор ва гулшанининг тикони беҳад ва шумор. Хаёлга келдиким, ҳамоноки бу йилонлар ниши наштаридин таб‘аҳли хирадмандлари бу маҳзандин баҳри ‘опмай ўтуптурлар. Ва кўнгулга андоқ эврулдиким, гўё бу тиконлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдаста бандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар“.

Навоий ўз ҳалқининг тили ва бу тилнинг тарихий тақдири

устида чуқур фикр ва мулоҳазалар юритар экан, у, юқорида айтганларимизнинг натижаси ўлароқ, бу тилнинг бой хазинаси, бадиий гўзалликлари, ше'рий имкониятлари халқдан яширин қолиб келганилигини, ҳатто унинг ташландиқ ҳолга тушиб қолганилигини айтади: „Ҳарими атрофи эл аёғи етмоқдин масун ва ажноси гаройиби ғайри илики тегмоқдин ма'мун... Бу вужуд турк алфозининг форсиға мунча вазият ва нафс амрда мунча диққати ва вус'ати назм тариқида шойи' эмас эрди ва китмон ниҳон жонасиға тушуп эрди, балки матрук бўлурға ёнушуп эрди... Бу алфоз ва иборатда бу нав' дақоқиқат кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатига мулоҳаза қилмоғон жиҳатдин бу яшурун қолубдур“.

XV асрдаги тарихий, ижтимоий шароит эса тил проблемасининг туғилишига ва авж олишига йўл очиб беради. Бу даврда ўзбек тили ва ўзбек адабиёти учун кураш кескин тус олади. Бу кураш фақат илмий аҳамиятгагина эга бўлмасдан, балки зўр сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлади ва ўша даврдаги ижтимоий тузумнинг энг муҳим, энг актуал ва проблематик масалаларидан бирига айланади. Бу эса прогрессив, илғор кишиларнинг ўзбек тилининг ҳаққоний ҳуқуқларини тиклаш ва бу тилда илмий ва юксак бадиий асар яратиш йўли блан ҳалқ оммасини маданиятга яқинлаштириш, ма'рифатли қилиш ғоялари ва интилишлари блан боғли эди. Ўзбек тили учун олиб борилган курашнинг бу қадар кескин тус олишининг сабаби ҳам мана шунда.

XV асрда ўтган илғор кишилар орасида Алишер Навоий алоҳида ўрин олади. У ўз ҳалқининг маданиятини ривожлантириш ва унинг адабиётини юксак даражага кўтариш учун даставвал ўз ҳалқининг тилига мурожаат қилишнинг тарихий заруриятини, тил учун кураш — ҳалқ иши эканлигини ўзбек ҳалқининг буюк мутафаккир фарзанди ва оташин ватанпарвари сифатида англаб етди:

Чун ўқумоқ зам-замаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағ-даға солди ҳавас,
Ким бу йўл ичраки алар¹ солди гом,
Бирнеча гом ўлса менга ҳам хиром.
Форсий бўлди чу аларға адо,
Туркий ила қилсан ани ибтидо.
Форсий эл топди чу хурсандлиқ,
Турк дағи топса барумандлиқ.

(„Ҳайратул Аброр“)

Зотан, у „шуур синниға“ (тушуниш ёшига) қадам қўйгач, ўз она тили — „дағал ва ярамас“ тил ҳисобланган ўзбек тили тўғрисида чуқур мулоҳазалар қиласар экан, унинг кўз олдидан бу

1) Низомий, Амир Хисрэв ва Жомийлар.

тилнинг бойликлари — гавҳар ва дурдоналар блан тўла хазинаси ўтабошлайди: „Чун шуур синниға қадам қўюлди, чун ҳақ... таб'га гаробат сори майлни зотий ва диққат ва душворлариниң қилиқи шурӯ'ни жибилий қилиб эрди турк алфозига даги мулоҳазани лозим кўрилди — оламе назарға келди, ўнсаккиз минг оламдин ортуқ; анда фазл ва риф'ат маҳзани учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ ва гулшане йўлиқти гуллари спекр ахтаридин дураҳшандароқ; ҳарими атрофи өл аёғи етмакдин масун ва ажноси гаройиби ғайр илки етмакдин ма'мун“ (Муҳокаматул-Лугатайн“).

Ўзбек тилининг бу бойликларини, чаман-чаман очилиб турган бадиий⁸ ва ше'рий имкониятларини кўрган Навоий бу тилда ҳам гўзал ва улуғвор асарлар яратиш мумкинлигига тўла ишонч қозонади. „Филҳақиқат агар киши яшар мулоҳаза ва тааммул қилса, — дейди Навоий,— чун бу лафзда (ўзбек тилида — О. У) мунча вус'ат ва майдонида мунча фусҳат топилур. Керакким, мунда ҳар нав' сухангузорлиқ ва фасиҳгуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонафардозлиғ осонроқ бўлғай, ва воқи' осонроқдир“ („Муҳокаматул-Лугатайн“).

Ҳақиқатан ҳам Навоий бу гавҳарлар хазинаси олдидан, — ўзбек тили гулшанидан кўз юмиб ўтаолмади. Шунинг учун ҳам миллий ғурур ва ватанпарварлик түйғулари блан тўлиб тошган Навоий, ўзининг тарихий ролини жуда яхши тушунган ҳолда ижодий курашини бошлаб, ўзбек тилининг бу бой хазинасидан қимматбаҳо „ла'л ва дурри саминлар“ йига-бошлайди. Эрон традицияларининг асоратида, қоронгулиқда занжирбанд бўлиб ётган ўзбек адабий тили гулшанини ўз ижодий маш'али блан ёритабошлайди, давр қонун-қоидаларига бўйсунмай ва бу традиция кишанларини пора-пора қилиб, ўз она тилида гўзал бадиалар, девонлар яратабошлайди: „Чун бу тариқда ҳиммат олий эрди ва таб' бебок ва лоуболийи, ўтарга қўймади, ва тамошосидин тўймади. Ул олам фазосида (ўзбек тилида — О. У.) таб' сипоҳи турктоzioniлар тузди. Ва ул спекр ҳавосида хаёл қуши баланд парвозлиғлар кўргузди, ва ул ганж жавҳаридин замир сайрафиси ниҳоятсиз қийматлиғ ла'л ва дурри самин олди. Ва ул гулшан раҳҳинидин кўнгул гул чини ҳад ва ғоятсиз пакҳатлиғ гул ва ёсман қўйниға солди. Чун бу мувоҳиб била финолар ва ғанойим била истиғнолар мұяссар бўлди. Бунинг натойижи гуллари рўзгор аҳлиға беҳад ва миқдор очилабошлади ва бошларига беихтиёр сочила киришти“.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг мана шундай тарихий шароитда этишган улуг шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўз халқининг тилини мудофаа қилиш, уни ҳақорат ва қарамисизликдан қутқариб, юксак босқичга кўтаришга, унинг кучқувватини, бойлигини, бадиий фазилатларини намойиш қилишга киришади. У бутун тарих бўйича ўзбек адабий тили учун кураш байроғини биринчи бўлиб кўтариб чиқади:



Машхур рассом КАМОЛИДДИН БЕХЗОД.
(Хусайн Тоҳирзода ишлаган расм, 1922 йил)

Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.

Навоий ўзбек тилининг ривожланиб тараққиј топиши, унинг бошқа „мақбул ва муқаддас“ тиллар қаторида ҳаққоний гражданлик ҳуқуқларини тиклаш йўли блан бу тилда илмий, фалсафий ва бадиий юксак адабий асарлар яратиш — халқ оммасининг илму ма'рифат соҳасида юксалиши ва маданият бойликларидан баҳраманд бўлиши учун зарур бўлган шартлардан бири эканлигига қаттиқ ишонар эди. Шунинг учун ҳам у тил масаласини одатдаги илмий бир масалагина эмас, балки жуда катта сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган бир масала тарзида талқин қилас ҳади. Шунинг учун ҳам у, таҳқиранган, ҳақоратланган ва адабий тил ҳисобланмаган бу ўзбек тилида ўлмас ва ажойиб асарлар яратиб, унинг шуҳратини орттиришга, бутун жаҳонга ёйишга, ўзбек адабиётини юксак босқичга, жаҳон адабиётининг биринчча сафларига чиқаришга ва шу йўл блан ўз халқига илму ма'рифат нурларини сочишга, маданият ва сан'ат бойликларидан баҳраманд қилишга интилади:

Чун форси эрди нукта шавқи,
Озроқ ҳади анда турки завқи.
Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким форси англар бўлди маҳзуз.
Мен туркича бошлабон ривоят
Қилдим бу фасонани ҳикоят
Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай
Турки ҳади дағи баҳра олғай.
Нечунки бу кун жаҳонда атрок
Кўптур хуштаб' ва соф идрок.

(„Лайли ва Мажнун“)

Шундай қилиб, у ўзбек тили ва ўзбек адабиёти учун олиб борган ижодий курашининг дастлабки мевалари бўлмиш ажойиб девонлари блан қаноатланиб қолмасдан, балки улардан ҳам юксак, олижаноб идеялар блан сугорилган, ўлмас асарлар яратмоқчи бўлади, токи улар, бу асарлар, форс тилида ёзилган буюк классик асарлар блан тенгглаша ва рақобатлашаолсин, ҳам шаклан, ҳам мазмунан улардан устун турсин. Унинг ўз олдига қўйган бу буюк вазифаси — ўзбек тилида ҳечбир ким сага мұяссыр бўлмаган ва „ўзбек тилида яратилиши мутлақо мумкин эмас“ деб ҳисобланган ана шундай олижаноб асарлар мажмуидан иборат бўлган „Ҳамса“ яратиш ҳади.

Лекин шунинг блан бирга бу улуғвор вазифани бажариш нақадар оғир, нақадар мас'улиятли эканлигини, Низомий сингари адабиёт арслонлари олдида жанговар арслон бўлмоқ кераклигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

„Эмас осоп бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасиға панжа урмоқ,

Тўтайким қилди ўз чангини ранжа
Неким урди анинг чангига панжа
Керак шер олида ҳам шер жангиги
Агар шер ўлмаса бори паланги".

(„Фарҳод ва Ширин“)

Устидан ҳақорат тошлари ёғдирилган бу ўзбек тилида „Ҳамса“ каби жуда мураккаб эпик асар яратиш Навоий учун ҳақиқатан буюк бир синов бўлди. Олижаноб идеялар ва ўткир ватанпарварлик руҳи блан суғорилган ва катта исте'додга эга бўлган Навоий ўз олдига қўйган бу буюк вазифани жуда зўр маҳорат ва муваффақият блан бажаради. У, турк ҳалқлари тарихида биринчи бўлиб, ўзбек тилида „Фарҳод ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Саб'а-сайёра“ сингари жаҳон адабиёти хазинасига дурдоналар сифатида қўшиладиган бешта катта дос-товдан иборат буюк асарлар мажмумини, „Ҳамса“сини яратади.

„Ажам шуароси, форс фусаҳоси — дейди „Мезонул-авzon“ номли асарида Навоий,— ҳарқайси услубдаким сўз арусиға жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум. Ва нучук қоидаким, ма'ни абкорига зеб ва оройиш кўргузуб эрдилар, чигатой лафзи била рақам урдим. Андоқким то бу мазкур бўлган тил ва лафз биносикур, ҳеч нозимга бу даст бермабдур, ва ҳеч роқимга мұяссрар бўлмабдур“.

Шундай қилиб, ўзбек адабий тилининг буюк ҳимоячиси ва байроқдори Алишер Навоий ўзининг улуғ ва маҳсулдор ижоди блан ўзбек тилининг яширин қолиб кетган бойликларини, ше'рий имкониятларини ва бадий фазилатларини амалий суратда исбот қилиб, унинг шуҳратини кўкларга кўтарди, олижаноб идеяларни олдинга суручи бадий юксак, ўлмас классик асарлари блан жаҳон адабиёти хазинасига ўзининг салмоқдор ҳиссасини қўшади.

Навоий ўзининг бу буюк ва тарихий хизматлари учун ўз замонидаётқ адабиёт оламининг соҳибқирони, алмутакаллими номини олишга мушарраф бўлган эди. Ҳатто ўзининг буюк замондошларидан Абдураҳмон Жомий Навоийнинг ше'рият оламида мисли йўқ шоир эканлиги тўғрисида гапириб, унинг достонларини Низомий ва Хисрав Деҳлавий асарларидан ҳам юқорироқ қилиб қўяди.

Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили ва адабиёти учун олиб борган кураши фақат ижодий курашдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгрок миқёсдадир. У зўр адабиётшунос ва доно давлат арбоби сифатида ҳам ўзбек тилини ва бу тилда ёзилган асарларни қаттиқ ҳимоя қилади ва уларнинг равнақи учун кескин кураш олиб боради.

Навоий ўз замонидаги адабий ҳаракатчиликнинг илҳомчилари ва ташкилотчиларидан бири эди. У ше'рият ва илму ма'рифат аҳлларининг мажлисларида, йиғилишларида ўзбек тилининг ҳаққоний ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилар, қизғин кураш олиб борар эди. Чунки, ўша вақтларда, ҳатто

Навоийнинг ўз кўз олдида ҳам, унинг яратган асарларини мен-симасдан, ерга уриб, узбек тилини дағал ва камбағал тил деб, балогат ва фасоҳатли, оҳангдор араб ва форс тиллари яра-таолган асарларни яратишга қобил эмас деб, ҳисобловчи ва очиқдан-очиқ туҳмат қилучи кишилар оз эмас әди. Бундай кишилар, юқорида айтганимиздек, ўзбек тилида нозик ше'рий асарлар яратиб, фикр ва ҳиссиётларни ифодалаб бўлмайди, фақат форс ва араб тилларидагина чинакам илмий фикрларни баён қилиб, ҳақиқий ше'рият яратиш мумкин деб ҳисоблар әдилар. Тескаричи доираларнинг мана шу намояндлари узбек тилида буюк бадиий асарлар яратиб бўлмайди деб ошкорда да'во қилас әдилар. Улар ўзбек тилида ёзилган ше'рларни ше'-рият деб ҳисобламас әдилар. Ҳатто ба'зи шоирлар Навоий-нинг ўз она тилига меҳр ва муҳаббат блан қарагани учун унга та'на тошлари отар, уни масхара қилишга урунар әдилар.

Навоий мана шундай реакцион фикрлар блан қаттиқ курашди. У, она тилида бадиий асарлар яратишга ва шу тилдаги маданиятни ривожлантиришга қарши ҳаракат қилучиларнинг ҳаммасини аёсиз танқид қилиб турди.

Ўзбек тили учун кураш ба'зан жуда кескин тус олиб кетар әди. Бу соҳада Навоий блан унинг замондоши шоир Биноий ўртасида бўлган мунозара шоён диққатdir.

Ўша замонда ёзилган тарихий асарларнинг баён қилишига кўра, Биноий форс тилини ҳаммавақт кўкларга кўтариб, туркий (ўзбек) тилини ҳартарафлама камситар, ғараз блан бу тилга туҳмат ёғдирар әди. Сўзимизнинг исботи учун Навоий блан Биноий ўртасида бўлган бир тортишувни кўрсатиб ўтамиш:

Ривоятларга қараганда кунлардан бир кун, Биноий Эрондан қайтиб келиб, олимлар ва му'tабар кишилар ўтирган мажлисга кирган, шунда Алишер Биноийга бундай деган:

— Агар Ёқуббекнинг фазилатлари тўғрисида бирор нима эсингизда қолган бўлса, айтиб бергайсиз.

Мавлоно Биноий жавоб бериб; бундай деган:

— Ёқуббекнинг бутун фазилатларидан тенги йўқ бир фазилати шуки, у туркий тилида ше'р айтмайди.

Алишер айтди:

— Э Биноий, сизнинг дағаллигингиз ҳаддан ошди. Сизнинг оғзингизни нажас блан тўлдирса арезиди.

Биноий бунга жавоб айтди:

— Бу қийин иш әмас, бунинг учун мен ўзимн туркий тилда ше'р айтган ҳисоблайман, қўяман, халос.

Шундай қилиб, Навоий ўзбек тили ва ўзбек ҳалқига нисбатан мана шундай қора реакция қучайган бир даврда яшади, ижод қилди ва шиддатли кураш йўли блан бу қора кучларнинг ўзбек тили устига ёғдирган та'на ва туҳмат тошларидан ҳимоя қилиб келди.

Навоийнинг ўзбек тили учун олиб борган кураши кескинлашиб, шу даражагача етиб борадики, ҳатто у буюк бир ватанпарвар давлат арбоби сифатида Ҳусайн Бойқаро давлати-

нинг узбек тилининг мавқиини мустаҳкамлашга, унинг ҳаётий ҳуқуқларини қат'ий тиклашга қаратилган муҳим тадбир-чораларини чиқартишгача муваффақ бўлади. Мамлакат подшоҳи томонидан ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан шоир ва ёзучиларнинг асарларини ўз она тилларида ёзишга мажбур әтучи маҳсус ҳукмлар чиқарилади, ўз она тилларида асар ёзган кишиларга уларни ра'батлантиручи маҳсус мукофотлар, эҳсон ва илтифотлар белгиланади, ўзбек тилида ше'р ёзучилар учун қўлланмалар тузилади. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шуларни ёзади:

„Бовужуд бу султанус-салотиннинг ким'ё асар хотири ва хуршед осор замири даги мунга мойилки, турк нозимлари ўз атфозлари била ше'рга машгуллуқ қилғайлар ва кўнгул фунчаси дағидинки печлар чирмонибдур баҳор насимийдек анфос била гулдек очилғайлар. Ва илтифот ва иҳтимом юзидин ба'зи ма'нилар топиб, назм қилурга ҳукмлар ҳам жорий бўлди, ва сўз услубига та'йинлар ва адосига та'лимлар ҳам изҳори бўлди“ („Мұҳакаматул-Лугататайн“).

Шундан ма'лум бўлишича, Навоийнинг „Мезонул-авзон“ ва „Муншоот“ номли асарлари илмий мақсаддан кўра, кўпроқ практик мақсадларни, юқорида айтганимиздек давлат фармойишларини амалга оширишга ёрдам беришни кўзда тутган бўлмоғи керак. Зотан шундай ҳамдир. Чунки бу асарларнинг биринчиси, „Мезонул-авзон“, ўзбек тилида аruz вазни блан ше'р ёзиш техникасини эгаллапда шоирларга қўлланма бўлса, иккинчиси, я'ни „Муншоот“ эса, ўзбек тилида ҳархил хат ва мактублар ёзиш техникасини ўз ичига олади ва унда ҳархил хат ва мактубномаларнинг ўнлаб намуналари келтирилади. Шуниси характерлики, Навоий „Муншоот“да расмий хат ва ҳатто шахсий ёзувлар ва салом хатларининг ҳам форс тилида ёзилиши одат шаклига кириб кетганилигидан қаттиқ шикоят қилиб, бу ерда ҳам у ўзбек тилини изчиллик блан ҳимоя қиласи ҳамда ше'рият блан унча даҳли бўлмаган амалий ишлар учун ҳам бу тилдан фойдаланиш соҳасида жуда кенг имкониятлар борлигини конкрет мисоллар блан исбот қилиб беради.

Навоийнинг ўзбек тили, ўзбек адабиёти учун ўзининг бутун умрини, адабий, сиёсий фаолиятини бағишилаб, зўр маҳорат ва изчиллик блан олиб борган кураши ўзбек адабий тили ва адабиёти тарихида бутун бир этап ясаб, жуда катта бурилиш ҳосил қилган бўлса-да, лекин умумий вазиятни тамомила ўзгартириб юборолмади, ўзбек тилига қарши бошланган реакция ҳали тамоман тор-мор келтирилмаган эди.

Энг охир, Алишер Навоий умрининг охирида амалий курашдан назарий курашга кўчади, ўзбек тилини назарий фалсафий жиҳатдан ҳам ҳимоя қилишга киришади. Шундай қилиб у умрининг охирида ўзининг буюк ижодиётига, ўзбек тили, ўзбек адабиёти учун умрбўйи олиб борган амалий-ижодий, жанговор курашига якун ясаб, ҳақоратланган, таҳқирланган ўзбек тилини илмий-фалсафий жиҳатдан ҳам асослаб, „Муҳо-

каматул-Лугатайн" номида оташин ватанпарварлик руҳи блан сүфорилган илмий трактат ёзди.

Навоий ўзининг бу асарида „авом“ тилини, халқ тилини, унинг ҳаётий ҳуқуқларини илмий асосда ҳимоя қиласди. У ўз она тили бўлган ўзбек тилини яшаши ва ҳаммага ма'қул ва мақбул адабий тил бўлиши учун тўла ҳақли эканлигини, бу гилнинг сўз бойлиги катта эканлигини, услугуб ва ше'риятдаги фазилатлари ниҳоят даражада юксак эканлигиня, шу сабабли ҳарқандай илмий ва бадиий фикрларни ифодалаш учун гўзал восита бўлаолишини назарий исбот қилишга урунади. У ўзбек тилини форс тили блан муқояса қилиб, ўзбек тилининг фазилатларини, бадиий устунликларини, ше'рий имкониятларини, хуллас, унинг ҳарқандай илмий ва адабий асарлар ёзишдаги қудратини жуда ёрқин кўрсатиб ўтади. Навоий конкрет фактлар ва мисоллар келтириб узбектилининг граматик шакллари пухталигини, уларнинг ҳарқандай фикрни ифодалаш учун қулайлигини, сўз ясаш техникаси пишиқ эканлигини бирма-бир намойиш қиласди. Шундай қилиб, Навоий ўзининг ижодий фаолияти блан ўзбек тилида юксак илмий ва бадиий асарлар яратиш мумкинлигини амалий суратда исбот қилган бўлса, ўзининг илмий асари бўлган „Муҳокаматул-Лугатайн“ да ўзбек тилининг лугавий бойликларини, ше'риятдаги фазилатларини, бадиий имкониятларини илмий жиҳатдан исботлаб беради. Ҳақиқатан ҳам, Навоий бу илмий асарини ёзганида тилшунослик манфаатларини кўэда тутишдан кўра, кўпроқ халқпарварлик, ватанпарварлик мақсадларини, ўз халқининг маданий-сиёсий мустақиллиги учун кураш, ўззек тили ва ўзбек адабиёти учун кураш мақсадларини назарда тутади.

↗ Навоий ўзбек бойлиги ва бадиий хислатларини э'тироб қилиш ва исботлаш блан бирга ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан шоирлардан ва адиллардан ўз она тилларига э'тибор қилишни, бу тилда кўпроқ ёзиб, яхши асарлар яратишни ҳақли суратда талаб қиласди: „Турк тилининг жамияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлган таб‘ аҳли салоҳият ва таб‘ларин ўз тиллари турғач ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди, ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболага қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди.“

Навоийни асосий мақсади ва талаби ўзбек тилининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан иборат. У, ўз замондошлари бўлган олимлар, адиллар ва шоирларга худди шу талаб блан мурожаат қиласди. Навоийнинг бу талаби бу ўша замон учун катта прогрессив аҳамиятга эга эди.

Навоий ўз замонидаги асли ўзбек халқи ичидан чиққан шоирлар, ёзучилар ва ма'рифат кишиларидан она тилларида кўпроқ гаплашиш ва ёзишни талаб қилиш блан бирга форс тили ва адабиётига ҳам чуқур муҳаббат блан қарайди. Лекин, На-

вўй ўша вақтдаги реакцион шоирлар ва адабиётшуносларга қараш қаттиқ курашиб, уларнинг „Навоий форс тилини билмагани учун бу тилга қарши чиқмоқда“ деган иғволариға кескин зарба берди: „Навоий бунга жавобан турур блан айтдики: „Ву сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддәй бу'нав' ту мон қалмасунки, менинг таб'им турк алфозига мулойим тушган та"рифида муболага изҳор қилемен, ва форсий иборатқа муноҳабатим озроқ учун ишкор ва нафийга исрор кўргўзурмен“ ким, форсий алфоз истийфосин ва ул иборат иқтисосин қиши мендян кўпроқ қилмайдур эркин ва "салоҳ ва фасодив мёдин яхшироқ билмайдур эркин".

„Навоийнинг“ мақсади форс тилини ва бошқа ҳалқларнинг тилларнинг камситишдан иборат бўлмади. Балки у бошқа ҳалқларнинг тилларини ҳурматлаш блан бирга, асли ўзбек ҳалқи орасидан етишган шоир ва адиллардан ўз асарларини лоажал ҳар иккӣ тилда тенг ёзишни талаб қилди.

Навоий форс тилийгина эмас, балки араб тилини ҳам муқаммал билар, бу тилларнинг сўз тувилиши ва нозикликларини яхши тушунар эди. У, ёшлик чогида ёқ форс шоирларини асарларидан эллик мингдан кўпроқ байти ёд билар ёди. Шунинг учун ҳам ўша вақтда унга „Икки тилли“ деб ном берилган эди. У, форс тилида ҳам гўзал шे'рлар яратди. Буюк форс шоири Абдураҳмон Жомий бу ше'рларга жуда баланд баҳо берди. Навоийнинг форс тилда гўзал ше'рлар яратоалишини унинг бошқа бир замондош тарихчи Давлатшоҳ ҳам кўрсатиб ўтади: „У, (Навоий) ёшлик чогида икки тилни билар эди, шунинг учун ҳам у түркий тилдаги ше'риятда энг машҳур, форсий ше'рлар ёзишда ало шоир бўлиб танилди“.

Тиллар ва адабиетларни кўп йўл давомида синхиклаб ўрганиш, шунингдек тўрли ҳалқлар ва замонларнинг фалсафаси, адабиёти ва адабиёт назариясини пухта ўрганиш өтижасида Навоий ўз она тилининг сўз бойликлари бенихоя кўп эканлигига, бу тилдаги грамматик шакллар ва бу тилдаги ше'рий имкониятлар кўплигига қаттиқ йўёнди.

Ўз замонининг буюк шоири ва муҳафакири бўлган Навоий, форс адабиётининг ёнг яхши мӯваффақиятларий ва ан-а'наларини ўзига сингдириб өлиб, она тилида қатта адабиёт яратишида шу тилининг бой тажрїбасидан кейг Фойдаланди. Навоий ўзидин илгари ва ўз замонидан форс тилидә ёзган шоирларга катта ҳурмат блан қараб, уларни қамтарлай блан ўзига устод деб билди.

Алишер Навоий ўзининг бу „Муҳоқаматул-Лугатай“ номли асарининг охирида ўзбек тили учун олиб борган курашига ва бу соҳадаги чексиз ижодий ишларта якун ясар ёкан, қўйидаги сўзларни ёзди:

„Турк ва сорт (эронийлар — О. У.) лугати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисолани жам қилиб биттим, ва анга „Муҳоқаматул-Лугатай“ от қўйдим, то турк өли тили фасоҳат ва диқ-

қати ва балофат ва вус'атики... зоҳир қилдим. Ва хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасиҳларига улуғ ҳақсобит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тили ва луғатлари кайфиятидан воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида та'н қилур сарзанишидин қутидилар. Алар даги ранж ва машаққатим муқобаласида, чун бу маҳфий илмдинки, зоҳир қилибмен, вуқуф тўпсалар умид улким, бу фикрни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва руҳумни анинг била шод қилғайлар".

Шувдай қилиб, у, Алишер Навоий, ўзбек адабий тилини фақат назирий жиҳатдан ҳимоя қилучигина эмас, балки бу тилнинг "дурри самин ва гавҳарларга" бой хазинасини замонинини "хунхор илонлари сарзанишидин", реакцион элементларнинг "та'на-туҳматларидан" қутқарган, унинг равнақи учун амалий суратда курашиб, буюк ижодкорлик кўрсатиб, бу тилда ажойиб ғазаллардан тортиб — олижаноб эпик достонларга қадар, гўзал рубойилардан тортиб — чуқур илмий — фалсафий асарларга қадар бун'ёд қилган ҳамда ўзининг бу асарлари блан Хуросондан Хитойгача бўлган ерларда яшовчи туркий халқларни илҳомлантирган улуғ шоир ва мутафаккирdir:

Низомий олса Барда бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа.
Чекиб Хисрав даги тифи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда даги чолса кўс шавкат.
Агар бир қавм гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олиб мен тахт фармонимда осон.
Чирик чекмай Хитойдин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табриз,
Ки қилмишдур наиб килким шакаррез.
Кўнгил бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балки туркман ҳам.
Не мулк ичраки бир фармон юбордим,
Анинг забтиға бир девон юбордим.
Бу девон тутти ул кишварни андоқ,
Ки девон туэммаган дафтари андоқ.
Навоий сайр этиб сўз бўстонин,
Рақам зад қилди чун ҳар достонин.
Чу қолмай достондин нукта боқи,
Тутуб соғар тўла бер турфа соқи.

(„Фарҳод ва Ширим“)

Ҳақиқатан ҳам Навоий, ўзининг фахрланиб, мағруона айтганидек, ўзбек адабий тилига асос қуручи сифатида уни, ўз-

бек тилини, ше'рият осмонига кўтарди, узбек адабиётини ўзининг мислсиз, ўлмас асарлари блан камолатга етказди.

Мен ул менки, то турк билодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен каби нодири —
Низомий каби назм аро қодири.

Бойдиклари, фазилатлари, ше'рий имкониятлари „яширин“ қолио кетган, ҳатто реакцион элементлар томонидан таҳқиранган ва ҳақоратланган ўзбек тилининг хазинасини очиб берган бу улуғ одам бутун тарих бўйлаб бу тилнинг буюк ҳимоячиси, оташин курашчиси, жанговар байроқбардори бўлиб қолажак.



-всё инкебыз в зору мактаба китобоми тағдирининниң
идебиги китобоми да бозош мактаба китобоми тиңн
МУШИДАРИЙЖА

Сандардо буюк ол шаржим да шам
Орнадону мактаба китоби айт чоң

БЕ	
АЛИШЕР НАВОЙНИЙИ, бутун мамлакат оджишламоюра	26
АЛИШЕР НАВОИЙ Газаллар	26
Ж. ШАРИФИЙ, У тирүк. Ше'р.	27
ХАМОЛИЙ, Навоий. Ше'р.	28
М. БОБОЕВ. Дайли ва Мажнун. Баллада.	29
М. АФЗАЛОВ. Навоий ҳакида ҳалқ ағсонадари.	30
ҮЙГУН, Келинчак. Ше'р.	31
ҲАКИМ НАЗИР. Таниш сурат. Ҳикоя	35
АСҚАД МУХТОР. Ҳамшаҳарларим. Ше'р.	40
ШУҲРАТ. Солдатга. Ше'р.	41
М. КАЛОН. Сўнгги ҳужум. Очерк.	45
ОРИФ ЮНУС. Терақ, Ше'р.	57
САЙФИЙ. Ишни уйқисида бос. Ше'р.	59
МУҲАММАДЖОН. Май. Ше'р.	60
Ю. ҲАМДАМ. Навоий номли колхозда. Очерк.	62

МАҚОЛАЛАР

ШАЙХЗОДА. Навоининг лирик қаҳрамони ҳақида.	65
В. ЗОҲИДОВ Навоий „Фарҳод ва Ширина“нинг ёявий мотивлари	94
Ҳ. ЁҚУБ. Навоининг „Саб'ан-сайёра“ достони.	111
ОЛИМ УСМОН. Узбек адабий тилининг буюк ҳимоячиси.	121

РЕДКОЛЛЕГИЯ: Ойбек (мас'ул мұхаррир), Ғафур Ғулом, Яши
Үйғун, Абдулла Қаҳдор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Сам
Абдуллаев. **Мас'ул секретарь:** Ма'руф Ҳаким.

На узбекском языке

„ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 5

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“
Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясинин адреси:
Ташкент. Биринчи май күчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Босмашга рухсат этилди 17/V 1948 й. Р 03628. Қороз формати 60x92/16. Босма листи
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 6000. Изд. № 752. Бадоси 5 сўм.

Ташкент „Кирав Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахонаси. Заказ 495.